

А.Нурмонов, М.Мирзахидова, Д.Абдуллаева

# ЎЗБЕК ТИЛИ

9

1991 - жылы 31-августунда өткөн Кыргыз Республикасынын кезексиз алтынчы сессиясы Кыргыз Республикасынын көз карандысыздыгы жөнүндөгү Декларацияны кабыл алган.



**Мамлекеттик герб**

Авторлор:

Асеин Абдраев, Садырбек Дубанаев  
14-январь 1994-жыл.

**31-август - Көз карандысыздык күнү - жалпы элдик майрам.**



**Мамлекеттик туу**

Авторлор:

Э.Айдарбеков, Б.Жайчибеков, С.Иптаров,  
Ж.Матаев, М.Сыдыков  
3-март 1992-жыл.

Кыргыз Республикасынын Конституциясы 1993-жылы 5-майда Кыргыз Республикасынын Жогорку Кеңешинин он экинчи чакырылышынын он экинчи сессиясында кабыл алынган.

## КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН МАМЛЕКЕТТИК ГИМНИ

Сөзү: Ж. Садыков, Ш. Кулуев.  
Музыкасы: Н. Давлесов, К. Молдобасанов.  
18-декабрь 1992-ж.

Ак мөнгүлүү аска-зоолор, талаалар,  
Элибиздин жаны менен барабар.  
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,  
Сактап келди биздин ата-бабалар.

Кайырма:

Алгалай бер, кыргыз эл,  
Азаттыктын жолунда.  
Өркүндөй бер, өсө бер,  
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,  
Досторуна даяр дилин берүүгө,  
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,  
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Кайырма:

Аткарылып элдин үмүт-тилеги,  
Желбиреди эркиндиктин желеги.  
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,  
Ыйык сактап урпактарга берели!

Кайырма:



А.Нурмонов, М.Мирзахидова, Д.Абдуллаева

# ЎЗБЕК ТИЛИ

Умумтаълим мактабларининг 9 - синфи учун дарслик

*Қирғизистон Республикаси Таълим ва  
фан вазирлиги тасдиқлаган*



Издание учебника осуществлено при поддержке  
Межгосударственного фонда гуманитарного  
сотрудничества государств-участников Содружества  
Независимых Государств.

Ўш- 2012

БИБЛИОТЕКА  
Ошского института  
усовершенствования  
учителей  
ИНВ. № 6405

УДК 373.167.1  
ББК 81.2 Уз я 721  
Н 90

Масъул мухаррир: филология фанлари номзоди,  
доцент **С.Мирзакулов**

**Н 90** Ўзбек тили: Қирғизистон Республикасидаги умумтаълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик. А. Нурмонов, М. Мирзахидова, Д. Абдуллаева, - Ош.: 2012.-160 б.

**ISBN 978-9967-602-95-3**

Қўлингиздаги ушбу дарслик Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун “Дарсликлар яратиш маркази” томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни “Марказ” маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз

Бизнинг манзил: Ўш шаҳри, Г. Айтиев кўчаси, 27 уй.

Н 4306020200-12

ISBN 978-9967-602-95-3

УДК 373.167.1  
ББК 81.2 Уз я 721  
Н 90

© А.Нурмонов, М.Мирзахидова, Д.Абдуллаева - 2012 й.  
© Дарсликлар яратиш маркази - 2012 й.

## КИРИШ

---

VIII синфда она тилининг синтаксис ва пунктуация бўлимлари билан танишдингиз. Синтаксис ва пунктуация бўлимлари нималарни ўрганиши ҳақида маълумотга эга бўлдингиз. Гапнинг қандай хусусиятларга эга эканлиги ҳақида, унинг тузилишига, ифода мақсадига, эмоционалликка кўра қандай турларга бўлиниши, уларнинг тиниш белгилари ҳақида тушунча ҳосил қилдингиз.

Гапда сўзларнинг ўзаро қандай воситалар ёрдамида боғланишлари, боғланишнинг турлари, гап бўлаклари, гап бўлақларининг қайси белгисига кўра бош ва иккинчи даражали бўлақларга бўлиниши, грамматик алоқага кирмаган сўзлар: ундалма, кириш ва киритма, уларнинг муҳим хусусиятлари, унда ишлатиладиган тиниш белгилари ҳақида маълумот олдингиз.

IX синфда синтаксис ва пунктуация бўлимларини ўрганишда давом этасиз. Бу синфда қўшма гаплар, уларнинг турлари ва тиниш белгиларнинг қўлланилиши ҳақидаги билимга эга бўласиз. Шунингдек, она тилининг услубшунослик ва нутқ маданияти бўлимлари билан танишасиз. Тилнинг қандай келиб чиққанлиги, дунёда қандай тиллар борлиги, уларнинг қандай гуруҳларга бўлиниши, ўзбек тилининг дунё тиллари ичида тутган ўрни, унинг ривожланиши, ёзувнинг қандай пайдо бўлганлиги ва унинг тараққиёт босқичлари ҳақида маълумот оласиз.

## 1-ДАРС

### “ҚИРҒИЗИСТОННИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА”ГИ ҚОНУННИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ. ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ТИЛЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

Қирғизистон Республикаси кўп миллатли давлат бўлиб, унда 80 дан ортиқ миллатлар, халқлар истиқомат қилади.

Қирғизистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, 1989 йилнинг 23 сентябрида «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, унда қирғиз тили «Давлат тили» деб эълон қилинган.

Мустақил Қирғизистон Республикаси Конституциясида “Давлат барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади” дейилиши Қирғизистон Республикасидаги турли миллат ва халқларнинг бир-бирларига дўст бўлиб яшаб меҳнат қилишларига шароит туғдирди. Ватанимизда яшаётган барча миллат ва халқлар ҳозирда бир-бирлари билан аҳил ва иноқ ҳаёт кечирадилар ва шундай яшаш учун биргаликда ҳаракат қилмоқдалар.

1-машқ. 1989 йили 23 сентябрда қабул қилинган «Давлат тил тўғрисида»ги Қонунни диққат билан ўқиб чиқинг. Мактаб ўқувчиларига оид бўлимларни дафтарингизга ёзиб олинг.

2 -машқ. Саволларга жавоб беринг.

- Қирғизистон Республикаси қандай давлат?
- Қирғизистон Республикасида турли миллат вакиллари қандай яшайдилар?
- «Давлат тил тўғрисида»ги Қонунда давлат тилидан бошқа тилларга эътибор берилиши ҳақида нима дейилган?

3-машқ. Қуйида “Манас” эпосидан берилган парчани қирғиз тилига таржима қилинг.

Жақип одатига кўра, ўзига яқинроқ кишиларни, уруғларнинг бошлиқларини, аҳли дониш оқсоқолларни

тўйдан кейин олиб қолиб, атаб қўйган совға-саломларини топширди. Кейин гўдакни тўнининг ўнг барига солиб, бойвуччасини эрчитиб ўртага чикди.

– Садағанг кетай, азизларим! Тангрим ато қилган фарзандимга исм қўйиб беринглар, – Жакип тиз чўкиб оқ фотиҳа сўради.

Боладан таралаётган нурдан каловланган меҳмонлар муносиб исм тополмай ўтириб қолишди.

Шу пайт чоригини судраб оқ ўтовга ярғоч чопон кийган, қўлига таёк тутиб, белига чакмоқ тош боғлаб олган дарвеш кириб келди.

– Халойиқ, – деди соме ўтирганларга мурожаат қилиб.

– Рухсат берсангизлар, болакайга мен от қўйиб берсам.

– Марҳамат! Тилингизга бол, – деди ўтирганлар.

– Исми айтиш мендан, сўз Тангриники. Гўдакнинг оти Манас бўлсин! Исми жисмига монанд. Ҳар балодан халос бўлсин, – деди кўзидан олов чакнаб турган авлиё қўлидаги ҳассасини сермаб. – Манас, баданингга ўқ ўтмасин, ёйнинг найзасидан сира захмат етмасин. Ўчашганга киргин сол, беллашганинг белини букиб, ўч ол. Олишган одам ўнгмасин, Хўжаи Хизр қўлласин. Ёлғиз бошинг кўкёлим, пешонангдек кенг бўлсин. Пахлавон бўл, бардошинг кирк ўғлонга тенг бўлсин...

Чийирди бойвучча боласига муносиб исм қўйиб берган авлиёсифат меҳмонга тортик ва сарпо совға қилмоқчи бўлиб қайрилиб қараса, дарвеш йўқ. Дасгурхон атрофида саф тортганлар ҳанг-манг. Меҳмон сирли равишда ғойиб бўлди. Унинг қаёқдан келиб кетганини ҳеч ким билмай қолди.

*(А. Жакипбеков)*

### ***Савол ва топшириқлар***

1. «Манас» эпосини ўзбек тилига кимлар таржима қилган?
2. «Манас» эпосининг бош қаҳрамони ҳақида сўзлаб беринг.
3. Юртини севган, ўз халқи учун жонини тиккан қаҳрамонлардан кимларни биласиз?

## 2-ДАРС

# ЎҚУВ ЙИЛИ БОШИДА ТАКРОРЛАШ СИНТАКСИС ВА ПУНКТУАЦИЯ

### 2.1. СОДДА ГАП

4-машқ. Ўқинг. Ҳар бир гапнинг мақсадга кўра турини аниқланг. Биринчи ва иккинчи гапларни синтактик таҳлил қилинг.

1. Бу сир эртаси куни нонушта пайтида аён бўлди. (С.А.)  
2. Олинг, айланай, бегоналарга ўхшаб ўтирманг! (Ў.Ҳ.)  
3. Худо ёр бўлсин, Исҳоқ! Биздан ташвиш қилма, баҳорда хабарлашамиз... (Т.Қ.) 4. Шоҳ Исмоилнинг аскарлари тоғ йўлларида кийналиб, минглаб чақирим ортиқча йўл юриб, Қундуз ва Ҳисорга келиб юриши не керак? (П.Қ.) 5. Сабр қилайлик, эна, кутайлик. (Ч.А.) 6. Қизик, бу нимаси? Нега бу одам у билан бунақа гаплашади? (Ў.Ҳ.) 7. Айни пишиқчилик. Шаҳар ташқарисидаги боғларига чиқиб кетган одамлар уйларига қайта бошлаган. (Журн.)

5-машқ. Ўқинг. Тушириб қолдирилган тиниш белгиларини қўйиб матнни кўчиринг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини изоҳланг.

### ФАРЗАНД БУРЧИ

Одамзод ўз ибтидосидан бошлаб ҳозирги кунгача бир ажойиб фазилатни ёруғ юз билан сақлаб келади Бу фазилат ота-она олдидаги фарзандлик бурчининг ҳар вақт ҳамма ерда шараф билан бажарилишидир Фарзанд катта ё кичик ёшда бўлишидан қатъи назар ота-онасининг хурматини демак хизматини килади Ота-она олдидаги муқаддас бурчни эсдан чиқариш ё бунга бепарво бўлиш инсон шаънига жуда катта ҳақоратдир.

Дунёда шундай бир гўзал азиз зот борки биз ундан хамиша қарздормиз Бу зот онадир дейди Николай Островский.

Дарҳақиқат дунёда онадан азиз она меҳридан лазиз нарса йўқ Чакалоқ тили шу табаррук ном билан чиқар инсон

кувонган ё кайғурган пайтларда шу азиз сиймо кўз ўнгига келар экан. Дунёда онадан яқин онадан табаррук нарса йўқ фарзанд учун (*М.Ис.*)

### **Савол ва топшириқлар**

1. Синтаксис бўлими нимани ўрганади?
2. Пунктуация-чи?
3. Гап деб нимага айтилади ва у қандай муҳим белгиларга эга?
4. Гап бўлаги деб нимага айтилади? Нима учун ундалма, киришлар ва киритмалар гап бўлаги бўла олмайди?
5. Гапнинг ифода мақсадига кўра турларини айтинг ва ҳар қайсисига иккитадан мисол келтиринг.

## **2.2. ИККИ БОШ БЎЛАКЛИ ГАП**

**6-машқ.** Ўқинг. Ҳар бир гапнинг грамматик асосини топинг. Аввал икки бош бўлакли гапларни, кейин бир бош бўлакли гапларни ёзинг.

1. Одам боласининг умри битта-биттадан ғишт териб кўтарилган бинога ўхшаб кетади. (*М.Ис.*) 2. Сизни фарғонача аскияга жуда уста дейишади... (*С.А.*) 3. Тоғ табиати қутуриб, бир зумда ҳаммаёқни остин-устин қилиб ташлади. (*Ў.Ҳ.*) 4. Бошимга тушган хавф-хатарни шу бахтли онда бутунлай унутиб юборгандим. (*Ч.А.*) 5. Йўқ, жуда ёмон кўраман. Эшитсам, титраб кетаман. (*Р.Ф.*) 6. Агранинг кеч кузи худди Андижоннинг баҳор пайтларидек салқин ва майин туюлар эди. (*П.Қ.*)

**7-машқ.** Кўчиринг. Эга ва кесимнинг тағига чизиб, эга ва кесим гуруҳини аниқланг. 1-2-гапларни синтактик таҳлил қилинг.

1. Ҳар куни тушликкача давом қиладиган бу ўйин-кулги бугун барвақт тугади. (*Р.Ф.*) 2. Ёшликда кўрган ранглар, эшитган товушлар кейин топилмайди. (*С.А.*) 3. Овудимиз устидаги тепаликда икки катта терак бўларди. (*Ч.А.*) 4. Бобур ўсмирлигида Хулқар юлдузларини олмосдан ясалган варракка ўхшатарди. (*П.Қ.*) 5. Юракни эзувчи,

кўнгилга ғашлик солувчи ғира-шира оқшом кўнди. (Ў.Х.)  
6. Қаттик зарбага учраган Абдурахмон ўз навкарлари билан Кўқонга келди. (Т.Қ.) 7. Демак, у ўзи мухаррирлик қилган бу китобни кўролмаган. (С.А.) 8. Қирғизистон Марказий Осиёдаги энг баланд тоғлар ва кенг водийларга бой мамлакатдир. (Газ.)

8-машк. Кўчиринг. Иккинчи даражали бўлақларни топиб, тагига чизинг ва турини қавс ичида кўрсатинг.

*Намуна: Йигит ўглининг (қаратқич-аниқловчи) дўмбоқ (сифатловчи-аниқловчи) кўлчаларини (воситасиз тўлдирувчи) маҳкам (вазият ҳоли) ушлади.*

1. Қосимбек тоғ этакларидаги минглаб ўтовларга хавотир билан кўз югуртириб чикди. (П.Қ.) 2. Бола кўчма дўконни ўзи бошлаб келгандай боши осмонга етган эди. (Ч.А.) 3. Сарибой ҳозир бу қадимий оҳангни зўр ихлос билан чалмоқда. (Т.Қ.) 4. Машина шиддат билан қалтис тоғ йўлидан учиб кетди. (Ў.Х.) 5. Султонмурод ҳаддан ташқари қувониб, олимнинг кетидан уйга кирди. (О.) 6. Чинакам ижодкор ҳар қандай шароитда ҳам ижод қилади. Шухрат ниҳоятда кийин дамларда ҳам калами билан дардлаша олди. (С.А.)

### 2.3. БИР БОШ БЎЛАКЛИ ГАП

9-машк. Ўқинг. Ҳар бир гапнинг грамматик асосини топинг ва бир бош бўлакли гапнинг қайси турига киришини айтинг.

1. Уни юқори ташкилотлар топшириғи билан ишдан ишга кўтаришарди. (С.А.) 2. Невараси кириши билан кўлидаги китобини ёнидаги курсига кўйди. (М.Исм.) 3. Шундан кейин бу тўғрида ҳеч оғиз очмади. (П.Қ.) 4. Залга маҳсус руҳсатнома билан киритилади. 5. Ҳақиқий дўстга содик бўл, хиёнат қилма. (Х.) 6. Ойдин кеча! Денгиз осуда уйкуга кетган. 7. Яна бир оз кутишга тўғри келади. 8. Хайр!.. Насиб бўлса кўришармиз. (Т.Қ.)

10-машк. Ўқинг. Аввал шахси маълум гапларни, кейин шахси умумлашган гапларни, сўнгра шахссиз гапларни кўчиринг.

1. Мехнат билан ҳамма нарсага эришса бўлади. (Х.)
2. Қани, берироқ кел, мана бу тошга ўтир. (Ч.А.)
3. Ўзингга раво кўрмаган нарсани бировга ҳам раво кўрма. (Х.)
4. Эрта эксанг, эрта ўрасан. (М.)
5. Бекатда бир нафас тўхтаб орқангга карадинг. Энди бас! Ўрнингдан тур! (С.А.)
6. Қошиқ билан ош бериб, сопи билан кўз чиқарма.
7. Ношукур бандани рози қилиб бўлмайди. (Х.)
8. Раиснинг ўзи борида гапирилсин. (А.Қ.)
9. Фақирнинг остонасини не мақсад билан босдингиз? (О.)

11-машк. “Дўстлигимиз абадий бўлсин” мавзусида ишро ёзиш учун хозирлик кўринг: режа тузинг, мисоллар тўпланг, эниграф танланг.

### 3-ДАРС

#### УЮШИҚ ВА АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛИ ГАПЛАР

12-машк. Ўқинг. Гапларнинг мақсадга кўра турини айтинг ва тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтиринг.

Кечкурунлари, ишдан қўл бўшаганда, бобом менга эртақлар айтиб беради. Биламан, уйдан ташқарида зимзиё, совуқ тун. Изғирин изиллаб турибди. Энг улкан тоғлар ҳам бундай тунларда ваҳимага тушиб, бир тўп бўлиб тўпланишиб, уйимиз олдига – дераза остидаги ёрукка яқинроқ келиб олишади. Менга бу ҳам кўрқинчли, ҳам севинчли туюлади. Пахлавон бўлганимдами, катта пўстин киярдим-да, ташқарига чиқардим. Мен у тоғларга бор овоз билан дердим: “Кўркманг, тоғлар! Мен шу ердаман. Майли, изғирин, коронғу зулмат, довул бўлсин, мен ҳеч нимадан кўркмайман, сизлар ҳам кўркманглар. Бир ерга гуж бўлиб тўпланишмасдан жойларингда тураверинглар”. (Ч.А.)

13-машк. Ўқинг. Гапнинг қайси бўлаклари уюшганини аниқланг. Эга ва тўлдирувчи уюшган гаплардан биттадан кўчиринг ва синтактик таҳлил қилинг.

1. Халойиқнинг кий-чуви, карнай-сурнайларнинг ер-кўкни ларзага келтираётган садолари унинг кулоғига кирмасди. (Т.Қ.) 2. Олим, шоир, косиб, дехкон – ҳамма уни кўришни, унга бўлган меҳрини билдиришни ўзи учун фахр ва шараф деб биларди. (О.) 3. Кўчалардан хали байрам шиорлари, байроқлар йиғиб олинмаган. (С.А.) 4. Ҳамма қариндошу кадрдонлар Бадиа топилганини эшитиб, Зулфиқорларникига югуришди. (Мирм.) 5. Чекка-чеккасида қор уюлиб ётган хиёбонлар, сершовкин метролар, Москва-нинг хушсурат, майин табассумли кизлари – барча-барчаси эртақ каби ширин, азиз хотиралар бўлиб қолди энди. (Ў.Ҳ.) 6. Кесакполвон жавобгарларнинг мўлтиллаб қарашларини, йиғлашларини, тавбалар қилиб эмаклашларини томоша қилишни ёқтиради. (Т.М.) 7. Ҳамма-ҳамма нарсага – боши устида айланаётган зағчаларга, бахтсиз Мўмин чолга, дангаса Сейдахмадга ғазоби жўш уриб кетди. (Ч.А.)

14-машк. Кўчиринг. Гапнинг қайси бўлағи ажратилганини изоҳланг ва тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтиринг.

1. ... Чой ҳам совиб қолар, аллақандай ўлчовлар – учбурчаклар хаёлини тортиб кетарди. (Мирм.) 2. Бир даста қоғозни – ҳар бир нуктасида қалбининг қони учқунланган мактубни тоқчага ташлади-да, ҳолсизланиб ёстикқа бош қўйди. (О.) 3. У Самарқандга жануб томондан йўл очади ва Шох Исмоилнинг кўшини билан Шахрисабз – Қарши атрофларида учрашади. (П.Қ.) 4. Камолот зиналарида энг азиз, энг покиза нарсасини – одамгарчилигини тушириб қолдирибди. (Ў.Ҳ.) 5. Ичкарида, шохона безатилган кенг хонада, ўндан зиёд эркагу аёл – Олмонияда истикомат қилувчи ўзбекларнинг юқори табақа вакиллари меҳмон кутиш баҳонасида тўпланган эдилар. (Т.М.) 6. Ҳар якшанба тўн кийиб, этигини мойлатиб, Марғилонга тушадиган кишлоқ йиғитлари энди олисда – урушда. (С.А.)

## 4-ДАРС

### УНДАЛМАЛИ, КИРИШ ВА КИРИТМАЛИ ГАП

15-машк. Ўқинг. Ҳар бир гапнинг эгасини аниқлаб, уни ундалмага айлантиринг. Ҳосил бўлган гаплардаги ўзгаришларни тушутиринг.

*Намуна: Карим сўзини давом эттирди. – Карим, сўзингни давом эттиравер!*

1. Чўпонлар ва йилқичилар ёзда бизнинг яйловларга келишади. *(Ч.А.)* 2. Бадиуззамон мағлуб бўлганлигига икром бўлса ҳам, яна мудофаа чораларини кўрди. *(О.)* 3. Ўқувчилар мактаб мулкани кўз қорачиғидай сақлайдилар. 4. Бадиа токчадаги шамни ўчирмади. *(Мирм.)* 5. Севара мактабда ташкил қилинган бичиш-тикиш тўгарагига қатнашади.

16-машк. Ўқинг. Аввал йиғиқ ундалмали гапларни, кейин ёйиқ ундалмали гапларни кўчиринг. Тибиш белгиларининг қўлланилишига диққат қилинг.

1. Аҳад болам, шивирламай қаттиқ гапиравер, барибир унча-мунча гапни қулоғим олавермайди. 2. – Фафурвой, – деди Усмон Юсупов, – кадрдоним, буюк унвон муборак бўлсин! *(С.А.)* 3. Сабр қилинг, укажон, ҳаммаси бўлади. *(Мирм.)* 4. Ха, оппоқ қиз, нимадан кўрқдинг? 5. Бўш келма, Қосимжон! Бугун биринчиликни оламиз! *(Ч.А.)* 6. Жаноб Қамбарий, ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз – барчаси ҳам туркий улуслардир. *(П.Қ.)* 7. Тақсирим, қайси муборак оғиздан бу сўзларни эшитдингиз? *(О.)*

17-машк. Ўқинг. Киришларни топиб, маъносини айтиб беринг. 5-6-гапларни кўчириб, синтактик таҳлил қилинг.

1. У, айниқса, бугун баҳорнинг яқинлаб келаётганини яхши ҳис қилгандай эди. *(Ч.А.)* 2. Шуни ҳисобга олмаганда, Ҳирот ҳозир бир қадар тинчиб бормоқда эди. *(П.Қ.)* 3. Тангрига шукур, элимизнинг аксарияти қалби соф, идроки ўткир одамлардир. *(О.)* 4. Очиғини айтсам, бизнинг авлод яхши ижод қилди. *(С.А.)* 5. Қизиқ, бугун худди ўша

тасавуридаги одам учради. (Ў.Х.) 6. Форга, менимча, хаммамиз борамиз. (Мирм.)

18-машқ. Ўқинг. Гаплар таркибидаги қавс ичида берилган қисмларга диққат қилинг. Улар нима мақсадда қўлланганини ва қандай вазифа бажараётганини айтинг.

1. Гавҳар ўзининг ўқиши (у биринчи курсни аъло баҳолар билан битириб келган эди) хақида гапирди. (П.Қ.) 2. Кейинроқ невараси Султон Муҳаммад (Бойсунқурнинг ўғли) бобосига бўйсунмай, Эронда мустақил иш юритди. (Мирм.) 3. Халқ орасида азалдан бор бўлган шамсий ҳисоб (ҳар йили аниқ бир вақтда келадиган наврўз, саратон, мезон) кўпроқ истеъмолда бўлади. (П.Қ.) 4. Ҳижрий саккиз юз ўн олтинчи йили (1413 милодий) Улуғбек Мирзони катта қўшин билан Фарғонага юборди. (Журн.) 5. Қандайдир аёллар (Искандар қарамади) унга йўл бўшатишди. (Ў.Х.) 6. Шашка ўйини 64 катакли тахтада икки ракиб ўртасида ўйналади, катаклар (улар майдон деб номланади) оқ ва қора рангга бўялган бўлади. (Энцикл.)

19-машқ. Туширилган тилиш белгиларини кўйиб гапларни кўчиринг. Ундалма, кириш ва киритмаларни аниқлаб, тагига чизинг.

## I

1. Ёлғиз боришга тўғрисиани айтсам кўрқардим. (Ў.Х.) 2. Э иним бу ерларда адашмасдан илож йўқ. (О.) 3. Аксинча менинг гапимни бошқачароқ тушунтирди. 4. Маълум бўлишича бугун иккинчи курсда ўтказилиши керак бўлган суҳбат ўтмабди. (П.Қ.) 5. Минерал моддалар темир мис марганец цинк организм тўқималарининг шаклланишида қон яратилишида муҳим аҳамиятга эга. (Газ.) 6. Ажабланма айланай ҳали бошингга тушмаган-да. (М.Ис.)

## II

1. Рост қилган ишимдан ўзим пушаймон бўлдим. 2. Эшик олдида Муқаддам турар афтидан бир нима демокчи бўларди. (Ў.Х.) 3. Ашур ҳам қатордан қолишга журъат этолмади шекилли олдинга чиқди. 4. Юринг Очил ўқув залига бориб Бегимовни ўқийлик улар кўп фанларни ўқитувчининг номи

билан атаб ўрганган эдилар. 5. Зуфар Ҳакимович гап келиб қолди мен сиздан илтимос қилмоқчи эдим. (П.Қ.) 6. Эй биродар агар бахт-саодат истасанг, ғурур, манманликдан йироқ бўл! (Ҳ.) 7. Навбатдаги бир кўрсатувга устоз шоир Шухрат ака ўзлари келолмаслигини айтиб (тоблари йўқ экан) шеърларини тақдим этдилар. (Э.Самандар)

## 5-ДАРС

### ҚЎШМА ГАП

#### 5.1. ҚЎШМА ГАП ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Аввал чап томондаги гапларни, кейин ўнг томондаги гапларни ўқинг.

<i>Йўлнинг бир томонида наъматаклар билан қопланган қоялар қад кўтариб турарди.</i>	<i>Асадбек кўчага чиқишни хоҳламади, кўнгил уйда ёлғизликни истади. (Т.М.)</i>
<i>Навой ўзига қаратилган ҳазилларга сўзнинг ўткир, порлоқ тиглари билан ҳозиржа-воблик қилиб турарди. (О.)</i>	<i>Одамлар олдидан уялининг – яхши фазилат, аммо бундан ҳам афзали ўзингдан ўзинг уялинингдир. (Ҳ.)</i>
<i>Саодат буви Лутфий шеърининг энг ҳаяжонли сатрларини қизларга ўқиб бериб, қизларга тикилиб турди. (И.Ис.)</i>	<i>Жаҳонгашта одам зийрак ва доно бўлади, чунки у бошидан кўп иссиқ-совуқни ўтказди. (Ҳ.)</i>

Уларнинг фарқи нимадалигини айтинг ва қайси бирлари қўшма гап эканлигини аниқланг. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар қандай воситалар орқали бирикканини аниқлашга ҳаракат қилинг.

**Икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг грамматик ва мазмун жиҳатидан ҳамда оҳангига кўра бирикувидан ташкил топган бир бутунлик қўшма гап дейилади. Масалан:** *Кўп ўтмасдан нарироқда эшик гижирлади ва чолнинг овози эшитилди. (О.) Риёзиёт гоят юксак фан, унда бир олам мўъжиза ётади. Кимки билимга таянса, тўхтовсиз камол топади ва ютуқларга эришаверади. (Ҳ.)*

Қўшма гапни ташкил этган содда гаплар алоҳида қўлланган содда гаплардан фарқ қилади. Алоҳида қўлланган содда гаплар грамматик, мазмун ва оҳанг ғомондан тугалликка эга. Аммо қўшма гап таркибидаги содда гаплар бундай хусусиятга эга эмас. Бир бутун ҳолдагина ана шундай хусусиятга эга бўлади. Грамматик мазмун ва оҳанг тугаллиги бир бутунлик охирида бўлади. Шунинг учун ҳам булар алоҳида-алоҳида содда гаплар эмас, балки бир умумий гапнинг қисмлари ҳисобланади.

Қўшма гап икки ва ундан ортиқ қисмлардан ташкил топади: *Баъзан ой заррин қокилларини ер юзига ёйиб юборади, баъзан булут ой юзига тамоман қоплаб олади. Ғамгин қовоқ уйиб турган баланд-баланд қоялар ярқ этиб ёришди, яна зулмат чўкди, кетидан момақалдироқ гумбуради.*

Қўшма гап қисмлари ўзаро мазмун жиҳатдан ҳам боғланади. Шунинг учун ҳам қўшма гап ҳар қандай содда гапларнинг бирикувидан эмас, балки мазмун жиҳатдан ўзаро мувофиқ бўлган гаплар бир бутунлигидан ташкил топади. Масалан: *Баҳор келди ва пахталар очилди ёки қиш келиб, ўриқлар гуллади гаплари грамматик жиҳатдан тўғри бўлса ҳам, мазмунан хато, яъни маъноси жиҳатидан мувофиқ эмас.*

20-машқ. Ўқинг. Гапларнинг тузилишига кўра турини аниқланг. Улар нима учун содда гап ёки қўшма гап эканлигини тушунтиринг.

## ДОНОЛАР ЎГИТИ

Ғазилат насл-насабда эмас, балки ақл ва гўзал хулқ-атвордадир. Гўзал тарбия инсонга шон-шараф бағишлайди, тарбиясиз инсон эса шараф ва камолотдан маҳрумдир. Ёлғон кишининг обрўсини тўқади, ҳазил-мазах эса кишини беиззат қилади. Ёлғон сўз, ҳазил-мазах ҳеч кимга маъқул эмасдир, ёлғончи киши одамлар қошида беобрўдир.

21 -машқ. Ўқинг. Аввал содда гапларни, сўнгра қўшма гапларни кўчиринг. Қўшма гап қисмларини ва уларнинг грамматик асосларини (эга ва кесимларини) белгиланг.

1. Деворлар оша эгилиб ётган ўриқлар шоҳида данак қотирган довуччалар маржондек тизилган, оқариб қолган гилослар устида чумчуқлар парвона бўларди. (Ў.Ҳ.)

2. Арслонкул, ўз одатича, кечки овқатни ҳаммадан олдин еб битирди-да, ҳамкорларини кутмасдан ўрнидан турди. (О.) 3. Мусодара қилинадиган хазиналар бўшаб қолган, таланадиган молу мулклар таланиб бўлган эди. (П.Қ.) 4. Асалнинг кўнглида нималар кечаётганини билмасдим, аммо унинг кўзлари табассум билан порларди. (Ч.А.) 5. Сатрлар орасида одамни ўйлатадиган, олам сирларидан воқиф қиладиган ноёб фикрлар барқ уриб турарди. (С.А.) 6. Вазифа оғир, лекин у бу ишнинг жуда шарафли эканлигини яхши англади. (Журн.)

## 5.2. СОДДА ВА ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ ЎЗАРО ФАРҚИ

Содда ва қўшма гаплар ўзаро таркибидаги бўлакларнинг кўп ёки озлиги билан эмас, балки грамматик асослар миқдорига қараб фарқланади. Баъзан қўшма гапда қатнашувчи бўлаклар содда гапдагига қараганда озрок бўлиши ҳам мумкин. Солиштиринг:

Содда гап	Қўшма гап
<i>Ўзбек халқи жуда қадим замонлардан бери сон-саноксиз урф-одат, удум, анъана ва тўй томоша ҳамда кўнглиочар маросимлари билан машҳур бўлган.</i>	<i>Жаҳл келганда, ақл қочади.</i>
<i>Уzunлиги бир ярим метр, елкаси тўқ кўнгири, қорни кумуш ранг бу эсониворнинг териси рус ва хитой бозорларида жуда ҳам юқори баҳоланади. (Журн.)</i>	<i>Келса, борамиз.</i>

22-машқ. Ўқинг. Содда ва қўшма гаплар ўртасидаги фарқни изоҳланг.

1. Баъзиларнинг кўзидан ёш бетиним оқарди, айримлар бўлса ич-ичидан ўксирди. (Т.Қ.) 2. Бадиъ бош кимирлатиб

бу гапни тасдиклади-ю, овоз чиқармади. (*Мирм.*) 3. Саодат буви бу гапларни овозини кўтармай, оғир-босик гапирган бўлса ҳам, лекин тўлқинлангани, хаяжони шундоққина сезилиб турар эди. (*М.Ис.*) 4. Чолнинг гапларини эшитган Бекей хола билан буви дархол хўрсиниб ва ҳатто жиндай кўз ёши қилиб олишди. (*Ч.А.*) 5. Ака-ука дўст бўлмасликлари мумкин, лекин дўст – ҳамиша ака ва ука. 6. Ақлли одам ҳамма нарсасидан жудо бўлса ҳам, дўстидан воз кечолмайди. (*Ҳ.*)

23-машқ. Мақол ва ҳикматларни кўчириб, грамматик асослар тагига чизинг. Содда ёки қўшма гап эканлигини кавс ичига ёзиб кўрсатинг.

*Намуна: Ақл идиши чуқур бўлса, обрў тўқилмайди. (қўшма гап)*

1. Ёмон бахил бўлар, яхши аҳил. 2. Ҳаётнинг биринчи қаноти – саломатлик, иккинчи қаноти эса ҳаракатдир. 3. Камтарлик одамийликнинг бошланиши, манманлик эса тугашидир. 4. Тинчлик – ёшлар бахтиёрлиги-ю, кексалар осойишталиги. 5. Ҳақиқий ҳаёт саломатлик, озодлик, фаровонлик ва билимдонликда. 6. Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан. 7. Сунъий оёқ билан юриб бўлади, лекин бировнинг боши билан “юриб” бўлмайди. 8. Оқил ўзини камтар тутати, манманликдан йироқ бўлади, беҳуда ишларга қўл урмайди.

## 6-ДАРС

### 6.1. ҚЎШМА ГАП ТУРЛАРИ

Қўшма гап таркибидаги қисмларнинг ўзаро қандай воситалар ёрдамида боғланишига кўра қўшма гаплар уч турга бўлинади:

- 1) боғланган қўшма гаплар;
- 2) эргаш гапли қўшма гаплар;
- 3) боғловчисиз қўшма гаплар.

**Э с л а т м а:** қўшма гапларнинг бундай уч турга бўлиниши икки қисмли қўшма гапларга хос. Кўп қисмли қўшма гаплар гапнинг мураккаб турини ҳосил қилади.

24-машк. Зарур боғловчи воситаларни ва тиниш белгиларини қўйиб жуфтлаб берилган содда гаплардан қўшма гаплар ҳосил қилинг ва ёзинг. Қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг бош бўлақларини аниқланг.

1. Суиқасд туфайли Ҳирот камал қалъадек таҳлика ва кўркув ичида қолди. Барча дарвозалар беркитилди. (Мирм.)  
2. Уйга киришди. Ҳеч ким йўқ эди. (Т.Қ.) 3. Ўразкул ўз ҳаётини кўрарга кўзи йўқ. Ҳаёти ўзи истаганча эмас. (Ҷ.А.)  
4. Адабиёт атомдан кучли. Унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш мумкин эмас. (А.Қ.) 5. Болаларини севишни товук ҳам уддалайди. Уларни тарбия қилиш катта меҳнат талаб этадиган улуғ ишдир. 6. Уфқда тоғларнинг усти ғира-шира оқарган. Осмонда сийрак булутлар орасида ҳамон милт-милт ёнган юлдузлар кўринади. (П.Қ.) 7. Киши ҳаётида шундай дақиқалар бўлади. Бу ҳолатни на тил, на бирор ҳаракат билан ифодалаб бўлади. (С.А.) 8. Ҳаётда муваффақиятларга эришиш жуда яхши. Улардан мағрурланиб кетиш жуда ёмон. (Р.У.) 9. Ақлсиз душмандан бир сақлан. Ақлсиз дўстдан минг сақлан. (М.)

## 6.2. ҚЎШМА ГАП ҚИСМЛАРИНИ БОҒЛОВЧИ ВОСИТАЛАР

Қўшма гап қисмлари ўзаро турли боғловчи воситалар ёрдамида боғланади:

1) тенг боғловчилар (ва, аммо, лекин, ё..., ё, гоҳ..., гоҳ, дам..., дам каби): Борлиқни тун қоплади ва кўчаларда электр чироклари порлай бошлади;

2) эргаштирувчи боғловчилар (-ки, чунки, шуниг учун каби): Ҳар кун эрталаб чўмилишига одатланганман, шуниг учун шамоллаш менга бегона.

3) оҳанг: Қўшиниг тинч – сен тинч. Сув келди – нур келди.

Э с л а т м а: Қўшма гап қисмларидан бирининг кесими феълнинг равишдош, сифатдош, ҳаракат номи, шарт майли шаклларида ифодаланганда, бу шакллар қўшма гап қисмларининг ўзаро боғланиши учун ёрдам беради: Шамол тингач, йўлга тушдик. Биз етиб келганда, кутубхона очик эди. Кимки билимга таянса, у доимо камол топди.

БИБЛИОТЕКА

Ошкото институты  
усовершенствования  
учителей

7  
6405

25-машқ. Ўқинг. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро қандай боғловчи воситалар ёрдамида боғланганини айтинг.

1. Майдонда гоҳ шовқин тинар, гоҳ фулфула фалакка етгандек туюларди. (О.) 2. Ҳамма иш силлиқ бораётган эди-ю, кузда лоп этиб амакиси камалиб кетди. (Ў.Ҳ.) 3. Куёш қанча кўп нур сочса, ер юзида ёмон одамлар шунча камаяди. 4. Мардонани кўркув титроққа солди, Зайнабда эса қасос, нафрат ўти янада кучайди. (Т.М.) 5. Қизнинг овози титради, кўзига ёш келди. (С.З.) 6. Сухбатларнинг охири шу бўлдики, Қаландаров ҳеч кимга учрамай, туманга қайтди. (А.Қ.) 7. Шартномага имзо қўйилгач, одамлар тарқалди. 8. Нимаики меҳнатсиз орттирилган бўлса, у шубҳа қилишга арзийдиган омонат бойликдир. (Х.)

26-машқ. Нукталар ўрнига тегишли боғловчи воситаларни қўйиб, гапларни кўчиринг. Қўшма гап қисмларининг грамматик асослари тагига чизинг.

1. Ҳаво шу қадар иссиқ, дим эди..., эрталаб ўрилган ўт кечгача қуриб қолди. 2. Шомга яқин осмонни қора булут қоплади ... ҳамма ёқ бирдан қоп-қоронғи бўлиб кетди. 3. Кекса киши бўл... нодону жоҳил, ақлли гўдакни ундан доно бил. (Х.) 4. Кексалар ҳассаси билан, ёшлар мушти билан дўппослашди, ... Азизхон ғиринг деб овоз чиқармади. (С.А.) 5. Зоҳиднинг тилига бир савол келди..., айтишдан олдин ўйланиб қолди. (Т.М.) 6. Кўчада ҳали йўловчилар сийрак эди, ... қаердандир бакирган-чакирган овозлар эшитилди.

27-машқ. Ўқинг. Матидан қўшма гапларни топиб кўчиринг, бош бўлақларининг тагига чизинг. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро қандай боғловчи воситалар ёрдамида боғланганини айтинг.

## ШУЪЛА

Ойбек хотиндан ёлчиган одам эди. Зарифа хонимдек фидойи аёлни китобларда ҳам учратмаганман: у бутун умрини Ойбекка бағишлади, у Ойбекни деб яшади.

Икковлари қовушган кунларидан бошлаб, Зарифахоним Ойбек ёзган ҳар бир варақ қоғозни кўз қорачиғидек эҳтиёт

қилади. Ҳозир Ойбек архивига кўз ташласангиз, унинг жамики матбуотда эълон қилинган шеърлари алоҳида конвертда, қайси газетада, қайси куни босилгани ёзиб қўйилган. Юзлаб шунақа конвертлар Ойбек меросини ўрганувчиларга хизмат қиляпти.

Ойбек умрининг охириги йилларида гапиролмай қолди, бармоқлари қалам тутолмасди. Бўлғуси асарларини бировга айтиб ёздирешнинг ҳам иложи йўқ. Ўзим ёзай деса, бармоқлари қалам тутишга ярамайди.

Эр-хотин бир-бирларига шунчалик ўрганиб кетишган эдики, бир имо билан Ойбекнинг нима демокчилигини Зарифахоним билиб оларди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, профессор Зарифа Саидносирова уйда Ойбекнинг шахсий котибаси ва хонадон соҳибаси эди. Ойбекнинг кейинги ўн йил ичида яратган роману қиссаларини, достону шеърларини, мақолаларини Зарифахоним унинг имо-ишораларидан, кўз қарашларидан, қўл ҳаракатларидан сезиб қоғозга туширганди.

Ойбек жисмонан сўнди, лекин унинг даҳоси таратган шуъла дилларимизни ҳамон ёритиб турибди.

Мен ана шундай буюк зот билан кўп суҳбатларда бўлганимдан ғурурланаман, шундай алломанинг назари тушганидан қувонаман. (С. А.)

## 7-ДАРС

### БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

#### БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНДАГИ БОҒЛОВЧИ ВОСИТАЛАР

Қисмлари ўзаро тенг боғловчилар ва тенг боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида боғланган қўшма гаплар боғланган қўшма гаплар дейилади. Масалан: 1. *Кеч бўлди ва ҳаммамиз дастурхон атрофида йиғилдик.* 2. *Машигулот тугади-ю, мен бобомшиқига йўл олдим.* 3. *Ёмғир ёға бошлади.*

лекин ҳеч ким ишини тўхтатмади. 4. Бугун дам осмон бўлут бўлди, дам қуёш ярақлаб чиқди.

Боғланган қўшма гап қисмларини боғлаш учун хизмат қиладиган боғловчилар шу қисмлар ўртасидаги мазмуний муносабатни ҳам ифодалайди. Масалан, юқоридаги 1- ва 2-гапта пайт муносабати, 3-гапта зидлов, 4-гапта айирув муносабати ифодаланган.

28-машқ. Нукталар ўрнига тенг боғловчилардан ёки тенг боғловчи вазифасидаги ёрдамчилардан мосини қўйиб гапларни кўчиринг. Вергулниги қўйилиш ёки қўйилмаслик сабабини тушунтиринг.

1. Марат қаттиқ толиққанини, йиқилгудек бўлиб қолганини шундагина пайқади ... унинг руҳи тетик, кайфи чоғ эди. (Ў.Х.) 2. Ариқдан майин оҳанг билан сув оқар ... ғира-шира шамол эсар эди. (О.) 3. Обрўйини топиш учун чуқур билим эгаллаб, ақлу одоб касб этиб, бир умр ҳалол риёзат чекмоқ лозим ... ундан айрилиш учун битта ақсиз ҳаракат кифоя. (Р.У.) 4. ... ўй юмушларини бажариб овунарди ... қалби қувончдан хапқирарди. 5. ... Кумуш бўл ... бўл Зайнаб, бахтлиман деб айтолмайсан. (М.Ю.) 6. Унинг томоғини йиғи бўғиб келди... йиғлашга кучи етмади. (А.Қод.) 7. Бош кесмоқ бор ... тил кесмоқ йўқ, тақсир. (Т.Қ.) 8. Устод буюк алломанинг бу китобини кўп мутолаа қилар ... бошқа китоблар орасидан тез топиб олиш ниятида уни фируза ранг жилдга ўратган эди. (О.Ё.)

29-машқ. Ўқинг. Матида нечта қўшма гап бор? Бу гапларнинг қайсилари боғланган қўшма гап? Нима учун?

### ЭМАН ДАРАХТИ

Танаси уч-тўрт кулочли ёлғиз ўсган эманни ҳайбатли дарахт дейиш мумкин ва бундай улкан дарахтнинг тагида қор-ёмғир ёки қуёш нуридан бемалол сақланса бўлади.

Эман 1000 йилгача яшайди. Дастлабки 80 йил ичида у бўйига, кейин эса фақат энига ўсади. Унинг бўйи 50 метргача етади.

Эман парваришталаб, ёруғсевар дарахтдир. У улкан бўлгани билан қаттиқ совуққа чидай олмайди, бироқ кучли иссиқни ҳам хохламайди.

Эман дарахти қадимдан ҳўжаликда қадрланади ва манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Эман ёғочи жуда қаттиқ бўлади, сувда чиримайди, шунинг учун ундан кемалар ва вагонлар ясашда фойдаланилади, ажойиб паркет ёғочлари, чиройли фанерлар ишланади. Эман пўстлоғидан шифобахш қайнатма тайёрланади, ёнғоғидан эса крахмал ва спирт олинади. (*Журн.*)

30-машк. Ўқинг. Боғланган қўшма гап таркибидаги тенг боғловчиларни шу вазифадаги ёрдамчилар билан алмаштириб гапларни кўчиринг. Қўшма гап қисмларининг грамматик асоси тағиға чизинг.

1. Бор, ишингни қил, аммо қимлигимни унутма!  
2. Хужрасига қайтди ва ўйлай бошлади. 3. Йигитнинг юзида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади, бироқ кўзларида бир лаҳза ўт чакнагандай бўлди. 4. Шу он эшик тарақлаб очилди ва болалар киришди. 4. Осмонда юлдузлар чараклар, лекин ой кўринмасди.

31-машк. Қуйида берилган феъллардан боғланган қўшма гаплар ҳосил қилинг. Боғловчи воситаларининг қандай синтактик ва услубий вазифа бажарётганини изоҳланг.

1. Севинди, ёшланди. 2. Уйғонди, кезди. 3. Йиқилди, шикастланмади. 4. Ўйлади, қўмсади. 5. Қийналди, йиғлади. 6. Қарор қилинди, имзо қўйилди. 7. Кутди, натижа чиқмади. 8. Ҳайрон бўлди, айтди. 9. Келди, ўқиди.

## 8-ДАРС

### БИРИКТИРУВ БОҒЛОВЧИЛИ БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

Бириктирув боғловчининг боғланган қўшма гаплар бириктирув боғловчилари ёрдамида боғланганда, боғланган қўшма гапни ташкил этган содда гаплар ўртасида пайт муносабати ифодаланади.

Боғланган қўшма гап қисмлари қуйидаги бириктирув боғловчилари ва бириктирув боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида боғланади:

1. *Ва* бириктирув боғловчиси ёрдамида: *Пастак эшик очилди ва елкасига сумка осган почтачи хотин энгашиб ичкари кирди. (Ў.Ҳ.)*

**Э с л а т м а:** *Ҳамда* бириктирув боғловчиси қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлаш учун жуда кам ишлатилади.

2. *Тенг* боғловчи вазифасидаги *-у (-ю), -да* юкламалари ёрдамида: *Ёзувда юкламалардан сўнг вергул қўйилади: Мана, сен кетдинг-у, бўлдим хаёлкаш. (З.) Бирдан момақалдироқ гумбурлади-да, ёмғир қуя бошлади.*

**32-машқ.** Ўқинг. Гапларнинг тузилишига кўра турини аниқланг. Бириктирув боғловчиларининг вазифасини тушутиринг.

1. Феруз ва Огаҳий адабий муҳитида мухаммас энг маҳсулдор шеърлий турга айланган ва фақат мухаммасдангина иборат йирик девонлар ҳам яратилган эди. *(Журн.)* 2. Ҳафиз анчагача индамай борди-да, бир нима эсига тушгандек эгилиб қўйин чўнтагини ковлай бошлади. *(Ў.Ҳ.)* 3. Хитой давлатида эликдан ортиқ миллат яшайди ва бу давлат дунёда аҳоли сони бўйича биринчи ўринда туради. *(Газ.)* 4. Азизхон шарт ўрнидан турди-ю, Эш полвонни супадан юлиб олди. *(С.А.)* 5. Феруза хатни стол устида қолдириб ховлига тушди-да, ундан кўчага чикди. *(Ҳ.Ғ.)*

**33-машқ.** Кўчиринг. Бириктирувчи боғловчилар уюшган гап бўлакларини боғлаш учун қўлланганми ёки қўшма гап қисмларини боғлаш учунми? Фикрингизни асосланг.

1. Фақат кўча соқчилари, вокзаллардаги автобус ва поезд кутаётган йўловчилар уйғоқ. *(Ш.Ҳ.)* 2. Бу ҳикоялар болада чуқур таассурот қолдирар ва у дадасининг жанговар ёшлиги билан ҳамиша фахрланиб юрарди. 3. Яна ручкани олиб бир оз ўйлади-да, жуда ҳам тез ёза бошлади. *(С.А.)* 4. Карим Бектемировнинг ҳазиллашаётганини сизди-да, илжайди. 5. Ташқарида чакмоқ ялтирар ва баҳор ёмғири салобатли

шовилларди. (И.Қ.) 6. Куёш чикди-да, борлиқ нурга тўлди. 7. Зеби опа дарвозани очди-ю, бир нафас хайрон бўлиб қолди. 8. Баҳодир таътилда ҳам ишлади, ҳам дам олди.

34-машқ. ва, -у(-ю), -да боғловчи ва боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида боғланган 6 та қўшма гап ёзинг. Қўшма гап қисмларининг грамматик асослари тагига чизинг ва қисмлар ўртасидаги маъно муносабатларини айтинг.

## 9-ДАРС

### ЗИДЛОВ БОҒЛОВЧИЛИ БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

Боғланган қўшма гап ўртасида зидлик муносабати мавжуд бўлганда, бу қисмлар *аммо, лекин, бироқ* зидлов боғловчилари ёрдамида боғланади. Ёзувда боғловчилардан олдин вергул қўйилади. Масалан: *Тонг ёришган, лекин товарак-атрофда говур, хайқириқ, кулги эшитилар эди. (А.Қ.) Ҳамма дастурхон атрофига чўкди, аммо чолнинг катта ўглидан ҳали ҳам дарак йўқ. (С.А.)*

Баъзан боғланган қўшма гапларда зидлов боғловчи вазифасида -у(-ю) юкламаси ҳам ишлатилади. Ёзувда юкламадан сўнг вергул қўйилади. Солиштиринг: *Бу хурсандчиликка ҳамма шерик бўлди, бироқ Сорахон маънос тортиб қолди. – Бу хурсандчиликка ҳамма шерик бўлди-ю, Сорахон маънос тортиб қолди. (Х.Ғ.)*

Зидлов маъносини кучайтириш учун зидлов боғловчиси билан биргаликда -у(-ю) юкламаси ҳам ишлатилиши мумкин.

Солиштиринг: *Унинг томоғини йиғи бўғиб келди, лекин йиғлашга кучи етмади. – Унинг томоғини йиғи бўғиб келди-ю, лекин йиғлашга кучи етмади. (А.Қод.)*

35-машқ. Ўқинг. Гапларининг тузилишига кўра турини аниқлаш. Аввал содда гапларни, сўнг қўшма гапларни кўчиринг. Зидлов боғловчиларининг вазифасини тушунтиринг. Қўшма гап қисмларининг грамматик асослари тагига чизинг.

1. Илм юксаклигига мустақил чикилади, аммо нодонлик чуқуридан биров тортиб олмаса бўлмайди. (Ҳ.) 2. Раҳима

узоқ дарс тайёрлади, лекин чарчаганини сезмади. 3. Азизхон бир елка кокиб уни ўнглаб олди, аммо дўпписи пешанасидан сирпаниб икки кўзини тўсиб қўйди. (С.А.) 4. Муҳиддин ичидан севиниб кетди, бироқ бу ҳолни сездирмади. 5. Дўстим жимиб қолди, лекин ранги-рўйи ёрдамга ўта муҳтожлигини айтиб турарди. 6. Шерали Норқўзи билан Феруза ўртасига совуқлик тушганини сезди-ю, бироқ уларнинг муҳаббатига аралашини эп кўрмай, индамади. (Ҳ.Ғ.) 7. Хирилдоқ соқчи муҳрни чироқ ёруғига солиб кўрди, аммо ўқий олмади. (П.Қ.) 8. Менга ишонмагандай бўлдингиз, аммо биз бир-биримизни тўғри тушуна олардик. (Ў.Ҳ.)

36-машқ. Ўқинг. Зидлов боғловчили кўшма гап таркибидаги боғловчиларни шу вазифадаги ёрдамчилар билан алмаштириб гапларни кўчиринг. Тиниш белгиларининг қўлланилишига диққат қилинг.

1. Икромжон чарчаган экан, ёстикқа бош қўйди-ю, ухлади – қолди, лекин Низомжонни ҳадеганда уйку олавермади. (С.А.) 2. Менинг айбим каттаку-я, аммо Зулукхоннинг айби, айниқса, оғир. (Ҳ.Ғ.) 3. Бу уйнинг ҳарорати бор, бироқ ҳаловати йўқ. 4. Ичкаридан овоз эшитилар, лекин сўзлари англашилмас эди. (Ас.М.) 5. Ёшлик ўтиб бораётганини ҳеч ким сезмайди, аммо унинг ўтиб кетганини ҳамма хис қилади. 6. Биз сени урмаймиз, аммо бугундан бошлаб кадамингни билиб бос. (Ў.Ҳ.) 7. Қилич ерга тушиб кетди, бироқ аскарбоши уни ололмади, дармони куриб, эгардан оға бошлади. (Т.Қ.)

37-машқ. Нукталар ўрнига гапларнинг мазмунига мос зидлов боғловчиларни ҳамда зарур тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг. Кўшма гап қисмларининг грамматик асослари тагига чизинг.

1. Бойлик ва ҳақиқат ҳамма учун бир хил ... ундан лаззатланиш ҳамма учун ҳар хил бўлиши мумкин. 2. Тонг ҳали ёришмаган ... осмонда юлдузлар анча сийраклашган эди. 3. Уч йигит жадал сувга тушди, аммо тўлқин уларни ҳам пастга суриб кетди. (С.А.) 4. Кун совуқ ... осмон беғубор, артилган шишадай мусаффо. (О.Ё.) 5. Дераза пардалари

тушириб қўйилгани учун ҳеч нима кўринмас ... ичкарида одам кўплиги соялардан билиниб турарди. 6. Сийнага санчилган найзани чиқариб олса бўлади ... дилга қадалган сўзни чиқариб бўлмайди. (Ҳ.) 7. Лутфиниса бош кўтаришга уринар, аммо дармони етмасди. (С.А.)

38-машқ. Матнини ўқиб, мазмунини таҳлил қилинг. Зидлов боғловчиларини шу вазифадаги ёрдамчилар билан алмаштириб гапларни қўчиринг. Тиниш белгиларининг қўлланилишига диққат қилинг.

Шарқ халқларининг донишманди Лукмони ҳақим айтади:

– Барча юкни кўтардим, аммо бурчдан оғирроқ юкни кўрмадим. Барча лаззатни тотиб кўрдим, лекин саломатликдан чучукроқ лаззатни тотмадим. Энг ширин лаззат сихат-саломатликда эканини англадим. Икки душман бутун ер юзига сиғмаслигига гувоҳ бўлдим, бироқ икки дўст бир қарич ерга ҳам сиға олишига ишонч ҳосил қилдим.

39-машқ. Адабиёт дарслигингиздан зидлов боғловчили 6 та қўшма гап кўчириб ёзинг. Тиниш белгиларининг қўлланилишини изоҳланг.

## 10-ДАРС

### АЙИРУВ БОҒЛОВЧИЛИ БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

Айирув боғловчили боғланган қўшма гаплар ўзи ифодалаган воқеа-ҳодисаларининг галма-гал рўй беришини ёки улардан факат биттасининг юзага чиқишини ифодалайди. Бундай боғланган қўшма гап қисмлари *ё; ё ..., ё ...; ёки ..., ёки ...; гоҳ ..., гоҳ ...; дам ..., дам ...; баъзан ..., баъзан ...* каби боғловчилар ёрдамида боғланади. Бу боғловчилардан *ё ..., ё ...; ёки ..., ёки ...* боғловчилари қўшма гап қисмларидан ифодаланган воқеа-ҳодисалардан биттасининг рўёбга чиқишини билдиради: *Ё сиз келинг, ё мен бораё; Сиз келинг ёки мен бораё; Ё сиз келинг, ёки мен бораё.*

*Гоҳ ..., гоҳ ...; баъзан ..., баъзан ...; дам ..., дам ...* боғловчилари эса қўшма гап қисмларидан ифодаланган воқеа-ҳодисаларининг

галма-гал рўй беришини ифодалайди. Бу боғловчилар бир-бири билан алмашилиб ишлатилаверади: *Гоҳ ҳаво булут бўлади, баъзан қуёш чиқади; Баъзан ҳаво булут бўлади, баъзан қуёш чиқади; Дам ҳаво булут бўлади, дам қуёш чиқади.*

Айирув боғловчиларидан ёки боғловчиси ёлғиз ҳолда қўлланади ва қўшма гап қисмлари ораллиғида ишлатилади. Ёзувда ёки боғловчисидан олдин вергул қўйилмайди.

*Гоҳ ..., гоҳ ...; баъзан ..., баъзан ...; дам ..., дам боғловчилари* факат такрор ҳолда қўлланади: бири қўшма гап қисмларидан биринчисининг бошида, такрорлангани эса иккинчи қисмининг бошида қўлланади. Ёзувда такрорланган боғловчи олдиндан вергул қўйилади: *Гоҳ хўроз қичқиради, гоҳ тўрғай чулдирайди.*

Ё боғловчиси ёлғиз ҳолда ҳам, такрор ҳолда ҳам ишлатилади. Ёзувда такрор қўлланган ё боғловчиси ва бу боғловчи ўрнида келган ёки боғловчисидан олдин вергул қўйилади: *Ё менинг кўнглим ҳамма вақт ёш.*

*Ёки чирой сенга умрбод йўлдош. (М. Бобоев)*

40-машк. Ўқинг. Айирув боғловчилар қайси ўринларда содда гап таркибдаги уюшиқ бўлақларини, қайси ўринларда қўшма гап қисмларини боғлаб келаятганини аниқланг. Тиниш белгиларининг қўлланилишига диққат қилинг.

1. Аскарбошининг овози гоҳо буйруқдай жаранглар, гоҳо нафасни бўғадиган жанг тўзонида заифлашиб кетарди.  
2. Бир осмонни тутиб ашула янграйди, бир ҳазин мусиқа эшитилади.  
3. Ё сабрли, чидамли бўл, ё қаҳр-ғазабинини жиловлай бил. (*Ҳ.*)  
4. Кўз ёши ё кўнгилдаги ғам-ғуссанинг даммини кесиш, ё бераҳмининг раҳмини келтириш учун тўкилади. (*А. Қ.*)  
5. Норкўзи гоҳ оқариб, гоҳ кўқариб, тўқайда юз берган куруқ тухматни Ферузага оқизмай-томизмай сўзлаб берди. (*Ҳ.Ғ.*)  
6. Нариги уйдан дам кўшиқ эшитилар, дам кизларнинг кулгиси жаранглар эди.  
7. Кампир гоҳ мудрар, гоҳ беланчакни тебратар эди.  
8. Каттакон зал ҳам, балконлар ҳам томошабинлар билан лиқ тўлган. (*Ў.Ҳ.*)

41-машк. Нукталар ўрнига гапларнинг мазмунига мос айирув боғловчиларини ҳамда зарур тиниш белгиларини қўйиб, гапларни ўқинг. Айирув боғловчили қўшма гапларни кўчириб, грамматик асослари тағига чиқинг.

1. Нариги хонадан ... киноя ғазаб пўписа овозлари эшитилар ... дўстона суҳбат оханглари кулоқка чалинарни. 2. Ёдгор кизни кўриш орзусида ... пиёда ... ўртоғининг велосипедида келиб кетарди. (Ў.Х.) 3. Унинг ... йиғлагиси ... кулгиси ... бутун кечани остин-устун қилиб кўшиқ айтгиси келарди. 4. ... кўм-кўк ўт ўсиб ётган яйловлар кўринарди ... қоп-қоронғи даралар кўзга ташланарди. (О.) 5. Умматали боласининг қилиқларини эслаб ... илжаяр ... хўрсиниб кўярди. 6. Сайёҳлар ... атрофдаги ўсимликларга ... корли чўққиларга қараб интилишарди. 7. ... юраклар симобдай қалқийди ... тилга гап келмайди. 8. У ҳозир ... хижолатда ... аллақандай ғурур оғушида эди. (С.А.)

42-машқ. Айирув боғловчил 4 та гап ёзинг. 2 таси уюшиқ бўлакни содда гап, 2 таси боғланган кўшма гап бўлсин. Кўшма гап киёмларининг грамматик асослари тағига чизинг.

## 11-ДАРС

### БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАП ТАРКИБИДАГИ СОДДА ГАПЛАРНИНГ БОҒЛОВЧИЛАРСИЗ БИРИКИШИ

Боғланган кўшма гап таркибидаги тенг муносабатли содда гаплар тенг боғловчилар ёки улар ўрнида қўлланадиган ёрдамчиларсиз (юкламаларсиз), фақат мазмун ва тенглаиши оханги билан ўзаро боғлаиши мумкин. Бундай кўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ўзаро мазмун жиҳатдан турлича муносабатни ифодалайди. Қиёсланг: 1. *Сафларимиз йил сайин кўпайяпти, қаторларимиз мустаҳкамланиб бормоқда.* 2. *Онаси ётар чоғида кўлоблатиб сув сепар, бутун ҳовлини райҳон ҳиди тугтиб кетарди.* 3. *Йўқлама тугади, рўйхатдан номни чиқмади.* 4. *Катта акаси бутун бир боғини ҳадя қилади, кичик акаси эса бир бош узум ҳам бермайди.*

1- ва 2-кўшма гап таркибидаги содда гаплар бирикши муносабатини ва бир вақтда юзага келадиган воқеа-ҳодисани; 3- ва 4-кўшма гап таркибидаги содда гаплар зидлаш муносабатини ифодалаган. Шунинг учун 1- ва 2-кўшма гапдаги содда гаплар

орасига бириктирув боғловчисини, 3- ва 4-қўшма гапдаги содда гаплар орасига зидлов боғловчисини қўйиб ишлатиш мумкин.

43-машк. Ўқинг. Гап мазмунига мос боғловчиларни қўйиб, гапларни кўчириг. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар қандай мазмун муносабатларини ифодалаганини тушунтириг.

1. Кўча ичқарисида болалар чиллак ўйнашар, уларнинг шовкин-сурони оламини тутарди. (*Ў.Х.*) 2. Душман чакирса борма, дўст чакирса колма. 3. Тиг яраси тузалади, тил яраси тузалмайди. (*М.*) 4. Далаларга аллақачон оқшом чўккан, осмонда юлдузлар милтиллайди. 5. Кўкламнинг сайроки кушлари табиат кўринишларини куйламоқдалар, кўм-кўк кўкатлар силкиниб кушларни олқишламоқдалар. (*О.*) 6. Секин ингради, кейин энтикиб-энтикиб йиғлаб юборди. 7. Ташқарида ҳамон ёмғир савалар, дарахтларнинг сарғайган япроклари чироклар нурида хира йилтиллади эди.

44-машк. Ўқинг. Берилган мисоллар орасидан боғланган қўшма гапларни ажратинг. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар қандай боғловчилар ёрдамида бирикканини аниқланг.

## I

1. Тупрок уюмларини тизза бўйи кечиб борди, аммо учраганлар орасида у кидирган киши йўқ эди. (*С.А.*) 2. Бир боғни бўстонга айлантириш учун қанчадан-қанча меҳнат қилиш ва машаққат чекиш керак, бироқ уни вайрон қилиш учун эса нодоннинг бир онлик носоз ҳаракати кифоя. (*Р.У.*) 3. Момом дам Мансурнинг, дам менинг бошимни силаб, хангомалар айтиб ухлатар эди. (*Ш.Х.*) 4. Мактангanning бурди кетар, асл ниятига камтар етар. (*М.*)

## II

1. Беш-ўн киши тик туриб унинг қўмизни гоҳ бошидан, гоҳ бўйнидан айлантириб чалишига маҳлиё бўлиб турарди. (*С.А.*) 2. Дўстлик ёшликда ҳам, хаётимиз кузида ҳам бебаҳо бойликдир. (*Х.*) 3. Ёлғиз хаёллар оғушида гоҳ роҳат қилиб, гоҳ энтикиб яшайман. (*Ў.Х.*) 4. Навоийнинг қалби ҳамон илгаригидай на қувонч биларди, на осойиш. (*О.*) 5. Нўноқ ёзувчи, чала рассом, истеъдодсиз артист бўлиши мумкин, аммо ёмон шифокор бўлиш мумкин эмас. 6. У онасининг

сочлари оқариб кетганини пайқади-да, дили раҳм-шафқат ва миннатдорлик туйғуси билан тўлиб тошди. (Ў.Ҳ.)

## 12-ДАРС

### БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПНИ СИНТАКТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

1. Гапнинг тузилиш жиҳатидан тури.
2. Қўшма гапнинг тури.
3. Боғланган қўшма гапнинг мазмун муносабатига кўра тури: а) бириктирув боғловчили боғланган қўшма гап;  
б) зидлов боғловчили боғланган қўшма гап;  
в) айирув боғловчили боғланган қўшма гап;
4. Тарhini чизиш.

#### *Таҳлил намунаси*

*Тиниқ осмонда юлдузлар чарақлар, аммо ой кўринмасди.*

1. Қўшма гап.
2. Боғланган қўшма гап.
3. Икки содда гап зидлов боғловчиси (аммо) ёрдамида боғланган.
4. Тархи \_\_\_\_\_, *аммо* \_\_\_\_\_.

45-машқ. Ўқинг. Боғланган қўшма гапларни топиб кўчиринг ва синтактик таҳлил қилинг.

1. Паст, ҳазин товуш билан айтилган қўшиқ Адолатнинг қалбига роҳат бағишлади, баъзан оққан кўз ёшлари унинг юзини ювди. (С.З.) 2. Режа бузилди, аммо ҳали ниятдан кечганича йўқ. (Т.М.) 3. Тоҳир мавлоно Фазлидин билан кучоклашиб хайрлашди-да, отига минди. (П.Қ.) 4. Бу муносабатларнинг тарихини гоҳ кўзига ёш олиб, гоҳ кулиб гапириб берди. (А.Қ.) 5. Баҳорнинг дастлабки кунларида дам ёмғир ёғади, дам қуёш чарақлайди. 6. Асилбой дераза ёнига борди ва кучининг борича уни тақиллатди. (Ҳ.А.) 7. Худбин шахснинг зарари ёмон, лекин худбин мансабдорнинг элга келтирган зарари ундан ҳам ёмон. (Ҳ.) 8. Буни ё ўзингиз бажаринг, ё бировга вазифа қилиб беринг.

46-машк. Ўқинг. Матидан боғланган қўшма гапларни ажратиб кўчириг. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар қандай боғловчилар ёрдамида бирикканини аниқлаг ва гапларни синтактик таҳлил қилиг.

Азизхон титраб кетди. Яктагининг енгини ҳам шимармай, уни курси билан кўшиб шарт кўтарди. Пилдираганча даврадан олиб чиқиб кетди-ю, кўча ўртасига отди. Курси синди ва полвон тупроққа қоришди. Азизхон унга қарамади ҳам, қайтиб келиб ўз ўрнига ўтирди.

Оломон гуриллади-ю, бир полвон Эш полвон тушган жойга югурди. Бирпасда юқоридагилар орасида шивир-шивир гап бўлиб қолди, аммо Эш полвон қайтиб даврага кирмади.

...Эш полвондан узр сўрашни илтимос қилишди, Азизхон ноилож кўнди.

...Лунжи бойланган Эш полвон қайноқ кўк чой ичиб ўтирарди. У Азизхонга совук бир қараб олди-да, кейин пиёлани ёнига қўйиб ўрнидан турди.

– Эш аканг ҳали бирон даврада бунақа шарманда бўлмаган эди, аммо қойил қилдинг, ука.

Эш полвон шундай деб тагига босиб ўтирган янги, ҳали оҳори кетмаган тўнини олди-ю, бир силтаб қоқиб Азизхоннинг елкасига ташлади. Азизхоннинг юраги жиз этиб кетди. Умрида биринчи марта қилган ишига пушаймон бўлди. Ич-ичидан куйинди, аммо энди кеч эди. (С.А.)

47-машк. Ўқинг. Боғланган қўшма гапларни кўчириб, синтактик таҳлил қилиг. Тенг боғловчи ва юкламаларнинг гаптаги вазифасини аниқлаг.

Ҳаммамизда ҳам ўзимизга яраша жаҳл ва инжиқлик бор, аммо Фафур аканики бошқаларникидан сал ортиқроқ. Умуман, Фафур аканинг шодлиги ҳам, жаҳли ҳам баландроқ пардада юрарди. У жаҳл устида кимни хафа қилса, эртасига ё уйига бориб, ё чақиртириб ундан узр сўрарди. Фафур ака серхарж, кўча-кўйда улфатчиликка ишқибоз одам эди, бироқ рўзғорни асло кам қилмасди. (С.А.)

48-машқ. Бадий асардан бириктирув, зидлов, айирув боғловчилари ёрдамида бириккан 6 та қўшма гап тошиб ёзинг ва таҳлил қилинг.

## 13-ДАРС

### 13.1. БОҒЛОВЧИСИЗ ҚЎШМА ГАП

Қисмлари ўзаро мазмун ва оҳанг ёрдамида боғланган қўшма гаплар боғловчисиз қўшма гап дейилади.

Боғловчисиз қўшма гап қисмларини боғлашда грамматик боғловчилар иштирок этмайди. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар мазмун ва оҳанг ёрдамида боғланади.

Бундай қўшма гап қисмлари ўртасида пайт, киёслаш, изоҳлаш каби мазмун муносабатлари ифодаланади ва шунга мувофиқ, ёзувда бу қисмлар ўзаро вергул, нуктали вергул, тире ва икки нукта билан ажратилади.

49-машқ. Ўқинг. Боғловчисиз қўшма гап таркибида нечта содда гап мавжудлигини ва улар ўртасида қандай мазмун муносабатлари ифодаланганини тушунтириб беришг.

1. Хўжа Афзал ялт этиб унга қаради, сервиқор, серсавлат вазир бошини қуйи солиб, сукут қилди. (О.) 2. Яна чакмоқ чақди: ғамгин қовоқ уйиб турган баланд-баланд қоялар ярқ этиб ёришди. (Ў.Ҳ.) 3. Шеърни ўкиб чиқдим; хаёлимда оппоқ кўпикланган тўлқинлар ўрмалаётган денгиз жонланди. 4. Берган миннат қилмасин – олган гапирсин. (Ҳ.) 5. Юзлари қизариб кетган, оқ оралаган мўйлови ҳўл бўлиб, чўкки соқолига ёпишиб қолибди. 6. Тақдир ғалати экан: Азим таникли раҳбар бўлиб, шаҳарда қолиб кетди, Исмад оддий хизматчи бўлиб, қишлоқда қолди. (Ш.Ҳ.)

50-машқ. Кўчиринг. Қўшма гап қисмларининг грамматик асослари тағига чизинг.

1. Хонгирей ваъдасининг устида турди – шароит олий мақомда яратилди. (Т.М.) 2. Тўғри тил тош ёрар, эгри тил бош ёрар. (М.) 3. Келиннинг уйига келдик: зиёфат зўр бўлди, ўйин-қулги қизиди. (А.Қ.) 4. Ўқтамнинг нияти холис,

фикрлари ёрқин. 5. Окшом тушиб, ташқари қоронғилашиб колган, гупиллатиб йирик-йирик қор ёғарди. (Ў.Ҳ.)  
6. Адолат шошилиб ташқарига чиқди, ҳовлида Нурмат йўқ.

### 13.2. БОҒЛОВЧИСИЗ ҚЎШМА ГАПЛАРДА ВЕРГУЛ ВА НУҚТАЛИ ВЕРГУЛНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Пайт муносабати ифодаланган боғловчисиз қўшма гап қисмлари бир-биридан вергул билан ажратилади. Масалан: *1. Чарос аламдан кўзларига қуйилиб келаётган ёшни базур тийиб турар, юзлари ловиллар эди. (Ў.Ҳ.) 2. Саодатхон деразани очиб юборди, уйга муздек куз ҳавоси кирди. (С.З.)*

Бу гапларнинг 1-сида қўшма гап қисмлари бир пайтда рўй берган воқеа-ҳодисани, 2-сида эса кетма-кет рўй берган воқеа-ҳодисани ифодалайди.

Агар пайт муносабатини ифодалаган боғловчисиз қўшма гап қисмлари ичида вергул ишлатилса, қисмлар бир-биридан баъзан нуқтали вергул билан ажратилади. Масалан: *Олдинги қаторда Асқар полвон билан Бектемир; энг охирида сафдан узилмасликка тиришиб, Али тажанг судраларди. (О.)*

51-машқ. Ўқинг. Боғловчисиз қўшма гап қисмлари ўртасида қандай мазмун муносабатлари ифодаланганини ва тиниш белгиларининг ишлатилиш сабабларини тушунтириб беринг.

1. Ҳозир дўқонлар берк, ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит. (П.Қ.) 2. Яхшиликка ҳар ким ҳам яхшилик қила олади, ёмонликка яхшиликни фақат чин инсонгина қила олади. 3. Қишлоқ кўчалари, боғлар ва далаларга офтоб аллақачон ёйилган; болалар сой бўйида ўйнаб юришарди. 4. Шу вақт ташқарида шов-шув эшитилди; эшикнинг икки табақаси ҳам бирдек тарак этиб ланг очилди. (Ас.М.) 5. Умматжоннинг соддалиги маҳалла одамларига ҳам беш кўлдай аён; уни кўплар макташар эди. (Ш.Х.) 6. Пазандаси ёпади ширмон, қарилари кутади меҳмон. (Ҳ.О.) 7. Отнинг туёқлари чалп-чулп қилар, арава ғилдираклари ўз шаклига монанд равишда лой сачратиб борарди.

52-машк. Тушириб қолдирилган тиниш белгиларини қўйиб гапларни кўчиринг. Қандай тиниш белги қўйганингизни ва нима учун шу тиниш белгисини қўллаганингиз сабабини айтинг.

1. Ғайратлининг юраги кайнар ғайратсизнинг юраги ўйнар. (М.) 2. Яна ўзаро урушлар бошланиб кетди голиб чиққан Абусаид аввал Самарқанд тахтини, кейин Хуросонни ҳам эгаллади. (П.Қ.) 3. Яхши йигит юрт тузар ёмон йигит юрт бузар. (М.) 4. Бакироклик, уришқоклик ҳам касаллик бу касал болаларга ота-онадан, катталардан юқади. (Х.) 5. Энди Азим Исмаилларникига эмас, Исмаил Азимларникига келади энди у овга таклиф килади Азим бу таклифни қайтармайди. (Ш.Х.) 6. Ҳаётини бўлмаган фикрлар тез ўлади теран фикрлар эса кўп яшайди. (Р.У.) 7. Акмал қаддини ростлаб ўтирди янғаси нон ушатди, чой куйди. (Ў.Х.)

53-машк. Ўқинг. Боғловчисиз қўшма гапларни кўчиринг ва унинг қисмлари ўртасида қандай мазмун муносабатлари ифодаланганини изоҳланг, грамматик асослари тағнига чизинг.

## I

1. Кулги кўтарилди, қарсақ бўлиб кетди. (А.Қ.) 2. Яхши ном чиройли сўзлар, ваъдалар учун берилмайди, балки у меҳнат натижаси учун, меҳнатга бўлган астойдил меҳр учун берилади. (Х.) 3. У қундалиқ ҳаёт воқеаларидан ажойиб латифалар, ибратли ҳикоялар тўқий берарди, тингловчилар зўр мароқ билан эшитар эдилар. (О.) 4. Кузнинг зангори осмони тип-тиник унда сон-саноксиз оппоқ қоғоз парчалари учарди. (С.А.) 5. Мен пулга куйишни истамайман, домла пулдан курук қолишни хоҳламайди. (Т.М.)

## II

1. Ҳазонлар тўқилди мен ҳам қалбимдан, Бадбин ўйларимни қувлаб юбордим. (А.О.) 2. Ҳилола ҳикояни ўқиди-ю, кўнглида оғир ғашлик уйғонди. 3. Ашурхон сўрашга ботинолмас, Ширинхон эса нимадан гап бошлашни билмас эди. (С.З.) 4. Энди унинг юзи жиддий, бояги табассумдан асар ҳам қолмаган эди. (С.А.) 5. Феруза бу саволларнинг

қайсисига жавоб беришни билмас, юз-кўзи оловдай ёнарди. (Х.Ғ.) 6. Режа амалга ошди, Асадбек уйдан битта-битта босиб чиқиб келди. (Т.М.)

## 14-ДАРС

### 14.1. БОҒЛОВЧИСИЗ ҚЎШМА ГАПЛАРДА ТИРЕНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Боғловчисиз қўшма гап қисмлари ўртасида кучли тўхтам (пауза) бўлган ҳолларда вергул ўрнига қўпинча тире қўйилади. Масалан: *Йигидгаплар эсим бўлди – раис мажлисни очди. Яхши қанд едирар – ёмон панд. Қизнинг ҳусни – ярим бойлик, ақли мисоли хазина.* (Х.)

**Э с л а т м а:** Юқоридаги ҳолларда тире ўрнида вергул қўлланилиши ҳам мумкин. Лекин тире қисмлар орасидаги тўхтамининг кучли эканлигини билдиради.

54-машқ. Мақол ва ҳикматларни ўқинг. Боғловчисиз қўшма гапларни кўчириб ёзинг. Қўшма гап қисмларининг грамматик асослари тағнига чизинг.

1. Меҳнатсиз келган мол иллатлидир – пешона тери гўкилган нарса лаззатлидир. 2. Яхшининг жойи боғ, ёмоннинг жойида ҳокимзоғ. 3. Кўзингизга тикқарай олмаган киши алдайди, соткин бўлади, хоин эса – хушомадгўй, сертакаллуф. 4. Такаббурлик ва зулм – улуғликнинг офати, мулоимлик ва тавозеъ – инсоннинг зийнати, шарм-хаё кишининг энг ёқимли, гўзал либосидир. 5. Одам зотига ярашмайдиган иллатларнинг энг биринчиси – манманликдир, унинг оқибати завод билан тугайди. Иккинчиси – нодонлик, нодон кишиларни ҳеч ким одам қаторига қўшмайди. Учинчиси – таъмагирлик, бу иллат инсонни хору зорликка олиб боради. 6. Истеъдод – зилол чашма: унинг кўзини бир ерда кўмсалар, иккинчи ердан отилиб чиқаверади.

55-машқ. Тушириб қолдирилган тиниш белгиларни қўйиб, боғловчисиз қўшма гапларни кўчиринг.

1. Ҳали ҳам кеч эмас якшанбагача беш кун бор. (Х.Ғ.)  
2. Бирлашган ўзар бирлашмаган тўзар. 3. Эгри озади тўғри

ўзади. (М.) 4. Машғулотсиз бола зерикади зерикиш эса уни ёмон йўлга солади. 5. Мен сени танидим кенгайди олам... (Ш.) 6. Отамнинг тахмини тўғри чикди боғдаги меваларни совуқ урган эди. 7. Унинг орасига кириб яшириниш мумкин эмас чилонзор қалин, тиканли. (Журн.) 8. Қўшнинг тинч сен тинч. (М.)

## 14.2. БОҒЛОВЧИСИЗ ҚЎШМА ГАПЛАРДА ИККИ НУҚТАНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги кейинги содда гап олдинги содда гапдан англашилган фикрнинг сабабини, натижасини билдирса, фикрни изоҳласа, биринчи содда гапнинг кесимини тўлдириб келса, улар орасига икки нукта қўйилади. Масалан: 1. *Носоз улфатдан дошти китоб яхши: биринчиси гурбатга, иккинчиси эса гўзалликка ундайди. (Р.У.)* 2. *Орага жимлик чўкди: ўтирганларнинг ҳеч бири суҳбатни давом эттирмади.* 3. *Вақт бутунлай сезилмасдан ўтди: кўрада хизматкорларнинг юришлари, товушлари тинди. (О.)* 4. *Санталат ая яна Мухторжонни эслади: шу ҳовузчани ҳам Мухторжон ясаб берувди. (Ў.Х.)* 5. *Унинг юз-кўзи отасига тортган эди: қошлари қуюқ, қалин... (С.А.)*

56-машқ. Ўқинг. Боғловчисиз қўшма гап қисмлари ўртасида қандай мазмун муносабатлари ифодаланганини ва тиниш белгиларининг ишлатилиш сабабларини тушунтириб беринг.

1. Шахзодалардан хунук хабар келди: улар тахт талашиб, ўз юртини иснодга қўйишибди. (О.) 2. Ўша пайтларда менинг жуда ғалати одатим бор эди: кизлардан уялардим. (Ў.Х.) 3. Қуёш уфқка ёнбошлади: дарахтларнинг сояси кунчиқарга қараб чўзилди. (Ш.Х.) 4. Наби кўйлагининг кўкрак тугмаларидан иккитасини ечди: енгил шабада кўксини китиклаб ўтди. 5. Ақл ва фаросат қуёшга ўхшайди: бепарволик туфайли тушиши мумкин бўлган доғларга ўрин қолдирмайди. (Х.) 6. Эргалабки ёмғир қорга айланган, аччиқ шамол қор учқунларини бураб юзга урарди.

57-машк. Тушириб колдирилган тиниш белгиларини кўйиб, боғловчисиз кўшма гапларни кўчиринг. Қандай тиниш белги кўйганингизнинг сабабини тушутиринг.

1. Қиз радиони ўчирди бирдан дахшатли сукунат бошланди. 2. Эс-эс биламан онам шу ерлик Фармонкул деган кишига теккан мен бу одамнинг қариндоши бор-йўқлигини билмас эдим. (А.Қ.) 3. Тақдирнинг ўйинини қаранг бир кун илгари қувончдан боши кўкка етган Ёдгор эртасига тўрвасини йўқотган гадойдек бўшашиб қолди. (Ў.Х.) 4. Мирзохид бошидаги шойи салласини тўғрилади пешонасидаги ёнғоқдек ғурраси кўриниб қолди. 5. Унинг учун бир нарса ойдин ўртоғининг вужудида хасталик бор. (Т.М.) 6. Бировнинг бергани кўргулик меҳнатнинг бергани тўйгулик. 7. Аҳмоқ бошдан ақл чикмас ақл чикса ҳам маъқул чикмас. 8. Тўғри бўлсанг беҳавотир бўласан.

58-машк. Кўчиринг. Боғловчисиз кўшма гап қисмлари ўртасида қўлланган тиниш белгиларининг ишлатилиш сабабларини тушутириб бering ва гапларни синтактик таҳлил қилинг.

1. Пастак шифтга гулдор қоғоз қоқилган, ўртада осилиб турган кичкина лампочка ожиз нур сочар, токчалардаги чойнак-пиёлалар ялтираб кўринарди. 2. Соё дахшатли гулдуросдан титрар, еру кўк қоп-қора тўлқинларга кўмилган эди. 3. Саида бунга жуда суюнди: демак, ҳисобот юзасидан бўладиган музокара кизғин тус олади. (А.Қ.) 4. Вақтинг кетди – бахтинг кетди. 5. Мирзо эшикни очди, кўчада икки отни чилвиридан ушлаган бир нотаниш кишига кўзи тушди. 6. Бурчакда, чап томонимда, ёшгина бир киз ўтирарди, зум ўтмай, ўнг ёнимга шундай – ёшгина йигитча келиб ўтирди.

### *Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Қандай кўшма гаплар боғловчисиз кўшма гаплар дейилади?
2. Боғловчисиз кўшма гап қисмлари орасида қандай мазмун муносабатлари бор?
3. Қайси ўринда боғловчисиз кўшма гап қисмлари орасига

вергул ва нуктали вергул қўйилади? Мисоллар келтиринг.

4. Қайси вақтда боғловчисиз қўшма гап қисмлари орасига тире ва икки нукта қўйилади? Мисоллар келтиринг.

## 15-16-ДАРСЛАР

### ЧОРАК ОХИРИДАГИ ТАКРОРЛАШ

59-машқ. Ўқинг. Боғланган қўшма гапларни боғловчисиз қўшма гапларга айлантиринг. Ҳосил бўлган қўшма гапларнинг мазмунига эид келган ҳолатларни аниқланг. Грамматик, мазмун ва оҳанг жиҳатидан тўғри бириккан қўшма гапларни кўчириб ёзинг ва бош бўлаклари тагига чизинг.

1. Қуръон хати биз учун азиз, лекин зеру забарлари, шикаста усуллари савод чиқаришга беҳад мушкул. (П.Қ.) 2. Нариги уйдан дам қўшиқ эшитилар, дам кизларнинг кулгиси жаранглар эди. 3. Ҳаммамиз саломатмиз, аммо бугун сизнинг олдингизга бир қоп ташвиш билан келдим. 4. Чўлдаги иши унга оғир туюлмади, лекин бу иш аввалги ишлардан ҳар жиҳатдан мушкулроқ эди. (Х.Ғ.) 5. Навоий уларнинг каторига ўтирди-да, жонли суҳбат бошланиб кетди. (О.) 6. Ўқтамнинг нияти холис ва фикрлари ёркин.

60-машқ. Ўқинг. Боғловчисиз қўшма гапларни боғловчили боғланган қўшма гапларга айлантиринг. Ҳосил бўлган гапларнинг мазмуни ва оҳангида юз берган ўзгаришларни изоҳланг. Грамматик, мазмун ва оҳанг жиҳатидан тўғри бириккан қўшма гапларни кўчириб ёзинг ва боғловчи воситаларнинг тагига чизинг.

1. Уларнинг ҳовлиси ҳамиша тинч, ғала-ғовур йўқ. 2. Болам, ҳаёт – катта йўл: пала-партиш кадам ташлама! 3. Одам ҳамон гавжум, айниқса, Шаҳрисабзга борадиган ҳайдовчилар қўп. (Ш.Х.) 4. У фақат бир нарсани идрок этди – отасининг ҳукми мутлақ тўғри! (Т.М.) 5. Мен хат ёзяман, шам эса ўзининг нозик тилчаси билан шу сатрларни ялаб-ялаб қуритяпти. (Ў.Ҳ.) 5. Дастлабки пайтларда Нодир бу гаплардан жуда ийманар, уста эса кулиб қўя қоларди. (О.Ё.)

61-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини аниқланг.

**1. Жавобларнинг қайси бири қўшма гапга мисол бўла олади?**

А. Ҳақиқатан ҳам, ўша тарафга жала қуяётгани шундоққина билиниб турарди. (С.А.)

Б. Дурустрок гапирсанг-чи, нима гап бўлди? (С.А.)

В. Энди унинг сочлари тўзғиб кетган, кўзларида ўт чакнарди. (С.А.)

Г. Кампирнинг дилида, тилида кеча-ю кундуз шу гап. (С.А.)

Д. Ишини битказиб эгарга минди-ю, хайр ҳам демай жўнаб колди.

**2. Қайси жавобда боғланган қўшма гапнинг таърифи тўғри берилган?**

А. Содда гапларнинг грамматик, мазмун ва оҳангига кўра бирикувидан тузилади.

Б. Содда гапларнинг мазмуни жиҳатидан бирининг бошқасига эргашишидан тузилади.

В. Қисмлари ўзаро мазмун ва оҳанг ёрдамида бирикади.

Г. Бош гапга эргашиб, уни изоҳлаб келади.

Д. Қисмлари ўзаро тенг боғловчилар ёки шу вазифадаги юкламалар ёрдамида боғланади.

**3. Жавобларнинг қайси бири боғловчисиз қўшма гапга мисол бўла олади?**

А. Шерали Ферузага ўнлаб хатлар ёзган бўлса ҳам, фақат иккита жавоб олди. (Х.Ғ.)

Б. Чўл қуёшида юзи обдон қорайган, сочи куйиб қизғиш тус олган, кўллари қабарган. (Х.Ғ.)

В. Ер тузилиши, ариқлар, зовурлар энди унга кафтининг чизикларидай равшан. (Х.Ғ.)

Г. Тоштемир ота ҳам олишиб кўрди, аммо чўчимасди. (Х.Ғ.)

Д. Мана бугун Норкўзи йўлга чикиб, онасининг хушхабар келтиришини кутяпти. (Х.Ғ.)

**4. Жавобларнинг қайси бири бириктирув боғловчили қўшма гапга мисол бўлади?**

А. Чиндан ҳам унинг боши лўкиллаб оғрий бошлади, кўзлари ачишар эди. (Ў.Ҳ.)

Б. Кейин билса, Рустам ҳам уни яхши кўрар экан. (Ў.Ҳ.)

В. Машина сув шовиллаб оқаётган тошлоқ кўчадан юриб кетди.

Г. ... Кўнглида на бир нурли туйғулар, на илҳомбахш оҳанглар топилмади. (Ў.Х.)

Д. Кечаси чанг-тўзон йўқ ва ҳаво салқин. (Ў.Х.)

**5. Жавобларнинг қайси бири зидлов боғловчили қўшма гапга мисол бўлади?**

А. Эшикдан шамол урар ва ботаётган куёшнинг сўнгги ёруғи тушиб турар эди. (П.Қ.)

Б. Юрагим меҳр билан тўлиб-тошган эди, лекин мен бунинг сабабини билмасдим. (П.Қ.)

В. Зулайҳо менга юзланди, чироқ ёруғида кўзлари йилтираб кетди.

Г. Савол лекциянинг охирида берилади, яхши йигит, ўтиринг. (П.Қ.)

Д. Маҳкам чуқур уҳ тортди ва панжаларини тугун қилиб чўнтагига тикди. (П.Қ.)

**6. Жавобларнинг қайси бири айирув боғловчили қўшма гапга мисол бўла олади?**

А. Гоҳ осмонни тутиб ашула янграйди, гоҳ қийқириқ товушлар эшитиларди.

Б. Баъзан кўнглим унга қушдай учади, баъзан яна чўчинкирайди.

В. Унинг нидосига на «лаббай» деб жавоб қилди, на тассали берадиган бирор киши топилди.

Г. Шабода бир маромда эсиб туради ва гиёҳлар тебранади.

Д. Яхшидир аччик ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон. (Э.В.)

**7. Боғланган қўшма гап жойлашган қаторни аниқланг.**

А. Сабрсизланиб, гоҳ эшикка, гоҳ катта бокқа қаради. (О.)

Б. Меҳмон билан кўришди-да улуғвор вазиятда ўтирди. (О.)

В. Хусайин Бойқаро енгилланиб ўрнидан турди. (О.)

Г. У мусиқа тинглайди ё ўзи чалади. (О.)

Д. Тўғри, юртнинг улуғлари бор, лекин зулм, ўзбошимчилик зўр.

**62-машқ.** Пайт, зидлов, айирув муносабатини ифодалаган қўшма гапларга 3 та мисол ёзинг. Боғловчи воситаларининг тагига чизинг.

## 17-ДАРС

### ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Ўқинг.

<i>Дўстлар жам бўлишиди ва жўшқин суҳбат бошланди.</i>	<i>Дўстлар жам бўлишгач, жўшқин суҳбат бошланди.</i>
<i>Ҳақиқий олим ўзининг илми билан мақтанмайди, у ўздан зўр олиму фозиллар борлигини билади.</i>	<i>Ҳақиқий олим ўзининг илми билан мақтанмайди, чунки у ўздан зўр олиму фозиллар борлигини билади.</i>

Юқоридаги гапларда бир хил воқеа-ҳодиса икки хил қўшма гап орқали ифодаланган. Чап томондаги гап қисмлари мустақил шаклда турибди, бири иккинчисига тобе эмас, ўзаро тенг боғловчи ва оҳанг ёрдами билан боғланган, шунинг учун улар боғланган қўшма гапни ташкил этади. Ўнг томондаги 1-гапда эса қўшма гап қисмларининг биринчиси тобе (мустақил қўллана олмайди), иккинчиси мустақил шаклда. 2-гапда эса акс ҳолат 1-қисм мустақил шаклда, 2-қисм тобе.

Қисмлари эргаштирувчи боғловчи ёки шундай боғловчи вазифасидаги воситалар орқали бирининг иккинчисига мазмуан эргашшидан тузилган қўшма гапларга эргаш гапли қўшма гаплар дейилади.

Эргаш гапли қўшма гаплар бош ва эргаш гаплардан ташкил топади. Мазмуни изоҳланаётган қисм бош гап ҳисобланади. Бош гап мазмуини изоҳлайдиган ва қўпинча тобе шаклда турган қисм эргаш гап саналади. Эргаш гап бош гап талаб этган маълум сўроққа жавоб бўлади: *Тоза ҳаво кирсин деб, (нима учун?) хонанинг деразаларини, эшикларини очиб қўйдик.*

Эргаш гап бош гапдан олдин, бош гапдан кейин ва бош гапнинг ўртасида келиши мумкин. Эргаш гап бош гапдан вергул билан ажратилади: *Оридан кўп вақт ўтмай, кимдир шоирнинг келганидан хабар берди. (О.)*

63-машқ. Ўқинг. Эргаш гапли қўшма гапларни кўчириб ёзинг. Нима учун эргаш гапли қўшма гаплигини тушунтиринг.

1. Бундан чиқдики, ёлғон нарсаларни ёзган экансан-да. (А.Қ.) 2. Суҳбат давомида шу нарса аён бўлдики, у ёлғиз

экан. 3. Кимки хеч нарсани кизиқиб сўрамаса, у хеч нимани ўрганмайди ҳам. 4. Кимки жоҳил билан улфат бўлса, у юз минг офатга дучор бўлади. (X.) 5. Хушчакчак кунимга азоб кирмади, шунинг чун кўзимда асло сўнмас нур. (3.) 6. Бу товуш кулоғига кириб, худди пашша кўригандай, бир лунжини қимирлатди. (A.K.) 7. Ўрмонжон бошига катта оқ қалпоқ кийиб олгани учун, юзи кичкина ва қопқора кўринар эди. 8. Баъзи кизлар борки, гўзалликни фақат кийим билан белгилашади. 9. Юз сўм пулинг бўлгунча, юзта дўстинг бўлсин. (M.) 10. Бу хонага шундай жимлик чўкканки, гўё унда ҳаёт бутунлай йўқ. (Ac.M.)

**64-машқ.** Ўқинг. Аввал содда гапларни, сўнгра қўшма гапларни кўчириб ёзинг. Улар ўртасидаги фарқни кўрсатинг.

1. Юраги тез уришининг сабаби шундаки, Сайёра ваҳимали хаёллар гирдобига фарқ бўлган эди. (O.É.) 2. Онахон қалби билан сездики, Собиржон қандайдир хавфли, даҳшатли бир ишга бош қўшибди. (Ac.M.) 3. Овулдан чиқиб, икки-уч тўпга бўлиниб турли томонга қараб қидириб кетдик. (Ч.А.) 4. Икки томон бир-бири билан ҳазиллашиб, қиқирлаб кулишади, хикоялар айтиб беришади. 5. Кўп гапирганнинг, билингки, гапида маъно бўлмайди. 6. Ўнг қанот дарё бўйлаб, Балиқчи орқали Марғилоннинг этак томонидан ўтиб, тўғри Кўконга йўл олади. (Т.Қ.)

**65-машқ.** Қуйидаги бўланган қўшма гапларни эргаш гапли қўшма гапларга айлантиринг. Қандай ўзгариш содир бўлганини айтинг. Бош ва эргаш гапни аниқланг.

1. Кун ботди ва далаларда иш тўхтади. 2. Концерт тугади, лекин хеч ким зални ташлаб кетгиси келмас эди. 3. Сен билан бизнинг чопонимиз эски, аммо назаримиз тўқ. 4. Маъруза бошланди ва хонага жимлик чўқди. 5. Кураш ҳали бошлангани йўқ, аммо ҳозир қалблар галаёни, нигоҳлар учрашуви бошланганди.

**66-машқ.** Бадий асарлардан 6 та эргаш гапли қўшма гапга мисол топиб ёзинг. Бош ва эргаш гапни аниқлаб, тириш белгиларининг қўллашишига диққат қилинг.

## ЭРГАШ ГАПЛАРНИ БОШ ГАПГА БОҒЛОВЧИ ВОСИТАЛАР

Эргаш гап бош гапга қуйидаги воситалар ёрдами билан боғланади:

**1. Эргаштирувчи боғловчилар:** *-ки, чунки, шунинг учун, агар, агарда, башарти, мабодо, зўё.* Масалан: *Толем шулки, Ватанда бир гулистон танладим. (X.O.)* 2. *Ҳалол меҳнат қилиши энг яхши одат, чунки меҳнат бизга берди саодат.*

**2. Кўмакчилар:** *учун, сабабли (туфайли), билан, қарамай (қарамасдан), токи, кўра, қаби (сингари), бери (буён), кейин (сўнг), сари (сайин), ҳолда.* Масалан: *Навоий ижодиётини чуқур ўрганганимиз сари, тарих бизга шунча яқинлашади. (Журн.)* *Вазифа оғирлик қилмаслиги учун, унинг шартлари энгиллатилди.* *Ҳаво анча юмшаганига қарамай, тоғда қор қалин эди. (П.Қ.)*

**3. Деб сўзи орқали:** *Болалар кеча яхши ўтсин деб, роса тайёрланишиди.*

**4. Равишдош, сифатдош ва шарт майли шакллари орқали (бу феъл шакллари эргаш гапнинг кесими вазифасида келади):** *Ёрмат супа атрофига сувни қалин сепгач, улар супага ўтишиди. (О.)* *Қиз бошини кўтарганида, янги кунинг ажиб манзараси гоийб бўлганди. (Журн.)* *Ҳиммат баланд бўлса, инсон туганмас давлатга эришади.*

**67-машқ. Ўқинг.** Эргаш гапларни топиб, бош гапга нима ёрдами билан боғланганини айтиб бериш.

1. Энг қувончлиси шундаки, у олдинданок масаланинг ўзагини билган экан. (Ў.У.) 2. Саман йўрға канчалик кўп терласа, шунчалик энгил тортиб борарди. (Т.Қ.) 3. Жаҳл келганда, ақл қочади. (М.) 4. Бу қизни уйдан олиб кетинг, токи у бизга нохушлик келтирмасин. 5. Беда ораси жуда иссиқ, гўё куёшнинг бутун олови беда ичига яширингандай. (О.) 6. Бемор ухлаганда, унинг бош мия хужайралари дам олади. 7. У фавқулодда қандай йиғлаган бўлса, шундай фавқулодда кулиб юборди. 8. Сўз бойлиги қанчалик кенг бўлса, путк шу қадар гўзал ва равон бўлади. (Журн.)

68-машк. Зарур тиниш белгиларини кўйиб, эргаш гапли кўшма гапларни кўчиринг. Эргаш гапларни бош гапга боғловчи грамматик воситаларининг тагига чизинг.

1. Биз ҳали жавоб бермасдан Малоҳат эшикни очиб қаради. 2. Ҳамида мезбонлар билан хайрлашиб кўчага чиққанда қоронғи тушган эди. (А.Қ.) 3. Унга ҳаммаёқ аниқ кўринсин учун деразаларни катта очиб қўйдик. 4. Розия буви кўнгандан кейин Ортиқжонниқига боришди. (А.Қ.) 5. Ўйчи ўйлангунча таваккалчи ишини битирар. (М.) 6. Олисадаги тоғларнинг тепаси худди биров бўёқ чаплагандек, нафис пушти ранг чизиклар билан қопланганди. (О.Ё.)

69-машк. Қуйидаги содда гаплардан *ва*, *чунки*, *шунинг учун*, *шу сабабли* (*шу туфайли*), *учун* боғловчи воситаларини қатнаштириб боғланган ва эргаш гапли кўшма гап тузинг. Боғланган ва эргаш гапли кўшма гапнинг бир-бирдан фарқини айтинг.

## I

1. Фикр эса йўқ, Ёзмасликнинг иложи ҳам йўқ. (А.О.) 2. Сумбула туғди. Қишлоқни халқадай ўраб оқаётган анҳор бирдан тиниклашди. (Ў.Х.) 3. Дехқонлар астойдил меҳнат қилдилар. Пахтадан мўл ҳосил олинди. 4. Қиш кечалари узун. Чойхоналар обод. 5. Одобли ва тарбияли бўлишга тириш. Эл ичида зўр олим бўлиб танил.

## II

1. Имом Исмоил ал-Бухорий табиатан ақл-идрокли, ўткир зеҳли бўлган. Ун ёшида араб тилини ва ҳадисларни кунт билан ўрганган. (Журн.) 2. Ариқдан майин оҳанг билан сув оқар. Шамол эсар эди. (О.) 3. Номусни ҳеч нарсага алмаштириш мумкин эмас. Номус жондан ҳам қимматлидир. (Х.) 4. Ёмғир кўп ёғди. Ўтлар яшнаб кўқара бошлади. 5. Ишк тоғи зулмининг ғамноқларидан бири Фарҳоддир. Девоналик саҳросининг бечораларидан бири Мажнундир. (А.Н.) 6. Замон кишилари бевафодигидан бағримда тиконлар бор. Давр халқи беҳаёлигидан кўксимда яралар бор. (А.Н.)

70-машк. Ўқинг. Равишдош, сифатдош ва шарт майли шакллари орқали боғланган эргаш гапли қўшма гапларни кўчиринг. Бош ва эргаш гапларни аниқлаб, содда гапдан фарқини айтинг.

1. Чўккига чикиш қанчалик оғир бўлса, тушиш ўн чандон мушкул экан. 2. Аланга шу қадар ловиллаб ёнибдики, бутун оламни мунаввар қилиб юборибди. (Ў.Ҳ.) 3. Кенг далани зулмат қоплаб, ер билан кўкнинг фарқи йўқолди. (Ҳ.Ғ.) 4. Абдуҳафиз хатни ўқиркан, Қандолатбиби бўғик овоз билан тутилиб-тутилиб гапира бошлади. (Р.Файзий) 5. Агар бу усул районда кенг қўлланилса, ҳосилдорлик бирданига ошади. (Газ.) 6. Комилжоннинг икки кўли баравар ишора берганини кўриб, Содик машинани тўхтатди. (И.Р.) 7. Учаласи уч ёкка тортиб турса, ишлар хароб бўлади. 8. Арава ёнида Эрназар ака билан Дадажон бор эди, шунинг учун ўзини тут дарахтининг панасига олди. (И.Р.) 9. Энди бу усулдан гапирсанг, эшитганининг лабига учук тошади.

71-машк. Эргаш гапли қўшма гапга тўртта мисол ёзинг. Бирида эргаш гап бош гапга эргаштирувчи боғловчи ёрдамида, иккинчисида кўмакчилар ёрдамида, учинчисида деб сўзи ёрдамида, тўртинчисида равишдош ёки сифатдош шакли ёрдамида боғлансин.

## 19-ДАРС

### ЭРГАШ ГАПНИНГ ТУРЛАРИ

Эргаш гап бош гапга боғланиб, бош гап талаб этган вазифада келади. Унинг қайси вазифада келганлиги сўроққа қараб белгиланади. Эргаш гап қайси гап бўлагининг сўроғига жавоб бўлса, шу гап бўлаги билан бир хил вазифада келади ва шу гап бўлагининг номи билан юритилади:

1. Эга эргаш гап.
2. Кесим эргаш гап.
3. Тўлдирувчи эргаш гап.
4. Аниқловчи эргаш гап.

Э с л а т м а: Фақат ҳолнинг сўроғига жавоб бўлган эргаш гаплар ҳол эргаш гап номи билан эмас, балки ҳолнинг маъно турлари номи билан номланади.

5. Равиш эргаш гап.
6. Пайт эргаш гап.
7. Ўрин эргаш гап.
8. Ўхшатиш-чоғиштириш эргаш гап.
9. Микдор-даража эргаш гап.
10. Шарт эргаш гап.
11. Сабаб эргаш гап.
12. Мақсад эргаш гап.
13. Натижа эргаш гап.
14. Тўсиксиз эргаш гап.

№	Эргаш гап турлари	Боғловчи воситалар	Мисоллар
1	Эга эргаш гап	-са  -ки	<i>Кимки билимдон бўлса, у қудратлидир.</i>  <i>Меҳмон билан бўлган суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, меҳмоннинг асосий касали бедорлик экан.</i>
2	Кесим эргаш гап	-ки	<i>Манаснинг буюклиги шундаки, у сахий ва саховатли эди. («М.»)</i>
3	Тўлдирувчи эргаш гап	-ки  -са	<i>Билгилки подонларга энг яхши жавоб – сукут.</i> <i>Кимда қанчалик ақл етишимаса, унда шуҳратпарастлик шунча кучаяди. (Х.)</i>
4	Аниқловчи эргаш гап	-ки  -са	<i>Шундай вақт келадикки, чучук сув «оқ олтин» дан ҳам қимматроқ бўлади. (Ч.А.)</i> <i>Кимнинг ҳиммати баланд бўлса, унинг кадр-қиммати ҳам баланд бўлади.</i>
5	Равиш эргаш гап	-б (-иб)	<i>Қий-чув аравалар узоқлашиб, туман ичида ҳеч ким кўринмай қолди. (Ч.А.)</i>

6	Пайт эргаш гап	-гач, -гунча, -ганда	<i>Тонг отгач, иигитлар сафарга от- ланишиди.</i> <i>Ўйчи ўйига етгунча, таваккалчи</i> <i>уйига етади. (М.)</i> <i>Кун ботганда, даладан қайтдик.</i>
7	Ўрин эргаш гап	-са қаерда шу ерда	<i>Кўпчилик қаерда бўлса,</i> <i>тўқчилик шу ерда бўлади. (М.)</i>
8	Ўхшатиш- чоғиштириш эргаш гап	зўё, -дек	<i>Кўёш нурларини беркитиб бўлма- ганидек, ҳақиқат чирозини ҳам</i> <i>сўндириб бўлмайди. (Журн.)</i>
9	Микдор- даража эргаш гап	-са, қанча- шунча	<i>Сув қанча кўп бўлса, қишлоқ шунча</i> <i>обод бўлади.</i> <i>Меҳнат қанчалик қийин бўлса, са- мараси шунчалик ширин бўлади.</i>
10	Шарт эргаш гап	-са, -ганда эди -ар экан	<i>Замон сенга боқмаса, сен замонга</i> <i>боқ. (М.)</i> <i>Агар ўғирлик билан бойиши мумкин</i> <i>бўлганда эди, сичқон ҳаммадан ҳам</i> <i>бойроқ бўлар эди. (М.)</i> <i>Бадан доим ҳаракатда бўлар экан,</i> <i>давога эҳтиёж қолмайди</i>
11	Сабаб эргаш гап	шунинг учун шекилли	<i>Ростгўй одам ҳақиқатдан кўрқ- майди, чунки ҳар қандай ҳақиқат</i> <i>унга хизмат қилади. (Горький)</i> <i>Йигилиши узоқ бўлмади шекилли,</i> <i>мудир тез қайтди.</i>
12	Мақсад эргаш гап	-син деб, -син учун	<i>Зора унинг кўнгли очилсин деб, қиз</i> <i>гатиради, кулдиради.</i> <i>Инсон яшамоқдан толмасин учун,</i> <i>Кўнглига бир дунё тилак берилган.</i> <i>(Э.В.)</i>
13	Натижа эргаш гап	-ки	<i>Онам қулогимдан ушлаб шундай</i> <i>қаттиқ бурадики, чинқираб юбо- ришимга сал қолди.</i>

14	Тўсиқсиз эргаш гап	-са ҳам, -са -да	Жон дўстинг жонидан кечса ҳам, мол дўстинг молидан кечмайди. Ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлса-да, ундан ҳеч қачон юз ўгирма. (Ҳ.)
----	--------------------	---------------------	--

## 20-ДАРС

### ЭГА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Ўқинг.

<u>Бу йил ҳосил мўл бўлиши</u> <u>аниқ.</u>	<u>Шуниси аниқки, бу йил ҳо-</u> <u>сил мўл бўлади.</u>
<u>Кўп ўқиган кўп билади.</u>	<u>Ким кўп ўқиса, у кўп била-</u> <u>ди.</u>

Бу икки гап бир хил воқеа-ҳодисани ифодалайди. Аммо чап томондагиси содда гап, ўнг томондагиси қўшма гап. Чап томондаги гапда эга вазифасида *ҳосил мўл бўлиши, кўп ўқиган*. Ўнг томондаги гапда эса кўрсатиш олмоши *шу* ва *у* сўзлари келяпти. Чап томондаги гапнинг эргаш гапи бош гапнинг эга вазифасидаги *шу* ва *у* кўрсатиш олмошининг маъносини изоҳлаб келяпти. Эргаш гап мазмунан кўрсатиш олмошига тенг. Эргаш гапни бош гапдаги эга ўрнига қўйиш ва қўшма гапни содда гапга айлантириш мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам эганинг сўроғига жавоб бўлади.

Бош гапдаги эга вазифасида келган кўрсатиш олмошини изоҳлаб келган, унинг ўрнида алмашилиб кела оладиган эргаш гаплар эга эргаш гап дейилади.

Эга эргаш гап бош гапга қуйидагича боғланади:

1. *-ки* боғловчиси ёрдамида. Бу боғловчи бош гап кесими таркибида қўлланади ва ёзувда ундан сўнг вергул қўйилади. Бош гапнинг таркибида эга вазифасида келган *шу, шу нарса* олмошлари бўлади. Масалан: *Шу нарса маълум бўлдики, Ҳалима 5-синф ўқувчиси экан.*

2. Шарт майли шакли *-са* орқали. Эргаш гап кесими феълнинг шарт майли шаклидан ифодаланади. Эргаш гап, одатда, бош гапдан олдин келади. Эргаш гап таркибида *ким* олмоши, бош

гап таркибида эга вазифасидаги у олмоши бўлади. Эргаш гап бош гап таркибидаги эга вазифасида келган у олмошининг маъносини изоҳлаб келади. Шунинг учун эргаш гапни у олмоши билан алмаштириш мумкин: *Ким меҳнат қилишдан орланмаса, у мақсадига эришади. Қиёсланг: Меҳнат қилишдан орланмаган мақсадига эришади.*

72-машк. Ўқинг. Бош гап таркибидаги тушириб қолдирилган кўрсатиш олмошини кўйиб кўчиринг ва кўрсатиш олмошининг гапдаги вазифасини белгилаб, тагига чизинг.

1. Ачинарлики, Сиддикжоннинг ҳали ҳам бу гапдан хабари йўқ. (*А.Қ.*) 2. Бу юртда нимаики азиз бўлса, биз учун кадрлидир. (*Газ.*) 3. Киши илм шаъмидан нур олса, тоабад ўлим кўрмайди. 4. Шахзодаларнинг ҳаракатларидан маълум бўлдики, уларнинг асл нияти тахт эгаллаш экан. (*М.О.*) 5. Ҳар ким қаноатга одатланган бўлса, шоҳлик-гадолик ташвишини билмайди. (*А.Н.*)

73-машк. Ўқинг. Дафтарни намунада кўрсатилганидек иккига бўлиб, чап томонига эга эргаш гапли кўшма гапларни кўчиринг. Ўнг томонига шу гапларни содда гапга айлантириб ёзинг. Бош гап таркибидаги кўрсатиш олмошининг тагига чизинг. Тушиб қолган бўлса, топинг. Чап томондаги эга эргаш гап ўнг томонда содда гап таркибида қандай гап бўлаги вазифасида келатганлигини белгилаб.

*Намуна:*

<i>Шуниси эсимдаки, дадам билан бобом ҳам келишган эди.</i>	<i>Дадам билан бобом ҳам келишгани эсимда.</i>
---	--

1. Шуниси менга маълум эдики, унинг вазминлиги дилидагини тилига келтирмасди. 2. Кимки хушмуомала ва ширинсўз бўлса, у халқ орасида бообрўдир. 3. Кимки одобли, ахлокли бўлса, у ҳурматга сазовор бўлади. 4. Шу нарса аниқки, ҳар бир асарнинг ўз яратилиш тарихи бор. 5. Шуниси маълум бўлдики, Кимсан акам тирик. (*Ў.Ҳ.*) 6. Ким ўқишдан орланмаса, у сувдан дурдона, тошдан лаъл чиқаради. (*Ҳ.*)

74-машк. Тушириб қолдирилган тиниш белгиларини кўйиб, гапларни кўчиринг. Эргаш гапларнинг тагига тўлқинли чизик чизиб, бош гапдаги қайси бўлақни изоҳлаётганини тушунтиринг.

1. Бундан чиқдики бизнинг аҳволимизни сен ўзимиздан яхшироқ билар экансан. (А.Қ.) 2. Кимда-ким бирор нарсани кизиқиб сўрамаса у ҳеч нарсани ўрганмайди ҳам. 3. Шуниси ажабланарлики бу кимсалар ҳам бизни ё сезмади, ёки сезсада, эътибор бермади. 4. Кимки ишга ихлос билан киришса, у ишининг самарасини кўради. 5. Кимда-ким бирор санъат, фан ва ҳунар сирини эгалламас экан, у ҳеч қачон йирикрок нарсани яратишга лаёқатли бўлолмайди. («Таф. гул.»)

6. Кимки маърифатни этса эъзоз  
Ани ирфон этар, албатта, мумтоз.  
Кимки кўбни рангин этди заъфар  
Икки дунёда бўлмайди музаффар. (Алибар Отин)

75-машқ. Ўқинг. Эга эргаш гапли қўшма гапларни топинг. Бош ва эргаш гапларни ажратиб, қандай восита ёрдамида бирикканини айтинг.

1. Кимки доимо ҳаракатда бўлса, у ҳеч қачон хасталик кўрмайди. 2. Жамиятимизда ёлғон шу қадар илдиз отганки, уни таг-томири билан суғуриб ташлаш мумкин эмасдек туюлади. (Журн.) 3. Ҳар бобни тугатгандан сўнг ўқувчи ўзини ўзи текширсин деб, савол ва топшириқлар берилган. 4. Шер буни эшитгач, оғзи ланг очилиб қолибди. (Эртак) 5. Сенинг маслаҳатингга кирмай бўлмайди, чунки сен буни дўстлик ва хайрихоҳлик юзасидан айтмоқдасан. 6. Ким бировга озор етказса, унга ҳам бу озор, албатта, қайтади. 7. Шуниси ҳам борки, зилзиладан талафот кўрганлар кўпчиликини ташкил этади. 8. Кимнинг калбида кибр бўлса, у инсон мўминликдан йироқда. 9. Нимаики табиий бўлса, у гўзал ҳам бўлади. 10. Кўпчилик тикилса, тоғ ҳам қулайди.

76-машқ. Нукталар ўрнига бош гап мазмунига мос эргаш гаплар қўшиб кўчиринг. Эргаш гапнинг турини белгиланг.

1. Шуниси бизга маълум бўлдики, ... . 2. Ким бировга чуқур қазиса, ... . 3. Шу нарса аниқки, ... . 4. Ҳар кимки вафо қилса, ... . 5. Кимда-ким ўз бурчини унутса, ... . 6. Шуниси муҳимки, ... . 7. Шу нарса маълумки, ... . 8. Кимки саёқ юрса,

...

77-машк. Ўзингиз эга эргаш гапли қўшма гапларга тўртта мисол ёзинг. Иккитасида эга эргаш гап бош гапга *-ки* ёрдамида, иккитасида *-са* ёрдамида боғлансин. Ёзган мисолларингизни оғзаки тарзда содда гапга айлантиринг. Қўшма гапларни қандай қилиб содда гапга айлантиришингизни тушуинтиринг.

## 21-ДАРС

### КЕСИМ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Ўқинг.

*Энг ёмони шундаки, энди бу ердан чиқиб бўлмас эди.*

Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситани топинг. *-ки* боғловчиси қайси гап таркибида қўлланилишини эсланг ва эргаш гапни белгиланг. Бош гап таркибидаги кўрсатиш олмошини топинг ва унинг қандай гап бўлаги вазифасида келаётганлигини аниқланг. Шунга мувофиқ эргаш гапнинг турини айтинг.

Бош гапдаги кесим вазифасида келган кўрсатиш олмошининг маъносини изоҳлаган эргаш гап кесим эргаш гап дейилади.

Кесим эргаш гаплар *нима?*, *нимадир?* сўроқларига жавоб бўлади ва бош гапга *-ки* боғловчиси ёрдамида боғланади. Бош гапнинг таркибида кесим вазифасида келган кўрсатиш олмоши ишлатилади. Эргаш гап шу олмошининг маъносини изоҳлайди. Эргаш гапни шу олмошининг ўрнига қўйиб, қўшма гапни содда гапга айлантириш мумкин: *Бизнинг асосий камчилигимиз шундаки, шидан кўпроқ муҳокама қилишга берилиб кетамиз. (Ж.Неру) – Шидан кўра кўпроқ муҳокама қилишга берилиб кетишимиз, бизнинг асосий камчилигимиздир.*

Одатда, кесим эргаш гаплар бош гапдан кейин келади. Ёзувда эргаш гап бош гапдан вергул билан ажратилади.

78-машк. Кўчиринг. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситани белгиланг ва бош гап таркибидаги кўрсатиш олмошини топиб, қандай гап бўлаги вазифасида келаётганлигини аниқланг ва тагига чизинг.

1. Қувончлиси шуки, Холпош хола товоқда сумалак кўтариб чиқиб қолди. (Ў.Ҳ.) 2. Қизлар шунақаки, кино кўрса ҳам йиғлайди. 3. Киши табиати шундайки, уни ўз майли билан ўзгартириши қийин. (А.Н.) 4. Бу қадар ошиқиб

йўл юришимизнинг боиси шундаки, кун сайин мукаддас ҳаж мавсуми яқинлашмоқда. (*Ҳ. Султонов*) 5. Қизиғи шундаки, у ўз интилиш - изланишларига янада юксак талабчанлик билан ёндашарди. (*А. Қ.*) 6. Гап шундаки, Музаффар халол, виждонли, қаллобликни сира кўтаролмайдиган йигит. 7. Айтсам шуки, биз сизни институтга жалб қилмоқчимиз. (*А. Қ.*) 8. Энг қувончлиси шундаки, у олдинданок масаланинг ўзагини билган экан. (*Ў. У.*)

**79-машқ.** Кесим эргаш гапли қўшма гапларни содда гапларга айлантиринг. Қандай йўл билан содда гапга айлантирганингизни тушутиринг.

1. Гапнинг рости шуки, йиғлоқи торларни чертишга ўзимнинг ҳам тоқатим йўқ. 2. Гап шундаки, шайтон одамнинг ичида бўлади. (*М. О.*) 3. Калаванинг учи шундаки, улар биз томонга ички кўчалардан кириб келишган. 4. Қиссадан ҳисса шуки, хаёлпараст бўлма, ҳақиқатга яқинлашгин, одамларга фойданг тексин. (*Ҳ.*) 5. Сукротнинг донолиги шунда эдики, у билмаганини билдим деб ўйламадди. 6. Кибриё опанинг сири шундаки, унинг гуллари жуда ажойиб бўларди. (*Журн.*)

**80-машқ.** Нукталар ўрнига бош гап мазмунига мос эргаш гаплар қўшиб кўчириг ва бош гапга боғлавишини тушутиринг.

1. Бунинг маъноси шуки, ... ; 2. Афсусланарли жойи шундаки, .... 3. Маҳалла оқсоқолларининг фикри шундайки, ... . 4. Меъморнинг маҳорати шунда эдики, ... . 5. Хулоса шундай эдики, ... . 6. Мажлис ўтказишдан мақсад шу бўлдики, ... . 7. Сизлардан илтимос шуки, ... . 8. Қизиғи шундаки, ....

**81-машқ.** Тушириб қолдирилган тириш белгиларини қўйиб, гапни кўчириг. Бош ва эргаш гапни аниқлаб, эргаш гапнинг тағига тўқинли чизик чизинг.

«Бобурнома» асарининг муҳим ва ноёблиги шундаки унда Марказий Осиё Афғонистон Покистон Ҳиндистон ва Эрон халқларининг тарихи географияси табиати этнографиясига оид нодир маълумотлар берилган. (*Журн.*)

## ТЎЛДИРУВЧИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Ўқинг.

1. *Шуни унутмаслик керакки, ҳалоллик ва поклик инсонни тўғри йўлга етаклайди. 2. Сиз нима билан хурсанд бўлсангиз, мен ўшани бажаришига тайёрман.*

Бош гап ва эргаш гапларни топинг. Эргаш гапларни бош гапга боғловчи воситаларни белгиланг. Бош гап таркибидаги кўрсатиш олмошини аниқланг ва унинг қандай гап бўлаги вазифасида келаётганлигини тушутиринг.

Бош гап таркибидаги тўлдирувчи вазифасида келган кўрсатиш олмошининг маъносини изоҳлаб келган эргаш гаплар тўлдирувчи эргаш гап дейилади.

Тўлдирувчи эргаш гаплар *кимни?*, *нимани?*, *кимга?*, *нимага?*, *кимдан?*, *нимадан?* сингари сўроқлардан бирига жавоб бўлади.

Эргаш гап бош гапга қуйидаги боғловчи воситалар ёрдами билан боғланади:

1. *-ки* боғловчиси ёрдамида. Эргаш гап бош гапга *-ки* боғловчиси ёрдамида боғланганда бош гап эргаш гапдан олдин келади ва бош гап таркибида тўлдирувчи вазифасида қўлланган кўрсатиш олмоши қатнашади. Эргаш гап шу олмошнинг маъносини изоҳлаб келади ва эргаш гапни бу олмошнинг ўрнига қўйиб, қўшма гапни содда гапга айлантириш мумкин бўлади: *Мен шунига аминманки, тинчлик барқарор бўлади. — Мен тинчлик барқарор бўлишига аминман.*

Баъзан бош гап таркибидаги тўлдирувчи вазифасида келиши лозим бўлган кўрсатиш олмоши ифодаланмаслиги ҳам мумкин: *Билгинки, подонларга энг яхши жавоб — сукут.*

2. Эргаш гапнинг кесими вазифасида келган феълнинг шарт майли шакли *-са* ёрдамида. Бу вақтда эргаш гап бош гапдан олдин келади. Эргаш гапнинг таркибида *ким*, *кимда-ким* каби олмошлар, бош гап таркибида эса тўлдирувчи вазифасидаги кўрсатиш олмоши қўлланилади. Бош гап таркибидаги кўрсатиш олмоши қайси сўроқка жавоб бўлса, эргаш гап ҳам шу сўроқка жавоб бўлади. Эргаш гапни шу олмош ўрнига қўйиб, қўшма гапни содда гапга айлантириш мумкин. Масалан: *Кимки бўлса дилозор, ундан элу юрт безор — Дилозордан элу юрт безор.*

3. *Доб* сўзи ёрдамида. Эргаш гап бош гапга *деб* ёрдамида боғланганда, эргаш гап *нима деб?* сўроғига жавоб бўлади. Тўлдирувчи эргаш гап бош гапдан олдин ёки бош гап ўртасида келади: *Илтиҳондан ҳамма «аъло» баҳолар билан ўтади, деб ўйлаган эдим.*

82-машқ. Ўқинг. Бош ва эргаш гапларни аниқланг. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситаларни ва бош гап таркибидаги олмошни топинг.

1. Мен шундан хурсанд бўлдимки, у биз берган нарсаларни ўз вақтида эгасига топширибди. 2. Шунинг унутмаслик керакки, ҳаракатда бўлган ҳар бир нарса ниҳоясига етгач, албатта, тўхтайтиди. 3. Шерзод, кўнгли нимани хоҳласа, шунинг қилишга одатланиб қолган эди. 4. Ҳасанали бошқалардан шуниси билан фарқ қиладики, у доимо тўғри сўзлар эди. (*А. Қод.*) 5. Эй фарзанд, доим ёдингда тут, ўз оилангнинг сирини ташқарига чиқарма. 6. Юбилей тантаналари шунинг кўрсатадики, шоиримиз ҳаминиши тирик ва халқимиз дилида дарёдай уйғок. (*Газ.*)

83-машқ. Ўқинг. Бош гап таркибидаги ифодаланмаган кўрсатиш олмошининг кўйиб гапларни кўчириг. Кўрсатиш олмошининг синтактик вазифасини аниқлаб, эргаш гапнинг турини айтиг ва оғзаки равишда кўшма гапни содда гапга айлантириг.

1. Разм солиб билдимки, Абдулла аканинг қошлари чимирилган, юзидаги одатий хотиржамлик ўрнини шиддат эгаллаганди. 2. Ҳайдар ота билдики, унинг ўпкаси тўлди. (*А. Қ.*) 3. Тажрибалар бизга қайта-қайта исботлайдики, одамлар ўз тилларига бошқа ҳамма нарсадан кўра ҳам камроқ ҳукмрондирлар. (*Журн.*) 4. Ишонаманки, халқнинг қудратига, бўронига ҳеч қандай тоғ бардош беролмас. (*О.*) 5. Унутмангки, ҳар қачон қуёш зар сочувчи, будут эса гавҳар тўқувчидир. (*А. Н.*) 6. Унутмаслик керакки, вафо билан ҳаё пайваста.

84-машқ. Туширилган тиниш белгиларини кўйиб, гапларни кўчириг. Эргаш гапларнинг тағига чизинг ва бош гапдаги қайси бўлақини изоҳлаётганини тушунириг.

1. Шуни англадимки бу Абдулла аканинг кўмаги эди.
2. Шу нарсани эсдан чиқармангки ҳар доим олға интилиш керак.
3. Қонун нимани такозо этса шуни қилиш керак.
4. Шуни унутмангки ҳеч ким бировга ўйлаш, излаш, орзу қилишни ман эта олмайди. (Ч.А.)

85-машқ. Қуйидаги содда гапларни тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапга айлантириб ёзинг. Гапни қандай ўзгартирганингизни изоҳланг. Бош ва эргаш гапларни аниқлаб, боғловчи воситаларининг тағига чизинг.

1. Мен тилагингизга етишингизга ишонаман.
2. Аввал Нодира келишини билар эдик.
3. Кўпчиликнинг манфаати учун хизмат қилган инсонларни халқимиз ҳамisha қўллаб-қувватлайди.
4. Ферузанинг бу сўзи Насибага оғир ботишини фаҳмлади.

86-машқ. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапга олтига мисол топинг. Иккитасида эргаш гап бош гапга *-ки* ёрдамида, иккитасида *-са* ёрдамида, иккитасида эса *деб* ёрдамида боғлансин. Эргаш гапнинг ўрни ва тиниш белгиларини айтинг.

87-машқ. *Хурсандмиз, истайман, билиб қўйинг, эшитдим, илтимос қиламиз* феъллари бош гапнинг кесими бўлиб келган 5 та тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап тузинг ва ёзинг.

## 23-ДАРС

### АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Ўқинг.

*Талаба қиз шундай нутқ сўзладикки, залдагилар ҳайратда қолди. Ким меҳнат қилса, унинг толеи баланд бўлади.*

Бош ва эргаш гапларни топинг. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситани аниқланг. Бош гап таркибидаги *шундай* ва *унинг* олмошларини топиб, эргаш гапни шу олмошларнинг ўрнига қўйинг. Олмошларнинг синтактик вазифасини айтинг.

Бош гап таркибидаги аниқловчи вазифасида келган кўрсатиш олмошининг маъносини изоҳлаб келган эргаш гап аниқловчи эргаш гап дейилади.

Аниқловчи эргаш гаплар қандай?, қанақа?, кимнинг?, ниманинг? сўроқларига жавоб бўлади.

Аниқловчи эргаш гаплар бош гапга қуйидаги боғловчи воситалар ёрдамида боғланади:

1. *-ки* боғловчиси ёрдамида. Эргаш гап бош гапга *-ки* боғловчиси ёрдамида боғланганида бош гап таркибида аниқловчи вазифасидаги шундай олмоши бўлади. Эргаш гап *шундай* олмошининг маъносини изоҳлайди. Шунинг учун эргаш гапни *шундай* олмошининг ўрнига қўйиб, қўшма гапни содда гапга айлантириш мумкин бўлади: *Шундай ўқувчилар борки, улар шеърни бир ўқишда ёдлаб оладилар. — Шеърни бир ўқишда ёдлаб оладиган ўқувчилар бор.*

Кўп ҳолларда аниқловчи вазифасида келиши лозим бўлган кўрсатиш олмоши (*шундай*) ифодаланмайди: *Одам борки, одамларнинг нақшидир. — Одамларнинг нақши бўладиган одамлар бор.*

2. *-са* қўшимчаси ёрдамида. Эргаш гап бош гапга *-са* ёрдамида боғланганда эргаш гап бош гапдан олдин келади. Эргаш гап таркибида *ким, кимда-ким, кимнинг* сингари олмошлар ва бош гапнинг таркибида қараткич аниқловчи вазифасидаги *унинг* олмоши бўлади. Эргаш гап *унинг* олмошининг маъносини изоҳлаб келади. Эргаш гапни *унинг* олмошининг ўрнига қўйиб, қўшма гапни содда гапга айлантириш мумкин: *Кимнинг фикри тиниқ бўлса, унинг нутқи ҳам аниқ бўлади. — Фикри тиниқ (киши) нинг нутқи ҳам аниқ бўлади.*

Кўпинча бош гап таркибидаги қараткич аниқловчи вазифасида келган олмош ифодаланмаслиги мумкин: *Кимки нафсига банда бўлса, тақдири хуржун бўлади. — Нафсига банда бўлганнинг тақдири хуржун бўлади.*

Ёзувда эргаш гап бош гапдан доимо вергул билан ажратилади.

88-машқ. Кўчиринг. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситаларни ва бош гап таркибидаги кўрсатиш олмошларини тоинг. Кўрсатиш олмошининг синтактик вазифасини айтинг.

1. Кимнинг ақли калта бўлса, унинг тили узун бўлади.  
2. Фулом ота шундай одам эдики, ҳамниша қўшнилардан ёрдамни аямасди.  
3. Одамларга меҳрибонлик – бу шундай қаноғдирки, у билан инсон энг юксакка парвоз қилади. (*Горький*)  
4. Учрашувлар, баҳслар шундай хулоса чиқаришга

ундардики, катта ёзувчи, албатта, ўзига хос катта танқидчи бўлиши керак. (А.Қ.) 5. Шундай инсон ҳақида хабар келтирдимки, унинг ҳар бир сўзи бебаҳо гавҳардир. (О.) 6. Қайси бир оилада ахиллик, тотувлик бўлса, у хонадон доимо барака ва файзга тўла бўлади.

**89-машқ.** Ўқинг. Қўшма гапларни содда гапларга айлантириб ёзинг. Қандай йўл билан содда гапга айлантирганингизни айтинг.

1. Шундай инсонлар борки, юзидан нур, сўзидан дур ёғилиб туради. 2. Ким спорт билан мунтазам шуғулланса, унинг соғлиги мустаҳкам бўлади. 3. Вафо шундай асл гавҳарки, у инсоният тожиги зийнатдир. 4. Кимнинг миясида иллат бўлса, унинг сўзида боғланиш йўқ.

**90-машқ.** Қуйидаги гаплардан *-ки* боғловчиси ёрдами билан аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар тузиб ёзинг, зарур ўринларга вергул қўйинг.

1. Сатторнинг кўзига Розия шундай қиз бўлиб кўринди ... . 2. Тўти шундай куш ... . 3. Зокир ота шундай фарзанд тарбиялади ... . 4. Баҳром шундай йигит ... . 5. Тутун шундай аччиқ эди ... .

**91-машқ.** Нуқталар ўринга зарур сўзларни қўйиб, гапларни кўчиринг. Тушириб қолдирилган тиниш белгиларини қўйинг. Эргаш гапларни топиб, турини айтиб беринг.

1. Бобурнинг буюклиги ... у ўз атрофидаги ҳар бир инсоннинг нима билан машғуллиги, қандай наф келтираётгани ҳақида тўла тасаввурга эга бўлган ва ўз вақтида рағбатлантира билган. (З.М.) 2. ... яхши бидамизки дўстлик – тинчлик таянчи. 3. Менинг соф ниятим ... юртга осойишталик ва фароғат бахш этгай. (О.) 4. Кимки рост сўзласа ... албатта суюқлидир. (Ҳ.) 5. Дунёда ... нарсалар бўладики бировга тушунтириш уёқда турсин ўзинг ҳам тушунмайсан. (Ў.Ҳ.)

**92-машқ.** Ўзингиз аниқловчи эргаш гапли қўшма гапга тўртта мисол ёзинг. Иккитасида эргаш гап бош гапга *-ки* ёрдамида, иккитасида *-са* ёрдамида боғлансин. Бош ва эргаш гапларининг грамматик асослари тагига чизинг. Тиниш белгиларининг ишлатилишини тушунтиринг.

## 24-ДАРС

### РАВИШ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Ўқинг.

1. *Салқин шабада гулзорда чарх уриб, гулларнинг ҳидини ўғирлаб қочмоқда.* 2. *Қизнинг овози титраб, юраги дук-дук ураб эди.*

Бу гапларнинг қайсиниси қўшма, қайсиниси содда гап? Улардаги ўхшашлик ва фарқли томонлар нимада?

Бош гапдан ифодаланган воқеа-ҳодисанинг қай тарзда бажарилишини билдирган эргаш гаплар равиш эргаш гап дейилади.

Равиш эргаш гап қандай?, қай тарзда? сўроқларига жавоб бўлади.

Равиш эргаш гапларнинг кесими равишдошнинг *-(и)б* шакли оркали ифодаланади ва бу шакл эргаш гапни бош гапга боғловчи восита вазифасини ҳам бажаради. Равиш эргаш гап бош гапдан олдин ва баъзан бош гап ўртасида келади. Эргаш гап бош гапдан олдин келганда, ундан кейин, бош гап ўртасида келганда, ҳар икки томондан вергул билан ажратилади: *Севинчларим дарёдай тошиб, юрагимда ҳавасим ортар. (У.)* *Ҳалиги киши ... ориқ-чандир бўйидаги томирлари ўқлогдек қабариб, сизирни базўр тўхтатди. (О.)*

93-машқ. Ўқинг. Аввал равиш эргаш гапли қўшма гапларни, сўнг содда гапларни кўчиринг. Уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини изоҳланг.

1. Гўзаллик туйғусин сингдирмай туриб, баркамол инсон қилиб тарбиялаш мумкин эмас. *(Р. Тагор)* 2. Ич-ичига ботиб, кўкариб кетган қовоқлари юмилиб, рангсиз юзларида аянчли ифода зоҳир бўлди. *(Журн.)* 3. Боғдаги мевалар куёш меҳрига тўйиб, серсув ва ширин бўлди. *(И.Р.)* 4. Отнинг шапир-шупурини эшитиб, уй ичидан бир йиғит чиқди. 5. Ўқтам маънодор илжайиб, унинг ҳаракат ва қилиқларини кузатиб турди. *(О.)* 6. Қилган ишларидан кўнгли ёришиб, у кечгача рангли қоғозлардан қирқилган қушчаларни шилга ёпиштириб чиқди. 7. Хонзода бегим мувозанатини йўқотиб, ёнида бораётган канизга қўл чўзди. *(П.Қ.)* 8. Фуломжон таниш товушни эшитиб, хушига келди *(М. Ис.)*

94-машқ. Ўқинг. Равиш эргаш гапли қўшма гапларни топиб кўчиринг. Бош ва эргаш гапнинг грамматик асосини топинг.

1. Отасининг савлати босиб, хаё ғолиб келиб, нима дерини билмай турибди. (*Достондан*) 2. Қиз эҳтиётлик билан кумғонни олиб, бир чимдим чой солди. 3. Адолат кетмонни елкалаб, булоқ бошига борди. (*И.Р.*) 4. Башорат, юзлари кип-кизил бўлиб, қайтиб чиқди. 5. Сочларининг мушки бутун оламга таркалиб, унинг хушбўй хиди осмонни эгаллади. 6. Узоқдан келаётган қорани кўриб, отининг жиловини бироз тортиб қўйди. 7. Қишлоққа кетиб, тузалгандан кейин келмоқчиман.

95-машқ. Бадний асарлардан равиш эргаш гапли қўшма гапга тўртта мисол топиб ёзинг. Равиш эргаш гапнинг грамматик асосини белгиланг ва бош гапга қандай восита ёрдамида бирикканини изохланг.

## 25-ДАРС

### ПАЙТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Ўқинг.

*Қуёш ботгач, Ромеш яна дарё бўйига келди. (Р.Тагор)*

Бош ва эргаш гапларни ва уларнинг грамматик асосларини топинг. Эргаш гап қандай сўроққа жавоб бўлаётганлиги ва бош гапга қандай боғловчи восита ёрдамида боғланганлигини аниқланг.

Бош гапдан ифодаланган воқеа-ходисанинг пайтини билдирган эргаш гаплар пайт эргаш гап дейилади.

Пайт эргаш гап қачон?, қачонгача?, қачондан бери (буён)? сўроқларига жавоб бўлади ва эргаш гапнинг кесими феълнинг қуйидаги шаклларида ифодаланadi (бу шакллар, айни пайтда, эргаш гапни бош гапга боғловчи восита ролини ҳам бажаради):

I. Равишдошнинг *-гач (-қач, -қач), -гунча (-қунча, -қунча)* шакллари оркали: *Таътил бошлангач, биз сайҳатга борамиз. Қуёш ботгунча, мактабимиз ўқувчилари богда ишлаиди.*

II. I) сифатдошнинг *-ган* шакли оркали. Бу шакл қуйидаги келишик шакллари ва кўмакчилар билан бирга келади:

а) ўрин-пайт келишиги билан: *-ганда*. Масалан: *Сен келганда, уйимизда байрам бўлади. Ўқув йили бошлангандан бери, Карима фақат «аъло» баҳоларга ўқияпти;*

б) ўрин-пайт келишигидаги *чоғ, пайт, вақт, дам* кўмакчилари билан (-ган чоғда, пайтда, вақтда, дамда). Масалан: *Ҳаммамиз далага йўл олган чоғда, катта тўй тусини олади қишлоқ;*

2) *экан* тўлиқсиз феълيني олган сифатдошнинг -р (-ар) шакли орқали: -р (ар) экан. Масалан: *Йўлчи кўзлари билан атрофни сайр этар экан, рўпарадаги кўргон... эшигидан ёш-ёш ўғил ва қиз болалар чувиллашиб чиқшиди (О.);*

3) сифатдошнинг бўлишли-бўлишсиз шакли -ар, -мас ва равишдошнинг бўлишсиз шакли -масдан орқали: *У, тонг ёришар-ёришмас, ўрнидан турди. —У тонг отмасдан ўрнидан турди.*

III. 1) ҳаракат номи шакли орқали. Бу шакл қуйидагича қўлланади: эғалик шакли ва билан кўмакчиси: -(и), и-и, (и, -и), билан. Масалан: *Тонг отини билан, машиналарнинг гувиллаши эшитили бошлади;*

2) жўналиш келишиги ва қадар (довур) кўмакчиси билан: (и)шига қадар(довур). Масалан: *Даре бошланишига қадар, бадантарбия билан шугулланамиз.*

IV. Шарт майли шакли -са орқали: *Кўзимни очсам, ётимдаги аскар йиғит кулиб турибди. (Ў.Х.)*

Пайт эргаш гап бош гапдан олдин ва бош гап ўртасида келади. Эргаш гап ёзувда доимо бош гапдан вергул билан ажратилади.

96-машқ. Ўқинг. Туширилган тиниш белгиларини кўйиб, пайт эргаш гапни қўшма гапларни кўчиринг. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситаларнинг таънига чизинг.

1. Кўзлари мулойим сузилиб турганини кўриб кўнглимга шубҳа ўрмалади. (Ў.Х.) 2. Сайл тугагач шахзодалар ўз вилоятларига қайтиш тараддудини кўра бошладилар. 3. Сиёҳ қуригандан кейин арабча қалин китобни варақлашга тушди. (О.) 4. У хонага кириб улгурмасдан укасининг номаъкул килиғидан норози бўла бошлади. 5. Заргар шаҳарга етиб келгандан сўнг ҳоким уни шох хузурига олиб борди. 6. Энди ухлайман деб турганда кўча эшиги тақиллаб қолди. 7. У дунёни тарк этгач ўғил ота фироқида анча машаққатлар чекди. (А.Н.)

97-машк. Нукталар ўрнига зарур боғловчи воситаларни қўйиб, гапларни кўчиринг. Бош ва эргаш гапларни белгилаб, грамматик асосларининг тагига чизинг.

1. Шу пайт эшик тарақлаб очил..., остонада шахзода Абдулазиз пайдо бўлди. (О. Ё.) 2. Жаҳонгир шоҳ шу тахлитда фармон бер..., дунё кишилари бу фармонни бажаришга киришдилар. 3. Кеч кир..., камера ичи коронғулаша бошлади. 4. Шарпаларнинг энг сўнггиси ғойиб бўл..., бирдан кутилмаган яна бир шарпа намоён бўлди. 5. Қария йўлка бўйлаб бир-икки одимлаган..., тун сукунاتини бузаётган ғўнғир-ғўнғир овозлар диққатини тортди. 6. Энди кўзим илинган ..., олисдан поезд филдирагининг тарақа-турук товуши келди. (Ў. Ҳ.)

98-машк. Қуйидаги содда гаплардан пайт эргаш гапли қўшма гаплар ҳосил қилиб ёзинг. Зарур тиниш белгиларини қўйинг ва боғловчи воситаларининг тагига чизинг.

1. Ёзги таътилда Мунисхон акаси билан Қримга кетди. Саидий шаҳарда ёлғиз қолди. (А. Қ.) 2. Иккинчи қаватга кўтарилди. Хоним эшикни очди. 3. Қуёш ботди. Дам олаётган замин энди ўзининг хушбўй ҳидларини таратарди. (Монассан) 4. Алиман чироқни ёқди. Этигимни кия солиб кўчага чопиб чиқдим. (Ч. А.)

99-машк. Пайт эргаш гапли қўшма гапга учта мисол ёзинг. Эргаш гаплардан бирининг кесими сифатдош, иккинчисиники равишдош, учинчисиники эса ҳаракат номи шаклларида ифодалансин. Эргаш ва бош гапларнинг грамматик асосларининг тагига чизинг.

## 26-ДАРС

### ЎРИН ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Ўқинг.

*Қаерда ақл бўлса, ўша ерда қудрат ҳам бўлади.*

*Ақл бўлган ерда қудрат ҳам бўлади.*

Биринчи гапдан бош ва эргаш гапларни топиб, эргаш гапни бош гапга боғловчи воситани аниқлаб.

Иккинчи гапда қўшма гапни содда гапга айлантириш учун қандай ўзгаришлар қилинганлиги ва қўшма гап таркибидаги эргаш гап содда гап таркибида қандай гап бўлаги вазифасида келаётганини айтиш.

Бош гап таркибидаги ўрин ҳоли вазифасида келган кўрсатиш олмошининг маъносини изоҳлайдиган эргаш гаплар ўрин эргаш гап дейилади.

Ўрин эргаш гап *қаерда?*, *қаерга?*, *қаердан?* сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Бош гапга эргаш гапнинг кесими вазифасида келган феълнинг шарт майли шакли орқали боғланади. Шунингдек, эргаш гап таркибида ишлатиладиган *қаер*, *қаерда*, *қаерга*, *қаердан* олмошлари ҳам эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Ёзувда эргаш гап бош гапдан доимо вергул билан ажратилади: *Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам ўша ерда бўлади. (М.) Қаерда бирдамлик бўлса, ўша ерда фаровонлик бўлади.*

Ўрин эргаш гап бош гапдаги ўрин ҳоли вазифасида келган олмош маъносини изоҳлаганлиги туфайли, уни шу олмошнинг ўринга қўйиш мумкин. Бу вақтда эргаш гап кесими сифатдош шаклига айлантирилади ва ундан сўнг *ер (жой)* сўзи қўшилади. Эргаш гап таркибидаги олмош тушиб қолади. Натижада қўшма гап содда гапга айланади. Солиштиринг: *Бирдамлик бўлган жойда (ерда) фаровонлик бўлади.*

100-машқ. Кўчиринг. Бош ва эргаш гапни аниқлаб, грамматик асослари тагига чизинг.

1. Қаерда аниқ билим бўлмаса, у жойда фаразлар ҳукм суради. (*Горький*) 2. Гулливер остона хатлаб қаерга чиқмоқчи бўлса, ўша ерда елкасида тахтиравон кўтарган одамлар турарди. 3. Саттор қаерга борса, ўша ерда жанжал чиқарди. 4. Қаердаки очиқ самимият, тўла ишонч йўқ экан, у ерда дўстлик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. 5. Боғимизнинг қаерига борманг, у ерда ўриқларнинг оппоқ бўлиб гуллаганини кўрасиз.

101-машқ. Ўқинг. Ўрин эргаш гапни қўшма гапларни топиб кўчиринг. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситаларининг тагига чизинг.

1. Қаерга борса, ўша ерда атрофни ёшу қари ўраб оларди. (*С.А.*) 2. Қаерда жанжал бўлса, ўша ердан барака

кўтарилади. 2. Заковат қаерда бўлса, улуғлик ўша ерда бўлади. (*И. Сино*) 3. Кўпчилик қайда бўлса, тўқчилик шунда бўлар. (*М.*) 4. У қаерга саёхат килса, ўша ернинг турмушини, ҳаётини ҳамда адабиётини ўрганди. (*Журн.*)

102-машк. Ўқинг. Ўрин эргаш гапли кўшма гапларни содда гапга айлантириб кўчиринг. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситаларнинг тагига чизинг.

1. Яшириниш учун қаер қулай бўлса, у ер топилиш учун ҳам осон. 2. Қаерга борсам, ўша ерда ҳурмат-эҳтиром қилишгани рост. 3. Оқсокол қаерда бўлса, ўша ерда иш бир тартибда борарди. (*Ў.Х.*) 4. Қаерда гул кўп бўлса, ўша ерда асалари тўпланади. 5. Болалигинг қаерда ўтган бўлса, ўша ернинг хумори тутар экан. (*Э.А.*)

103-машк. Ўрин эргаш гапли кўшма гапга тўртта мисол келтиринг. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситаларни изоҳланг.

## 27-ДАРС

### ЎХШАТИШ-ЧОҒИШТИРИШ ЭРГАШ ГАПЛИ КЎШМА ГАП

Ўқинг.

*Эркаланиб ётади у Ватан тупрогида,  
Ёш бола ётганидай онанинг қучогида. (Х.О.)*

Бош ва эргаш гапларни тониб, грамматик асослари тагига чизинг. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситани айтинг.

Бош гапдан ифодаланган воқеа-ҳодисани ўхшатиш, қиёслаш, чоғиштириш йўли билан изоҳлаган эргаш гаплар ўхшатиш-чоғиштириш эргаш гап дейилади.

Бундай кўшма гапларда бош гапдан ифодаланган воқеа-ҳодиса эргаш гапдан ифодаланган воқеа-ҳодисага ўхшатилади, чоғиштирилади. Эргаш гап бош гапга қуйидаги боғловчи воситалар ёрдамида боғланади:

1. *-дек, -дай* кўшимчасини олган сифатдош ёрдамида. Бу сифатдош эргаш гап кесими вазифасида келади: *Ўқтамнинг юраги шодликка тўлгандай, кўзларида севинч чақнайди. (О.)*

2. *-ки* ёрдамида. Бу вақтда *-ки* боғловчиси бош гап кесими таркибида келади. Шунингдек, бош гап таркибида *шундай* олмоши, эргаш гап таркибида эса *худди*, *гўё* юклагмаси ишлатилади. Бош гап эргаш гапдан олдин келади. Масалан: *Шундай хушманзараки, гўё табиат бутун чиройини шу ерга тўккан.* (С.З.)

3. *-са* ёрдамида. Бу вақтда *-са* боғловчиси эргаш гап таркибида келиб, бош гапдаги воқеа ёки предмет эргаш гап орқали чоғиштирилади: *Кўёш ҳавони иситса, меҳр-оқибат қалбини иситади.*

104-машқ. Ўқинг. Ўхшатиш-чоғиштириш эргаш гапларининг бош гапга қандай боғланганини айтинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтириг.

1. Бу хонада шундай жимлик чўкканки, гўё унда ҳаёт бутунлай йўқ. (Ас.М.) 2. Дори беморни тuzатганидек, танқид камчиликни тuzатади. (С.А.) 3. Оппоқкина нозик юзи шундай тиниқ кўриндики, гўё у нурдан яратилгандай. (О.) 4. Кул бўлиб яшагунча, мард бўлиб ўлган яхши. (М.) 5. Шоира тайёрлаган пиширик шундай ширин эдики, гўё уни асалга ботириб қўйгандай. 6. Кичикка мурувват энг латиф ва энг ёқимли бўлади, гўё озгина сув энг ширин ва мазали бўлганидай. (Хоразмий)

105-машқ. Кўчиринг. Ўхшатиш-чоғиштириш эргаш гапларининг тагига чизинг ва бош гапга қандай боғланганини айтинг.

1. Ҳамшира беморларга шундай ширин гапирдики, гўёки улар бутунлай тuzалиб кетгандай бўлдилар. 2. Ниҳол кўёш нурларидан баҳра олиб камол топганидек, адиб ижоди ҳам шу уч кудратли анъанадан ривожланиб камол топади. (Журн.) 4. Тошбақа жайронни қувиб етолмагани каби, Қумрининг орзулари ҳам ҳеч қачон ушалмас армон эди. 5. Тиз чўкиб яшагандан, тик туриб ўлган афзал. (М.)

106-машқ. Ўхшатиш-чоғиштириш эргаш гапли қўшма гапга олтига мисол ёзинг. Иккитаси бош гапга *-ки* боғловчиси ёрдамида боғлансин. Иккитасида эргаш гап кесими *-дек* (*-дай*) аффиксли шаклдаи инфодаланган бўлсин, иккитаси эса *-са* шарт майли қўшимчаси эргаш гап кесими таркибида келсин.

## МИҚДОР-ДАРАЖА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Ўқинг.

*Киши қанчалик оз билса, билими ўзига шунчалик кенг туюлади.*  
(Ж.Руссо)

Бош ва эргаш гапларни топинг. Эргаш гапни қандай сўроққа жавоб бўлаётганини ва бош гапга қандай боғловчи воситалар ёрдамида боғланаётганини аниқланг.

Бош гапдан ифодаланган воқеа-ҳодисанинг миқдор-даражасини қиёслаш йўли билан билдирган эргаш гаплар миқдор-даража эргаш гап дейилади.

Миқдор-даража эргаш гаплар *қанча?*, *қанчалик?* сўроқларига жавоб бўлади. Эргаш гап кесими феълнинг шарт майли шаклидан ифодаланади. Эргаш гап таркибидаги *қанча*, *қанчалик* олмошлари, бош гап таркибидаги бу олмошларга мувофик келадиган *шунча*, *шунчалик* олмошлари эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар ҳисобланади. Миқдор-даража эргаш гап, одатда, бош гапдан олдин келади. Ёзувда эргаш гап бош гапдан вергул билан ажратилади: *Ақл қанча қисқа бўлса, тил шунча узун бўлади.* (М.)

107-машқ. Ўқинг. Бош ва эргаш гапларни аниқлаб, уларнинг грамматик асосини топинг. Эргаш гап бош гапга нима ёрдами билан бирикканини айтинг.

1. Қанчалик равшанлик ва софлик бўлса, шунчалик бирикиш ва бирдамлик бўлади. (*Хоразмий*) 2. Мен қанчалик шўх, олов бўлсам, у шунчалик оғир, вазмин эди. ("*Ч.*") 3. Инсонга қанча эътибор берилса, у шунча ривожланади. (*И.Сино*) 4. Бу ўтнинг алангаси қанча кўтарилгани сайин, шоҳ шунчалик беҳудлик билан оху нола чекарди. (*А.Н.*) 5. Биз қанчалик кўп йўл юрган сайин, манзил шунчалик узоқлашгандай бўлар эди. (*С.А.*) 6. Саида буларни кўриб қанчалик хурсанд бўлган бўлса, хужрани кўриб шунчалик таъби тирриқ бўлди. (*А.Қ.*)

108-машқ. Кўчиринг. Эргаш гапларнинг тагига чизиб, боғловчи воситаларни аниқланг. Тушириб қолдирилган тиниш белгиларини кўйинг.

1. Инсоннинг мансаби, моли қанчалик ортса хавотири хам шунчалик ортади. (*Ҳ.*) 2. Ёшлар Навоийни қанчалик чуқур ва пухта билса улар маърифат, эзгулик, қомиллик сирларини ўшанча кенгрок эгаллайди. (*Жури.*) 3. Улар қанчалик ҳаракат қилган сари Элчиев ишни шунчалик орқага сурар эди. (*Э.А.*) 4. Инсон қанчалик кўп билса у шу қадар кучли. (*Горький*) 5. Турмуш қанча завкли бўлса йиллар шунча тез ўтгандай туюлади. (*У.*) 6. Тана учун сихат-саломатлик қанчалик зарур бўлса қалбга донолик хам шунчалик зарур. (*Ҳ.*)

109-машқ. Ўзингиз миқдор-даража эргаш гапли қўшма гапга тўртта мисол ёзинг. Грамматик асослари тағига чизинг. Эргаш гап бош гапга қандай воситалар ёрдамида боғланаётганлигини кўрсатинг.

## 29-30-ДАРС

### ЧОРАК ОХИРИДА ТАКРОРЛАШ

110-машқ. Ўқинг. Эргаш гапли қўшма гапларни топинг. Эргаш гап бош гапга қандай восита ёрдамида боғланганлигини айтиб беринг.

1. Инсон қанчалик доно ва саховатли бўлса, у кишилардаги яхшилиқни шунчалик кўпроқ пайқайди. (*Ҳ.*) 2. Акмалнинг ранги қув ўчиб, тили айланмай қолди. 3. Ҳаётни қанча севсанг, у сенга шунча гўзал кўринади. (*О.*) 4. Ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, узокдан қўлида бола кўтарган аёл кўринди. (*Ў.У.*) 5. Кимнинг ишида камчилик бўлса, унинг ҳаётида халоват бўлмайди. 6. У шундай жозибали ва маъсум эдики, илк гуллаган бодом ниҳолини эслатарди. (*О.Ё.*) 7. У биринчи қарашдаёқ кўрдик, Кумуш заҳарланган эди. (*А.Қод.*) 8. Қаерда ахиллик бўлса, шу ерда барака бор. (*Ҳ.*) 9. Ёрдам шундан иборатки, сени бошлиқ билан учраштириб қўяман. (*Ч.А.*) 10. Буларда одат шундайки, қасд олмагунча, душманлик авлоддан-авлодга ўтаверди. (*П.К.*)

111-машқ. Туширилган тиниш белгиларини қўйиб, эргаш гапли қўшма гапларни кўчиринг. Эргаш гапни бош гапга боғловчи грамматик воситаларнинг тағига чизинг.

1. У меъмор билан гапини тугатган ҳам эди кўчада тўс-тўполон бошланиб кетди. (О.) 2. Сўнг ҳамманинг кулоғи тинчиб эркинроқ нафас олиб Яхшибоевни мақташга тушдилар. 3. Ўша ўн кунлик озодлик завки сўнмай бирдан гажирлиги тутди. 4. Бозорнинг кўзлари косасига чўкиб териси суягига ёпишиб қолган. (Ас.М.) 5. Шундай фарзандлар борки ҳар икки мухтарам зотларга баробар муҳаббат боғлаб эхтиром кўрсатади. 6. Бу иш шу билан тугайдики охири тақдирга тан бериб қочиб қолишади. 7. Сиз шуни билиб қўйингки бу бола ҳозир шер бўлиб турибди. (Ў.Х.) 8. Шуни истардимки барча талабалар сиздек бўлса. (С.А.) 9. Тана учун кўркамлилик қанчалик зарур бўлса ақлга ҳам нафислик шунчалик зарур.

**112-машқ.** Берилган содда гаплардан эргаш гапли қўшма гаплар ҳосил қилинг ва зарур тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг. Бош ва эргаш гапини аниқлаб, эргаш гапнинг турини айтинг, грамматик воситаларнинг тағига чизинг.

1. Мўйсафиднинг кўзлари яна чақнади. Чехраси очилди.  
2. Билим шундай хазина. У сарфланган билан тамом бўлмайди.  
3. Ер юзида шундай тарбия бор. Бу тарбияни кўрган киши умрини ва кучини самарасиз ишларга сарф қилмайди.  
4. Адолат шошилиб ташқарига чиқди. Ҳовлида Нурмат йўқ.  
5. Томоша бошланди. ғала-ғовур тинмади.  
6. Шоира тайёрлаган пишириқ шундай ширин эди. Гўё уни асалга ботириб қўйгандай.

**113-машқ.** Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини аниқланг.

**1. Қайси қаторда эргаш гапли қўшма гапга мисол берилган?**

- А. Ҳамма жим, факат Аъзамжоннинг хансираши эшитилади.
- Б. Дилдор унга қарамай, бошини сарақ-сарақ қилди. (С.А.)
- В. У лабини тишлаб туриб қолди, демак, раис ҳамма гапдан хабардор. (С.А.)
- Г. Қумга етмасдан чапга бурилсак, катта яланглик бор. (С.А.)

Д. Икромжоннинг ковоғи солиқ, орқасига қарамайди. (С.А.)

**2. Қайси жавобда аниқловчи эргаш гапли қўшма гап берилган?**

А. Отасига меҳри тобланиб, унинг кўнглига ёқадиган яна бир иш қилгиси келди. (П.Қ.)

Б. Бобур ясама эътиқодларга ғаш келиб, бош чайқади. (П.Қ.)

В. Ким буйрукни бажармаса, унинг молу мулки мусодара қилинсин!

Г. Биз бор эканмиз, сиз ҳеч кимдан кўркманг, бегим. (П.Қ.)

Д. Мушкул ахволни Хонзода бегим пайқади-ю, укасига раҳми келди.

**3. Қайси жавобда тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап берилган?**

А. Ҳозир қандоқ бўлса, бундан кейин ҳам шундоқ бўлади. (Ҳ.Ғ.)

Б. Қайта-қайта ўқиб шуни фахмладики, унда икки юрак яқинлигини ифодалайдиган битта ҳам сўз йўқ. (Ҳ.Ғ.)

В. Шундай бўлса ҳам, кўнглим нимадандир ғаш. (Ҳ.Ғ.)

Г. Гулеум ҳовлига чиқиб, самоварни олиб кирди, чой дамлади. (Ҳ.Ғ.)

Д. Мен нимаики ёзган бўлсам, нимаики демокчи бўлсам – ҳаммаси чин. (Ҳ.Ғ.)

**4. Жавобларнинг қайси бири эга эргаш гапли қўшма гапга мисол бўлади?**

А. Ёдгор овоз эгасини таниди-ю, ҳовликиб, бурилиб қаради. (Ў.Ҳ.)

Б. Алимардон чойни оларкан, зимдан унга қараб қўйди. (Ў.Ҳ.)

В. Шуниси аниқки, ёлғиз унинг – Алимардон Тўраевнинг баҳори ўтган эди. (Ў.Ҳ.)

Г. Ҳаёт ниманики тақдим қилган бўлса, ўшандан ортиғини ололмайди. (Ў.Ҳ.)

Д. Муқаддам ғазаб ичида кўллари қалтираб, эшикни қарсиллатиб ёпди-да, занжирлаб олди. (Ў.Ҳ.)

**5. Жавобларнинг қайси бири пайт эргаш гапли қўшма гапга мисол бўлади?**

А. Аклингнинг кўплигидан бошингга шира тушиб, шафтоли коки килиб кўйган. (Мирм.)

Б. Бу киска учрашувни Бадиадан бўлак ҳеч ким кўрмади, деб бўлмади. (Мирм.)

В. Заврак қайнаган сув олиб келгач, табиб Меъморнинг қўл, бетларини ювди. (Мирм.)

Г. Баъзан кўриниб, баъзан кўринмай бораётган қароқчи тамоман кўздан йўқолди. (Мирм.)

Д. Меъмор ювиниб, таҳорат килиб, намозини ўқиб олгач, ховлига чиқди. (Мирм.)

#### **6. Қайси жавобда ўрин эргаш гапли қўшма гап берилган?**

А. Гапирмасдан илож канча: ҳаёт ўзи шунга мажбур этади. (Ч.А.)

Б. Шу маҳал аравасини ҳайдаб, Жайноқ етиб келди.

В. Илгариги ҳазил-мазах киликлар йўк, кўпни кўрган одамдек босик бўлиб қолибди. (Ч.А.)

Г. Сувонқул овқатлангандан сўнг, тунда овулга қайтдиқ. (Ч.А.)

Д. Қаерда изғирин шамоллар бўлса, ўша ерда бебош бўронлар ҳам бўлади. (Ч.А.)

#### **7. Эргаштирувчи боғловчи ёрдамида боғланган эргаш гап қайси қаторда берилган?**

А. Қишлоқларнинг сўнгги уйлари орқада қолгач, йўл канал бўйлаб давом этади.

Б. Қодир ака сафардан келганида, Ботир қўшниси Саша билан уйда китоб ўқиб ўтирар эди.

В. Дарё устида бўғик шовкин ҳукм сурарди, юзлаб катта тегирмон тошлари эса музни кўчираётгандай туюларди.

Г. Йиғитнинг кўз олди жимирлай бошлади, шунинг учун у бир марта қаддини ростлаб олишга мажбур бўлди.

Д. Қайрилиб қарашса, бола эшак ҳайдаб кетяпти.

#### **8. Қайси қаторда равиш эргаш гапли қўшма гап берилган?**

А. Севинчларим дарёдай тошиб, юрагимда ҳавасим ортар.

Б. Озод ота-онасини эслаган сари, кишлоғи ёдига тушаверди.

В. Бугун улар пахтани тайёрлов пунктига топшириб бўлиб, бир пиёла чой ичгани чойхонага кирдилар.

Г. Бепоев яйловга чиқилгач, олдинда тикка туриб кетаётганлардан бири уфқни кўрсатди.

Д. Ёмон йўк бўлса, яхшининг кадри билинмай қолади.

**9. Ўхшатиш-чоғиштириш эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар қайси қаторда тўғри берилган?**

А. *-б (-иб)* қўшимчаси билан ҳосил бўлган равишдош орқали боғланади.

Б. *-гач, (-қач, -қач)* ёки *-гунча (-қунча, -қунча)* қўшимчали равишдошлар билан боғланади.

В. *худди, гўё* сўзлари ёки *-дей, -дек* қўшимчали сифатдошлар ёрдами билан боғланади.

Г. Боғловчи вазифасидаги *деб, учун* сўзини келтириш билан боғланади.

Д. Негаки, сабабки, шунинг учун боғловчилари ёрдамида боғланади.

**10. Мисолларнинг қайси бири ўхшатиш-чоғиштириш эргаш гапга мисол бўла олади?**

А. Ҳасаннинг юраги шу қадар каттиқ урдик, гўё бу қоронғи жимжит кечада унинг юраги уришидан бошқа бирон овоз йўқдек эди.

Б. Деразадан тушаётган ёруғлик аста-секин сўниб, уй ичи қоронғилашди.

В. Ҳалол яшашни билсанг, турмуш яхшироқ ва осонроқ кўринади.

Г. Қиличнинг захри кетса ҳам, сўзнинг захри кетмас.

Д. Режа амалга ошармикан деб, ҳамма йиғилди.

## 31-ДАРС

### ШАРТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Ўқинг.

*Адабиёт яшаса, миллат яшар (Чўлпон)*

Бош гап ва эргаш гапларни аниқланг, уларнинг грамматик асосларини топинг. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситани ва эргаш гап қандай сўроққа жавоб бўлишини аниқланг.

Бош гапдан ифодаланган воқеа-ҳодисанинг рўй бериш ёки бермаслик шартини ифодалаган эргаш гаплар шарт эргаш гап дейилади.

Шарт эргаш гапнинг кесими феълнинг шарт майли шакли орқали ифодаланadi. Шарт майли қўшимчаси *-са* боғловчи восита вазифасини ҳам бажаради: *Ҳиммат баланд бўлса, инсон туганмас давлатга эришади.*

Баъзан эргаш гапнинг кесими *-да* қўшимчасини олган сифатдошдан ҳам ифодаланadi. Баъзан эса сифатдошдан сўнг эди тўлиқсиз феъли ишлатилади: *Хамминг фикри бир хил бўлганда эди, ҳеч ким пойгада гаров ўйнамасди. (Газ.)*

Эргаш гап бош гапдан доимо вергул билан ажратилади.

114-машқ. Кўчиринг. Бош ва эргаш гапларни аниқлаб, уларнинг грамматик асослари тагига чизинг.

1. Ота ғайратли бўлса, бола ибратли бўлар. (Ҳ.) 2. Агар Шоим менинг ёнимга келганида эди, ўзим бир яхшилаб гаплашиб қўйган бўлар эдим. (Э.А.) 3. Мабодо қувончинг тугаса, нимада янглишганингни ахтар. (Л.Т.) 4. Агар буларда сир бўлмаганида эди, талвасага тушишмасди. 5. Она юртинг омон бўлса, ранг-рўйинг сомон бўлмас. 6. Сабр қилсанг, ғўрадан ҳолва битар.

115- машқ. Ўқинг. Олдин шарт эргаш гапли қўшма гапларни ва сўнгра пайт эргаш гапли қўшма гапларни кўчиринг. Уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини айтинг.

1. Тезроқ келинг, ўртоқ, бўлмаса биз сизни кутиб турмаймиз. 2. Тоғам урушга кетгач, Раъно кеннойим шаҳардаги Текстилга яна қатнай бошлади. (Ў.Ҳ.) 3. Мард бўламан десанг, мард ҳамроҳинг бўлсин. (Махтумқули) 4. Қош қорайиб келаётганда, Камола ботаётган қуёшни эҳтиром билан олқишлади. (Р.Тағор) 5. Жиян, ақлинг бўлса, кишининг бир тийинига ҳам хиёнат қилма. (О.)

116-машқ. Ўқинг. Шарт эргаш гапли қўшма гапларни топиб, гуширилган тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

1. Ижод амал курсиси эмаски, бировнинг ўрнини биров эгалласа. (Ў.Ҳ.) 2. Инсон нимага эҳтиёж сезса, шунга

интилади. 3. Гўдаклигингда ота-онанг сени қанчалик авайлаган бўлса, кексайганида ота-онангни сен ҳам шунчалик авайла. (X.) 4. Агар икки ўғри жанжаллашса, нима ўғирлангани маълум бўлади. (Араб ҳикмати) 5. Жўмрагини бурасам, сув шилдираб тушди. 6. Китобдаги қувонч ва изтиробларни ўқувчи ўзиники деб қабул қилсагина, ўша ҳақиқий асардир. (Журн.) 7. Виждонимиз агар уни ўзимиз ўлдирган бўлмасак, энг покиза ҳакамимиздир. (X.)

## 32-ДАРС

### САБАБ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Ўқинг.

*Номарддан ёрдам сўрама, чунки у лашнат қилади.*

*Сўз жуда буюқдир, сабаби у кишиларни бирлаштириши ва айириб ташлаши ҳам мумкин. (Журн.)*

Эргаш гапларни топиб, бош гапга қандай воситалар ёрдами билан боғланганини айтинг. Эргаш гапнинг қандай сўроқларга жавоб бўлишини аниқланг.

Бош гапдан ифодаланган воқеа-ҳодисанинг рўй бериш ёки бермаслик сабабини билдирган эргаш гаплар сабаб эргаш гап дейилади.

Сабаб эргаш гап нима учун?, нима сабабли? сўроқларига жавоб бўлади ва бош гапга қуйидаги боғловчи воситалар ёрдамида боғланади.

1. *Чунки, шунинг учун (шу сабабли, шу туфайли)* боғловчилари ёрдамида.

*Чунки* боғловчиси эргаш гапнинг бошида қўлланади ва эргаш гап бош гапдан кейин келади: *Ёлгон гапирманлар, чунки унда ҳалокат бор. («Ҳадис»дан)*

*Шунинг учун (шу сабабли, шу туфайли)* боғловчиси бош гапнинг бошланишида қўлланилади ва эргаш гап бош гапдан олдин келади: *Фарзанд гулдир, она — бир бўстон. Шунинг учун олам — гулистон. (X.O.)*

2. Боғловчи вазифасидаги *учун, сабабли, туфайли* кўмакчилари ёрдамида. Бу боғловчи воситалар эгалик қўшимчасини олган сифатдошнинг *-ган* шаклига қўшилади: *-гани учун*. Баъзан сифатдош *-лик* қўшимчасини ҳам олиши

мумкин: *-ганлиги учун*. Бу боғловчи восита эргаш гап кесими таркибида бўлади. *Дехқонлар бу йил астойдил меҳнат қилганликлари учун (сабабли, туфайли), мўл ҳосил олинди.*

3. Эгалик ва чиқиш келишиги кўшимчаларини олган сифатдошнинг *-ган* шакли ёрдамида: *-ганидан (-ганлигидан)*: *Қор қалин бўлганидан, дарахтларнинг шохи эгилиб турарди.*

Ёзувда эргаш гап бош гапдан вергул билан ажратилади.

**Э с л а т м а:** Баъзан сабаб эргаш гап бош гап билан *-(и)б, -май* кўшимчали равишдош ҳамда *шекилли* сўзи орқали бирикади. *Бу йил ёмғир кўп ёғиб, экиларнинг ярмидан кўпи нобуд бўлди. Ниҳоят, дуош фотиҳа бўлди шекилли, бош чўпонларга отлар берилди. (Ас.М.)*

117-машқ. Кўчириг. Эргаш гапларнинг тагига чизинг. Бош ва эргаш гапларни аниқлаб, грамматик асосларини изохлаг. Тиниш белгиларининг кўйилиш сабабларини тушунтириг.

1. «Чолиқуши» менинг ўзимга ҳам ёқарди. нимагаки бу ном кўп маҳал жонимга оро кирарди. (*«Ч.»*) 2. Сиз мувофик кўрган бу ишга қарши тушиб, раъйингизни қайтаролмайман, чунки нима бўлганда ҳам сизнинг оталиқ исмингиз бор. (*А.Қод.*) 3. Буни ортиқча судрашнинг ҳожати йўқ, сабаби энди Ҳосилбойвачча тайёр. (*Т.М.*) 4. Ўрмонжон каттакон оқ калпоқ кийиб олгани учун, юзи кичкина, юмалок кўринар эди. (*А.Қ.*) 5. Акл-идрок билан бойишга ҳаракат қил, чунки у мол-дунё бойлигидан яхшидир. (*Ҳ.*)

118-машқ. Ўқинг. Бош ва эргаш гапларни аниқлаб, уларнинг грамматик асосини топинг. Эргаш гап бош гапга нима ёрдами билан бирикканини айтиг.

1. Мажлис ахли Искандар сўзини маъқуллагани учун, ўзининг бу фикридан кўнгли ёришди. (*А.Н.*) 2. Унинг бирга бориши маълум бўлди, шунинг учун киз такдирнинг бу илтифотига шукрлар қилди. 3. Кийими қоп-қора бўлганидан, Шаҳриёр уни илғамай қолди. 4. Салим ота ўғлига хафалигини билдирмаслик учун, ўзини ишга урди. (*Т.Мурод*) 5. Ҳайдар ота бирининг билганини иккинчисидан яширишга қарор қилди, чунки бирининг қайғуси

иккинчисининг кайғусига қайғу кўшувига кўзи етиб қолди. (А.Қ.) 6. Оз нарсага қаноат қилган одам давлатманддир, негаки бундай қаноат унинг маънавий бойлигидан далолат беради. (Сукрот)

119-машқ. Берилган саволларга сабаб эргаш гап тарзида жавоб бериш. Жавобингизни намунада кўрсатилганидек ёзиб, бош ва эргаш гапларини аниқланг. Боғловчи воситаларнинг тагига чизинг.

*Намуна: Синфдошлари нега Олмосни ҳурмат қилишади? – Олмос камтар, билимдон, шунинг учун синфдошлари уни ҳурмат қилишади. Олмос камтар, билимдон бўлгани учун, синфдошлари уни ҳурмат қилишади. Синфдошлари Олмосни ҳурмат қилишади, чунки у камтар ва билимдон.*

1. Нима учун хунар ўрганамиз? 2. Қирғизистон кўп миллатли давлатми? 3. Нимага эрталаб бадантарбия қилинади? 4. Нега кўп китоб ўқиш керак? 5. Нима сабабдан сув қайнатилганда тошади?

### 33-ДАРС

#### МАҚСАД ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Ўқинг.

*Мактаб ҳовлисига соя-салқин бўлсин деб, биз меваги ва манзарали дарахтлар эдик.*

Бош ва эргаш гапларини белгиланг. Эргаш гапдан бош гапга боғловчи воситани айтиш.

Бош гапда ифодаланган воқеа-ҳодисанинг юзага чиқиш мақсадини билдирган эргаш гаплар мақсад эргаш гап дейилади.

Мақсад эргаш гаплар *нима учун?*, *нима мақсадда?*, *нима деб?* сўроқларига жавоб бўлади ва бош гапга қуйидаги воситалар ёрдамида боғланади:

1. *Деб ёрдамчиси орқали: Синглимнинг кўнгли очилсин деб, онаси қизиқарли ҳикоялар айтди.*

2. *Учун кўмакчиси ёрдамида: Маҳсиннинг чоки тишиқ бўлсин учун, мумли ёпишиқок итти ҳар қатимда бармоқлари билан қир-қир тартиб қўяди. (О.)*

*Деб ва учун боғловчи воситалари ёрдамида бош гапга боғланган эргаш гаплар кўпинча бош гап олдида келади. Баъзан бош гап ўртасида ва охирида ҳам келиши мумкин.*

120-машқ. Кўчиринг. Бош ва эргаш гапларни аниқлаб, уларнинг грамматик асосини топинг. Эргаш гап бош гапга нима ёрдами билан бириккани ва қандай саволга жавоб бўлишини айтинг.

1. Барча ишларни битиришга вақт зиклик қилмасин деб, Карим тайинланган кундан бир ҳафта илгари йўлга чиқди.  
2. Овулдан қариндошларим келишганда кўриб қолишмасин деб, мен суратни яшириб қўяр эдим. (Ч.А.)  
3. Тоза ҳаво кирсин деб, хонанинг деразаларини, эшикларини очиб қўйдик.  
4. Бемор зўриқмасин учун, Хусайн ўзи унинг олдида борди.  
5. Ўша жойларни мени ором олсин деб, зебзийнат билан бунёд қилган эканлар. (А.Н.)  
6. Мия бўлмағур ўйлардан ҳоли бўлсин учун, тинимсиз гўзалликдан сўйланг.

121-машқ. Ўқинг. Аввал сабаб эргаш гапли қўшма гапларни, кейин мақсад эргаш гапли қўшма гапларни кўчиринг. Уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини айтинг.

1. Зўрлар қаторига кираман деб, ўз панжасига кўп шикастлар етказган кимсалар ҳам бўлган. (А.Н.)  
2. Токи китоблар мавжуд экан, ҳеч қачон ўтмиш эскирмайди. (Журн.)  
3. Мен заиф одамман, шу сабабдан сенинг азоб чекишингга тоқат қилолмайман. (Р.Тагор)  
4. Токи ҳаёт эканман, мендан буни ҳеч кимса эшитмайди.  
5. Қутидорга бу хабарни тез етказинг, токи у бундан беҳабар қолмасин. (А.Қод.)  
6. Қаландаров сўзини айлантириб, ўз ўрнида қолишга хоҳиш билдириб қўймасин учун, Саида яна унинг сўзини оғзидан олди. (А.Қ.)  
7. Водийнинг табиий шароити хилма-хил бўлгани учун, ундаги ўсимликлар ҳам турли-тумандир. (П.Қ.)  
8. Бола ўзи бунга ишонар, чунки у шундай бўлишини жуда-жуда хоҳларди.

122- машқ. Ўзингиз ёқтирган адиб асаридан бош гапга *деб* ва *учун* боғловчи воситалари ёрдами билан боғланган мақсад эргаш гапли қўшма гапларга тўртта мисол келтиринг. Тиниш белгиларининг қўлланилишига диққат қилинг.

123-машқ. Нукталар ўрнига мақсад эргаш гап кўйиб кўчиринг, зарур тиниш белгиларини кўйинг.

1. ... хар куни эрталаб бадантарбия билан шуғулдланамиз.
2. ... шаҳримиз кўчалари кенгайтирилмоқда.
3. Сайру саёҳатларга фарзандларни ҳам олиб бориш керак ...
4. ... бувим ховлимизга чиннигул, кашқаргул ва райҳонлар экади.
5. ... ойим укамга диққат билан тикилди.

## 34-ДАРС

### НАТИЖА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Ўқинг.

*Ҳақиқий шеър ўқигувчи дилдан шундай жой оладики, уни суғуриб ташлаш қийин. (Мирт.)*

Бош ва эргаш гапларни топиб, эргаш гап бош гапга қандай воситалар ёрдамида боғланганини айтинг. Аниқловчи, равиш эргаш гапли қўшма гапларга солиштириб, ўхшаш ва фаркли томонларини кўрсатинг.

Бош гапдан ифодаланган воқеа-ҳодисанинг натижасини билдирган эргаш гаплар натижа эргаш гап дейилади.

Натижа эргаш гаплар *натижада нима бўлди?* сўроғига жавоб бўлади ва бош гапга *-ки* боғловчиси ёрдамида боғланади. Бу боғловчи бош гап кесими таркибида келади. Шунингдек, бош гап таркибида *шундай, шу қадар, шунчалик, чунон, шунча* каби олмошлар ҳам ишлатилади. Эргаш гап бошланишида *натижада, оқибатда, ҳатто* сўзлари ишлатилади. Бу сўзлар кўп ҳолларда ифодаланмаслиги ҳам мумкин: *У шундай тез, шоиқин ва жадаллик билан от сурар эдики, (натижада) унга ҳеч ким етолмас ва ҳамроҳлик қилолмас эди. (А.Н.)*

Натижа эргаш гаплар, одатда, бош гапдан кейин келади. Ёзувда эргаш гап бош гапдан вергул билан ажратилади.

Натижа эргаш гаплар бош гапга *-ки* боғловчиси ёрдамида боғланиши ва бош гап таркибида шундай олмошининг қатнашини жихатдан аниқловчи, равиш эргаш гапларга ўхшайди. Лекин аниқловчи, равиш эргаш гаплар бош гапдаги *шундай* олмошининг маъносини изоҳлаб, *қандай?* сўроғига жавоб бўлса, натижа эргаш гаплар бош гапдан ифодаланган воқеа-ҳодисанинг натижасини билдиради ва натижада *нима бўлди?* сўроғига жавоб бўлади.

**Солиштиринг:** *Одоб шундай тожики, у ақлли, фаросатли одамларнинг бошини безайди. Гуллар шундай чиройли очилганки, одамнинг ҳаваси келади.*

**124-машқ.** Ҳўкинг. Тушириб колдирилган тиниш белгиларини кўйиб натижа эргаш гапли кўшма гапларни кўчиринг. Эргаш гап бош гапга нима ёрдами билан бириккани ва қандай сўрокка жавоб бўлишини айтинг.

1. Абдулла Қаҳҳор шу қадар илҳом билан берилиб ишладики, натижада орадан кўп ўтмасданок янги романи устидаги ишни ниҳоясига етказди. (*Журн.*) 2. Олижаноблик кишидаги ажойиб хислатки, хатто бунга эришган одам ундан ҳам юқорига интилади. (*И. Сино*) 3. Ёлғончилик ёки ёлғон сўзлаш инсоннинг калбига нифок уруғини сепади, оқибатда қалб нифок туфайли бузилади. (*Ҳ.*) 4. Шунчалик хафа бўлдимки, бу аччиқ изтиробни ҳеч замон унутолмайман. (*М. Камол*) 5. Яхшибоевнинг ўйлари шу даражада чувалиб кетдики, натижада ҳеч бирини аниқ тасаввур қилолмай қолди. (*М. М. Дўст*) 6. Адабиёт ҳақидаги мулоқотимиз шундай қизғин бўлибдики, оқибатда мен ўзимнинг кимлигимни унутиб қўйибман. (*А. Қ.*)

**125-машқ.** Кўчиринг. Бош ва эргаш гапни аниқлаб, грамматик асослари тагига чизинг.

1. Ромеш ўзи шундай ҳолдан тойдики, қиздан ҳол-аҳвол сўрашга ҳам мажоли қолмади. (*Р. Тагор*) 2. Ибодат сафдоши Ҳидоятхон опа ҳақида шу қадар завқланиб гапирдики, суҳбатдошлари унинг сўзига маҳлиё бўлиб қолишди. 3. Бу гапни шунчалик самимий айтдики, беихтиёр сандал четига чўкдим. (*Ў. Ҳ.*) 4. Совуқданми, чарчокданми шу қадар қарахт бўлиб қолибмизки, машина ёнимизга келиб тўхтаганини ҳам пайқамабмиз. (*Э. А.*) 5. Низомжон шу тобда шундай қучли бўлиб кетган эдики, бир ўзи мана шу поёни йўқ чўлни ағдар-тўнтар қилиб ташлашга қодирдек эди. (*С. А.*)

**126-машқ.** Натижа эргаш гапли кўшма гапга олтига мисол келтиринг ва дафтарингизга ёзинг. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситаларнинг тагига чизинг.

## ТҮСИҚСИЗ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Ўқинг.

*Мен икки уйнинг дастёри бўлишимга қарамасдан, улар мени ўқишига юборишди. (Ч.А.)*

Бош ва эргаш гапларни аниқланг. Эргаш гапни бош гапга қандай боғловчи восита ёрдамида боғланганини айтинг. Эргаш гап қандай сўроқка жавоб бўлаётганини кўрсатинг.

Бош гапда ифодаланган воқеа-ҳодисанинг рўёбга чиқишига тўсиқ бўлолмаган воқеа-ҳодисани ифодалаган эргаш гаплар тўсиқсиз эргаш гап дейилади.

Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап мазмуни бош гап мазмунига зид бўлади. Эргаш гап *нима бўлса ҳам?, нима қилса ҳам?, нима бўлганда ҳам?* сўроқларига жавоб бўлади.

Тўсиқсиз эргаш гап кесими қуйидаги шакллардан ифодаланади:

1) *ҳам ёки -да* юкламасини олган феълнинг шарт майли шаклидан: *Куш ҳали эрта бўлса-да, ҳовлини дарахтларнинг қалин сояси қоплаган. (О.Ё.)*

2) *-да* қўшимчасини ва ҳам юкламасини олган сифатдош шакли орқали: *Авлиёси келганда ҳам, айтадиган гапим шу (Ас.М.)*

Баъзан сифатдошдан сўнг *чог (пайт, вақт)* сўзи келади ва ўрни-пайт келишиги шу сўзга қўшилади: *Тўлдирган чоғда ҳам жаҳонни нурга, қуёш куча олмас сени дафъатан. (Х. О.)*

3) феълнинг буйруқ шакли орқали: *Этларимни ништар билан тилсинлар, мен сиздан ажралмайман. (Х. Х. Ниёзий)*

Баъзан эргаш гап таркибида *қанча, қанчалик, ҳар қанча* олмошлари ҳам ишлатилади: *Муқаддам ҳар қанча таъвиши чекмасин, Алимардон парво ҳам қилмасди. (Ў. Х.)*

Эргаш гап кесими вазифасида келадиган бу шакллар, айни пайтда, эргаш гапни бош гапга боғловчи восита вазифасини ҳам бажаради. Баъзан эргаш гап таркибида *гарчи* боғловчиси ишлатилади: *Гарчи изғирин шамол илгарилаб боришига халақит берса ҳам, аскарлар жасурлик билан олға ташиланарди.*

127-машқ. Кўчиринг. Тўсиксиз эргаш гапли қўшма гапларни кўчиринг, бош ва эргаш гапни аниқлаб, грамматик асослари тагига чизинг.

1. Бунақа таъкиб ва таҳкир этишлар ёш ўспирин кўнглини чўктирса-да, у аъло ўқишда давом этаверди. (А.Қ.) 2. Илгарилари Ҳилола Замиранинг хазилларига парво қилмаса ҳам, бора-бора жахли чиқадиган бўлиб қолганди. (Ў.Ҳ.) 3. Ҳаво анча юмшаган бўлса ҳам, тоғда ҳали қор қалин эди. (П.Қ.) 4. Бу саволни Азиз берган бўлса-да, Холмат ака саволни ўзи бергандай бир энтикиб олди. 5. У ерда бунақа нарсалар кўп бўлсаям, озгина олдим. (Р. Тагор) 6. Чанг осмонга чиқса ҳам, унинг қиймати ҳеч қачон ошмайди. (М. Камол)

128-машқ. Ўқинг. Берилган гапларнинг қайси бири тўсиксиз эргаш гапли қўшма гап, қайсиниси содда гап эканлигини аниқлаб ва изохлаб. Тўсиксиз эргаш гапли қўшма гапларни кўчириб, грамматик асослари тагига чизинг.

1. У олтиншларга бориб қолган, нимжон, юзи буришган бўлса ҳам, товуши майин ва ёқимли бир кампир эди. (А.Қ.) 2. Бу одамнинг ҳалоллиги ягона ё нодир ҳодиса бўлмаса ҳам, мен у кишини ҳали-ҳали миннатдорчилик билан эслайман. (М. Ис.) 3. Табиат инсонга қанот бермаган бўлса ҳам, бебаҳо ақлу идрок берган. 4. Яхшибоев гарчи оғриб турган бўлса ҳам, ўзини тетик тутиб турарди. (М.М. Дўст.) 5. Карим бу ишларни тугатишга кўзи етмаса ҳам, жон-жаҳди билан ишлади. 6. Тантаналарга қарамай, Ҳирот ҳар кунги ҳаёти билан яшайди. 7. Ердан қор кетган бўлишига қарамай, қўлмак сувларнинг бети эрталабга яқин пиёз пўстидек муз бойларди. (Журн.) 8. Кўмиб ташласалар ҳамки, барибир, руҳи ўсаверар, идроки ўсар. (Ш. Раҳ.)

129-машқ. Тўсиксиз эргаш гапли қўшма гапга тўртта мисол келтиринг ва дафтарингизга ёзинг. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситаларнинг тагига чизинг.

130-машк. Ўқинг. Тушириб қолдирилган тишиш белгиларини қўйиб тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларни кўчиринг. Эргаш гап бош гапга нима ёрдами билан бириккани ва қандай сўроққа жавоб бўлишини айтинг.

1. Фил миниб бораётган подшо одамларга жуда қудратли кўринса ҳам, аслида унинг ҳокимияти ичдан зил кетиб заифлашиб қолди. (П.Қ.) 2. Кун салқин бўлишига қарамай одамларнинг терга ботганлиги кўриниб турарди. 3. Мажлисга фақат фаоллар чакирилган бўлсаям сувнинг дарагини эшитиб бутун кишлок келди. 4. Бу гап ҳазил тариқасида айтилган бўлса ҳам, Қаландаровнинг жон-пони чикиб кетди. (А.Қ.) 5. Гарчанд тўп бошини узган бўлса ҳам, барг ёзиб шивирлаб турарди қайин. (Х.Ғ.) 6. Осмонда ой чарақлаб турган бўлса-да, унга ой нури бирдан сўнгандек туюлди. (Р.Тагор)

## 36-ДАРС

### ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

1. Гапнинг тузилиш жиҳатидан тури.
2. Қўшма гап қисмларининг миқдори.
3. Қўшма гапнинг тури.
4. Бош ва эргаш гап.
5. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар:
  - а) эргаштирувчи боғловчилар;
  - б) боғловчи вазифасидаги воситалар;
  - в) феъл шакллари.
6. Эргаш гапнинг тури.

### ТАҲЛИЛ НАМУНАСИ

Билимли, уқувли ёшлар қаерда бўлса, ўша ерда келажак порлайди.

Қўшма гап, икки қисмли қўшма гап, эргаш гапли қўшма гап, биринчи қисми эргаш гап, иккинчи қисми бош гап, эргаш гап бош гапга <sup>га</sup>-са эргаштирувчи боғловчиси ёрдамида

боғланган, эргаш гап таркибида *қаерда*, бош гап таркибида *ўша ерда* нисбий сўзлари қатнашган, ўрин эргаш гапли кўшма гап.

131-машқ. Ўқинг. Эргаш гапли кўшма гапнинг тахлил тартиби ва намунасида фойдаланиб, куйидаги гапларни тахлил қилинг.

## I

1. Яхшибоев энди кетмоқчи бўлиб турган эди, Саидкул кириб келди. (*М.М.Дўст*) 7. Илтимос қиламанки, олдин Зеби гапирсин. (*Чўлпон*) 2. Илдиз озик берса, новда кўқарар. (*Ҳ.*) 3. Гўё у осмонларга шу қадар парвоз қилдики, хақиқий кушлар унинг олдида ип эшолмай қолди. 4. Дуйшэнни қизлар жуда хурмат қилишарди, чунки у кизик-кизик ўйинлар ўйлаб топарди. (*Ч.А.*) 5. Хулоса шуки, адоват мамлакат рангида бўялди. (*А.Қод.*) 6. Султонмурод ўзини четга олмоққа тиришса ҳам, халқ тўлкини уни суриб кетди.

## II

1. Шунини айтиш керакки, бу йиллар бизга жуда муваффақиятли келди. (*Журн.*) 2. Тўйнуқдан шамол кайтариб ураётган тутун атрофни шундай ўраб олганки, узок вақт ҳеч нарсани кўра олмай турдим. (*Ас.М.*) 3. Агар Оллоҳ ирода қилган бўлса, мен бир сабабчиман. (*Т.М.*) 4. Чумчук териб кетмасин дея, уруғлар устидан тупроқ сепилди. 5. Ҳамма гап шундаки, касаллик сени эмас, сен уни енгдинг. 6. Шундай одамлар борки, улардан ҳамма чўчийди. 7. У дарвоза томон келаётганда, дала ёқдан от туёқларининг дупури, одамларнинг ғовур-ғувури эшитилди.

## 37-ДАРС

### БИР НЕЧА ЭРГАШ ГАПЛИ КЎШМА ГАП ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

#### *Топшириқни баъсаринг*

Берилган гаплардан бош ва эргаш гапларни топинг. Уларнинг боғланишига диққат қилинг.

*Баҳор келса, қуёш чарақлаб чиқса, гуллар очилса, олам нурга тўлади. Асарни зўр қизиқиши билан ўқиб, фикрим чархланиб, илмий ишни ёзишига ўтирдим. Агар бу хайрли ишимиз кишиларни қизиқтирса, давлатманд инсонлар سخоват қилса, кўприк тез кунда битади. Завод ишчиларига ҳам ашё вақтида етиб келмаса ҳам, завод иши вақтинча тўхтатилса ҳам, режа ўз вақтида бажарилди.*

**Бирдан ортиқ эргаш гап бир бош гапга тобеланиб келса, бир неча эргаш гапли қўшма гап дейилади.**

**Эргаш гаплар бош гапга қуйидагича боғланиши билан бир неча эргаш гапли қўшма гаплар ҳосил бўлади:**

**1. Тўғридан-тўғри эргашини.**

**2. Кетма-кет эргашини.**

**1. Эргаш гапларнинг ҳар бири тўғридан-тўғри бош гапга боғланса, тўғридан-тўғри эргашини дейилади.**

**Бош гапга тўғридан-тўғри бирикадиган эргаш гаплар асосан, мазмунан бир хил эргаш гаплар бўлади:** 1. *Кимки ўз ватанини севса, ким ўз халқи учун жонини фидо қилса, у қахрамон бўлади.* 2. *Компьютердан эркин фойдалана олсангиз, интернет маълумотлардан хабардор бўлсангиз, улар ҳақида муσταқил фикр юрита олсангиз, дунё воқеаларидан воқиф бўласиз.*

**2. Эргаш гаплар бири иккинчисига боғланиб, иккинчиси навбатдагисига боғланса, кетма-кет боғланиш дейилади.**

*1. Гап ўринсиз бўлгач, киши ҳар қанча уринса ҳам, ҳаракат бекорга кетади.* 2. *Байрам қатнашчилари залга кириб келганда, шундай олқишлар янградик. ўрнидан тик турмаган одамнинг ўзи қолмади.* 3. *Тўнғич ботиш шерни ўлдира олишига ишонса ҳам, укаларим безовта бўлмасин деб, тўқайнинг бир тарафига қочди.* (Эрт.)

**Бир неча эргаш гапли қўшма гап таркибидаги эргаш гаплар турлича бўлиши мумкин. Масалан:** 1. *Баҳор эрта келиб, гуллар очилса, асаларилар ҳам бол йиғади.* 2. *Синф раҳбаримиз сўз бошлаганда, ҳамма у томонга интилиб, Башорат йиғисига ҳеч ким эътибор бермади.*

**132-машқ. Гапларни ўқинг. Бир неча эргаш гапли қўшма гапларни аниқланг. Эргаш гапнинг бош гапга боғланиши усулларини изоҳланг.**

**1. Темир давлати парчаланиб, шахзодалар орасида тож -тахт учун уруш жанжаллар кизиби кетгач, бу оиланинг**

овозаси аста сўна бошлади. (О.) 2. Ярим йил ўтгач, Орзигул район касалхонасида ётган, Гулимхон эса сохил бўйидаги баликчилар кишлоғига кўчиб кетган эди. (Ч.А.) 3. Кимки ўз ватанини севса, ким ўз халқи учун жонини фидо қилса, у қахрамон бўлади. 4. Балик қорнин ёрганда, пичоқ белга борганда, чол бирдан чўчиб кетди. (Ҳ. О.) 5. Қиш эрта келиб, ҳосил қорнинг тагида қолиб кетса ҳам, режа ўз вақтида бажарилди.

**133-машқ.** Гапларни ўқинг. Бир неча эргаш гапли қўшма гапларни кўчиринг.

1. Ўт тушса ҳам, бўрон бўлса ҳам, ўз сўзидан чиқарди ҳар гал. (Шукрулло) 2. Бўтабой ака бунинг сабабини ҳарчанд айтмоқчи бўлса ҳам, хотинининг гапи қулоғидан кетмай, сира тили айланмади. (А.Қ.) 3. Иш тамом бўлгач, болалар овқатланамиз деб, шийпон томон йўл олдилар. (Ҳ.Н.) 4. Катта курашларда елкаси ер ўпмай, халқнинг олқишига сазовор бўлганда ҳам, бошини қуйи солиб, жимгина уйга қайтарди. (О.) 5. Кенгаш гугаб, одамлар тарқалаётган пайтда, Саида деразадан Қозимбекни кўриб қолди. (А.Қ.) 6. Ақл бердим, ёв босганда,  
Енгишга йўл топсин деб. (Достондан)

**134-машқ.** Ўқинг. Бош ва эргаш гапларни аниқланг.

1. На уфқ ўрамай ёқут зар, на булут силқитмай олтин пар... Жонтемир қуюқ бир завқ билан турарди. (У.)  
2. Тақдирим ёр бўлса-ю,  
Фурсат қулай келса-ю,  
Сени агар ўлдирсам,  
Танингда ханжар урсам,  
Дунёда энг бахтиёр  
Одам бўлардим номдор. (Ҳ.О.)  
3. Дарахтлар кўқарса ва қирлар, майсалар яшнаса, бу жойлар жуда гўзал бўлади. (С.А.)  
4. Тер тўкиб сочсанг уруғ,  
Ер сени қўймас қуруқ. (М.)

5. Йўлчи хайрон бўлиб аланглаб юрганда, ишком ораси шитирлаб, кизнинг титроқ хаяжонли овози келди. (О.) 6. Саллангиз шундай катта ва оғирки, агар бу ерга илсангиз қозик синар ва мунгилар тушиб тупрокка булғонар эди. (С. Айний) 7. Шоир демокчики, булутдан ёмғир ёғади ва бу ёмғир сувларидан гул униб чиқади. (О.) 8. Жаҳли чиққанидан кўзлари хиралашиб кетгандай бўлди, гўё кимдир унинг устига тегирмон тоши қўйган -у, ўша кишига ғазаб қилаётгандай кўринарди.

## 38-ДАРС

### БИР НЕЧА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАРДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Бир неча эргаш гапли қўшма гап таркибидаги эргаш гаплар бош гапдан, шунингдек, ўзаро бир-биридан кўпинча вергул орқали ажратилади:

*Гар қоплаёса ҳам ўлкани ёнгин,  
Ёзган бўлса ҳамки, ўлим қанотин,  
Гарчи бало, офат, даҳшат, мусибат,  
Ёнган гулзорларда чопса ҳам отим,  
Мен баҳор қўшигин куйлайман дадил.* (У.)

*Тўйхонага қайтиб келганимда, ҳамма тарқаб бўлган, ҳовлида уй эгалари ва бир-иккита нотаниш кишилар қолганди. Кишининг ёлгончилиги машҳур бўлиб қолган, у ҳар қанча чин гапирса ҳам, кишилар ишонмайдиган бўлиб қолади.*

135-машқ. Қуйидаги гаплар орасига тиниш белгилари кўйинг ва сабабини тушунтиринг.

1. Куз келгач пахта режаси тўлса катта тўй киламиз.  
2. Шу савол бошига келганда кўзига тўсатдан Қанизақ кўришиб Сиддиқжоннинг юраги ўйнаб кетди. (А.Қ.)  
3. Тўлаган ака қаерга бормасин бинокорликдан сўз очишни қандай мажлисда бўлмасин шу тўғрида бирор масала кўйилишини хоҳлар эди. (А.Қ.) 4. Ёзнинг кучи кетиб ҳаво

бир оз салқинлаган бўлса ҳам қуёш ҳали ҳам кишининг бошидан олов куйган каби куйдирар эди. (О.) 5. Одамлар нима деган бўлса ҳаммаси рост бу гаплар қай хилда айтилган бўлмасин хусуматдан эмас чунки ҳамма суюниб эмас, куйиниб гапирди.

136-машқ. Берилган матидан бир печа эргаш гапли қўшма гапларни топиб кўчиринг.

Фарход у тошотарни кўриб, тошотарни эмас, кимсан Ахраман девни кўриб, олдида унинг хор-зор бўлиб ётганига, оёқ кўли бутунлай ишдан чиққанига назар ташлаб, унинг бошига девсифат отини сакратиб борди. Белига осган қиличини суғуриб, худди чакиндай тиг тортди-да, бир зарб билан унинг ишини тугаллади.

Сўнг паҳлавон Рустам каби, отини эшикка боғлаб, девнинг қасрига қараб юрди. Кўлида девнинг бошини узган, қон тўкувчи қиличини ушлаб, қаср ичига шаҳдам қадамлар билан кириб борди. Қаср бамисоли жаҳон ичида яна бир жаҳондек кенг эди. Қайси томонга қараманг, олам - жаҳон қимматбаҳо ашёлар ётарди. Ҳар томонга саноксиз эшиклар қурилган бўлиб, у эшикларга темир кулфлар урилган, девордай маҳкам эди. Ҳар қайси эшикка эса бу уйда қандай очик ёки кўмилган хазина борлиги ёзиб қўйилган эди. (А.Н.)

137-машқ. Мустақил ўқиган бадий асарларнингиздаги олтига бир печа эргаш гапли қўшма гапларни топиб кўчиринг. Тиниш белгиларининг қўйилишига эътибор беринг.

138-машқ. Берилган гапларни ўқиб, тиниш белгиларининг қўлланишига эътибор беринг.

1. Одамлар шундайки, бор нарса аста-секин йўқолса ҳам пайқайди, лекин йўқ нарса аста-секин пайдо бўлса пайқамайди. (А.Қ.) 2. Бирмунча тарих аҳллари Фукидид изидан бориб, унинг ишларини давом эттиришга уринадилар-у, бироқ воқеаларни сиёсий жиҳатдан тўғри таҳлил қила олмайдилар (Журн.) 3. Полемон Гликерадан

қанча аччикланмасин, юракдарларини таркатишга нечоғли уринмасин, севимли кизни асло унутолмайди (*Жури.*) 4. Хом ва тадбирсиз балик эса ўзини йўқотиб, у ёқдан бу ёқка кочиб юрар, гоҳо сув остига шунғир, гоҳо юзага чиқар эди. (*«Калила ва Димна» дан*) 5. Гилам тўкийдиган энг мохир устага шоир бўлиб тушдим, шу хунарни ўрганишга ғайрат билан киришиб, ниҳоят гилам тўқишда мохир уста бўлиб етишдим. (*Ривоятдан*) 6. Довонга етганимизда қаттиқ шамол туриб, қоп-қора булутларни қаршимизга ҳайдаб келди, олдин ёмғир томчилади, кейин қор ёғди. (*Ч.А.*)

**139-машқ.** Берилган бир неча эргаш гапли кўшма гаплар қисмларининг ўзаро бирикшини тушунтириг.

1. Баҳор келиб, кунлар илгич, дарахтлар яшил япроқлар билан қопланди. 2. Офтоб баландроқ кўтарилди-ю, булутлар тарқаб, тоғларда ҳам ҳаво очилиб кетди. 3. Кўклам яқинлашди, қор эримокқа бошлаб, унинг тагида беркиниб ётган лой ва курумлар чикиб қолди. 4. Эсларига негадир отлари тушар, улар қаровсиз қолгандай туюлиб, юраклари ачишарди. (*О.Ё.*) 5. У хирмонга яқинлашганда қадамини ҳар қанча шарпасиз босса ҳам, Фуломжон сезиб, ашуласини тўхтатиб қўйди. (*М.Ис.*) 6. Назокат унинг овозини эшитмади, чунки хаёли Пўлатжонда, кўзи узоқларда ёнган чирокларда эди. (*С.А.*)

## 39-ДАРС

### БОҒЛОВЧИСИЗ ВА ТУРЛИ БОҒЛОВЧИЛАР ВОСИТАСИДА БОҒЛАНГАН ГАПЛАРДАН ТУЗИЛГАН АРАЛАШ ТУРДАГИ ҚЎШМА ГАПЛАР

#### *Топшириқни бажаринг*

1. *Йўлчи уй эшигини очиб, кўзлари бойнинг ўқрайган кўзларига учрашди, лекин у лоқайдлик билан тиз чўкди.* (*О.*) 2. *Ақли одамлар ҳаминча ҳушёр бўлиб, ҳодисалар жисловини ўз қўлида сақлайдилар, шунинг учун хавfli гирдобга тушмасдан соҳилга етиб борадилар,* (*«Калила ва Димна» дан*)

Таркибида эргашган, боғланган ва боғловчисиз қўшма гаплар иштирок этган гаплар аралаш турдаги қўшма гаплар дейилади.

*Кўча эшигини махкам занжирлаб, қоронги уйда энди олдимизга ошни олганимизда бирдан гурсиллаб, талай одам девордан ошиб тушди ва кўча эшигини очиб юборди. (А.Қ.)*

**Э с л а т м а:** Аралаш турдаги қўшма гаплар тўрт ва ундан ортик содда гаплардан ҳам ташкил топади:

*Бемор ўз табибин душман деб билса,*

*Бола муаллимга адоват қилса,*

*Улар ўз эсонига аслида ёвдир,*

*Ақду эсон йўлига ўзлари говдир. (А.Ж.)*

**140-машк.** Берилган гапларни ўқиб, аралаш турдаги қўшма гапларни топинг.

1. Гуллар ишқ ҳақида куйласалар, кушлар садоқат ҳақида чуғурлашиб баҳо килишар, гуллар Наргисга тасалли берсалар, булбуллар чағ-чағлаб, Бамбурни гуллар боғига чакирардилар. *(Ш.Р.)* 2. Шу ерда оломон иккига бўлиниб, бир неча хиссага кўпайишди ва кечгача ур-йиқит бўлибди. 3. Даданг келса, сен кетгин; лекин мен бора олмайман, чунки дарсим бор. 4. Бу ерда уни яхши хушлашмади, қанча уринган бўлса ҳам. 5. Тун шу қадар ойдин эдики, топиларди игна йўқолса. *(У.)* 6. Куз келиб, барги сарғайиб, меваси тўкила бошлади. 7. Ҳиндлар Дашера байрамининг тўққиз куни мобайнида Дургага ибодат қиладилар ва рўза тутадилар, очларга овқат улашадилар. *(Рамаёна)* 8. 1446 йиллар Абулхайрхон Шохрухнинг оғир аҳволини кўрди ва Мўғилистоннинг сиёсий тарқоқлигидан усталик билан фойдаланиб, Сирдарёнинг ўрта оқимини икки қирғоғидаги бир катор кальаларни босиб олди. *(Б.Аҳмедов)* 9. Катталар қанча ишласа, болалар ҳам шунча ишлар эди, бироқ хўжайин болаларга кам ҳақ тўларди. *(С.А.)* 10. Осмондаги булутлар тез-тез сузиб кетаётса ҳам, лекин оралар кенг-кенг очилиб қолганидан, офтоб нури денгиз устини ярқиратади. *(О.)*

**141-машк.** Берилган парчани ўқинг. Аралаш турдаги қўшма гапларни топиб кўчиринг.

Сергий айрилиқ шу қадар оғир бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган, хаётида биринчи марта ҳамманинг кўз олдига видолашаётган эди. Жигар бағри эзилаётган эди, шунга қарамасдан ёнма-ён қадам ташлаётганлар каби ўзини тетик тутишга ҳаракат қилар, учрашганларнинг ҳаммасига “чидаймиз” дегандай кулиб боқар, қўлларини силқир эди. Илож қанча? Унинг ачинган яна бир жойи бор эдики, ҳамма билан хайрлаша олмаган эди –ота-оналари кексайиб қолишган, у фарзандлардан энг кичиги эди. Катта опаси Қозоғистонда, Хитой билан чегарада, чегара соқчилари орасида яшарди. Иккинчиси, Вероника шу ерда, Саратовда туради, унинг эри фронтда, тирикми, ўликми номаълум. Верониканинг чакалоғи бор, ўзи ишга кетганда қараб турсин учун онасига ташлаб кетади, онаси бечора кейинги пайтларда нима учундир бирдан қариб қолди, касалманд отаси Воронцов Николай Иванович бутун умри бўйи Волга нефть конларида бухгалтер бўлиб ишлаган, ўша кунлари касалхонада ётган эди. Вероника бу воқеалар хақида Сергейларнинг шаҳар ёнидаги лагерига ҳарбий қисмнинг дала почтасига ёзган эди. Бу ерда улар кеча-ю кундуз ҳарбий машқ қилаётган эдилар. Ота-оналарнинг келиши таъқиқланган эди, шунинг учун Вероника бу хатларда бошларидан кечирганларини, ишга бориб уй хизматларини қилиб ва касалхонадаги отасининг олдига бориб улгурганидан тортиб қанчалик кийналганларининг ҳаммасини ёзиб турар эди. У ҳардоим тиниб-тинчимайдиган, ҳамма учун ташвиш тортадиган куйди-пишди қиз эмасми. Сергей опасини очик кўнгил, жуда самимий эканлиги, борини яширмай-нетмай ёзгани учун яхши кўради. Бирок Сергей опасининг охириги хатига жавоб бермади ва нима деб жавоб қайтаришини билмай ҳам қолди – бу хат унга жуда ноҳуш таъсир қилди. (Ч.А.)

142-машқ. Ўзингиз мустақил равишда бир нечта аралаш турдаги қўшма гаплар тузинг, улардаги бириктирувчи воситаларни аниқлаб.

143-машқ. Гапларни кўчиринг. Аралаш қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг турини айтинг.

Навоийнинг “Ҳамсатул-мутаҳаййирин”да ёзишига қараганда, Навоий бир куни Ҳусайн Бойқаронинг сафардаги чоғида, Жомий билан учрашиб, саройдан бутунлай кетишга қарор берганини айтади. Аммо шуниси аниқки, Ҳусайн Бойқаро ўзи ҳам тахтни қўлда тутишга манфаатдор бўлганлиги сабабидан, Навоийнинг давлат бобидаги бу тадбиркорлигини жуда кадрларди ва улардан керагича фойдаланарди. “Макоримул-ахлоқ”дан кўринадики, Навоий мамлакатни тинч тутувчи катта обрўлардан бири бўлгани учун, Ҳусайн Бойқаро уни саройда тутишга ҳаракат қилган ва ҳатто унинг ҳажга кетишига ҳам розилик беришдан кўрққан. Навоий ўз хўжалигида кишиларни инсоф билан ишлатиб, ундан деҳқонларни, чоракорларни ҳам таъмин қилган ҳамда хўжаликдан унган даромадни ўқув юртларига, илмга ва санъаткорларни таъминлашга, буқои хайрга (омма манфаати учун бинолар қуришга) ишлатганини ёзади. Бошқа амирлар ўзларининг хўжаликларида деҳқонларни чексиз эксплуатация қилиб, катта бойликларни ундирса, Навоий ўз эҳтиёжларини ҳам чегаралаб, кўп хизматчи ва навкарлар сакламасдан, ўртача бир фуқародек яшаб, ўзининг бутун мулкни халқ саодати учун сарф қилар эди. *(Хондамир)*

#### 40-ДАРС

### АРАЛАШ ТУРДАГИ ҚЎШМА ГАПЛАРДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Қўшма гапларнинг қисмлари бир-бири билан боғловчилар орқали, боғловчисиз (оҳанг) ҳамда боғловчи воситалар орқали боғланади. Аралаш қўшма гап таркибидаги эргашган қўшма гаплар ҳам, боғланган қўшма гаплар ҳам вергул билан ажратилади. Масалан: *Бу воқеа ҳеч қутилмаган бўлса ҳам, унинг хотирэсам чехриси ўзгармади, томирлари бўртиб чиққан ҳолсиз қўллари хиёл титради.*

**Э с л а т м а:** Аралаш турдаги қўшма гаплар таркибидаги бош ва эргаш гаплар орасида нуктали вергул (;), тире (-), икки нукта (: ) хам ишлатилади.

**144-машқ.** Гапларни ўқинг. Тиниш белгиларининг қўлланиш сабабларини тушунтиринг.

1. Савдогар Ҳалаб шаҳрига келган вақтида, Мовароуннаҳрга бориш фикридан қайтиб, хожазоданинг ҳам кетишига тўсқинлик қилди ва ундан пулини қайтариб беришни талаб қилди. (*Хондамир*) 2. Сиз дўзахни тўзғитиб қўйиб, болаларингиз олдига жўнайсиз-кетасиз, лекин биз бу ерда бор-йўғимиздан айрилиб қоламиз. 3. Ёвлар кўзғалса, биз ҳеч қараб тура олмаймиз, кеча демай, кундуз демай қирамиз. (*Ҳ.О.*) 4. Ўз даври идеалларидан кўнгли қолган, ижтимоий турғунликка маҳкум бўлган, аммо ҳаётини бойитишни истаган одам дилидаги шубҳа-ю, гумонларга жавоб топиш учун тарихга мурожаат қилади. 5. Жамият бухрони даврида, инсон ўзининг омма билан уйғунсизлигини сезар экан, у мана шу маънавий уйғунликни ўтмишдан топишга уринади. 6. Қайси бир банданинг молига зулм билан хиёнат қилинса-ю, у унга сабр айласа, албатта, Тангри унинг иззат ва шарафини зиёда этади. (*Ҳадисдан*)

**145-машқ.** Асардан олинган парчани ўқинг. Қўшма гапларни топиб, турини аниқлаш ва тиниш белгиларининг иш атилиш сабабларини тушунтиринг.

Куз фасли... Қишлоқларда йиғим-терим ишлари кизиб кетган эди, ҳар бир деҳқон ёмғир ёғиш ва қиров тушишдан бурун ўз ҳосилини йиғиб-териб олишга ҳаракат қилмоқда, ҳатто баъзи қишлоқларда йиғим-терим ишини тугатиб, туёқли молларни далага хайдамоқда эдилар.

Факат Сангсабз билан Бўлмаҳўрон қишлоқларида явон дала ҳосил бўлгани ҳолда, йиғим-терим ишларида оз киши ишлар эди, халқнинг кўпчилиги бўлса, Арбоб Рўзи дарвозаси остида бировнинг жанозасига келгандай қайғули бир вазиятда ўтирар эди.

Аммо Арбоб Рўзи ҳовлисида бирор киши ўлган эмас, у ерда йиғи- сиғи овози ҳам эшитилмас эди, аксинча, у ердан одатда тўйхоналарда бўладигандай шодлик, кулги-ашула, кизиқчилик товушлари эшитилар эди.

Ҳақиқатда, Арбоб Рўзи ҳовлисида тўй бўлаётган бўлмаса ҳам, “тўй” дейишга арзийдиган бир катта зиёфат барпо бўлган эди, бу зиёфатдаги меҳмонларнинг “гули” кори-Ишкамба билан қози калоннинг Гала Осиёдаги ноиби бўлиб, уларнинг атрофида тўпланганлар ва уларнинг “шарофати” билан зиёфатга чақирилганлар – Сангсабз ва Бўлмаҳўрон кишлоқларининг “катталари” эдилар. (С.Айн.)

146-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини аниқланг.

1. Қўшма гапнинг турини аниқланг. *Дастлабки вақтларда ёрдам берсангиз, ишлар жўнашиб кетгандан кейин, унча оғирлигим тушмас.*

- А. Аралаш қўшма гап.
- Б. Бир неча эргаш гапли қўшма гап.
- В. Мақсад эргаш гапли қўшма гап.
- Г. Боғланган қўшма гап.
- Д. Мураккаб қўшма гап.

2. *Балиқ қорнин ёрганда, пичоқ белга борганда, чол бирдан чўчиб кетди.* Гапда қандай эргаш гаплар уюшган ?

- А. Ўрин.
- В. Мақсад.
- Б. Аниқловчи.
- Г. Пайт.
- Д. Сабаб.

3. *Сариқ оқсоқол гапирётганда, ҳамма у томонга интилиб, раис билан агрономга ҳеч ким эътибор бермай қўйди.* Қандай эргаш гаплар бош гапга кетма-кет боғланипти?

- А. Пайт эргаш гап – сабаб эргаш гап – бош гап.
- Б. Шарт эргаш гап – тўсиқсиз эргаш гап – бош гап.
- В. Пайт эргаш гап – шарт эргаш гап – бош гап.
- Г. Ўрин эргаш гап – тўсиқсиз эргаш гап – бош гап.
- Д. Мақсад эргаш гап – натижа эргаш гап – бош гап.

4. Кетма - кет эргашини йўли билан ҳосил бўлган бир неча эргаш гапли қўшма гапни аниқланг.

А. Кимки ўз Ватанини севса, ким ўз халки учун жонини фидо қилса, у қахрамон бўлади.

Б. Шуни истардимки, қасос шамшири қонхўр жаллоднинг бошини олса.

В. Назокат унинг овозини эшитмайди, чунки унинг хаёли Пўлатжонда, кўзи узоқларда ёнган чироқларда эди.

Г. Кечаси шамол тинди, йўл азобидан хориган кишилар каттик уйқуга кетдилар.

Д. Гоҳ жаҳлим чиқади, гоҳ қулгим кистайди.

**5. Аниқловчи эргаш гаплар уюшган бир неча эргаш гапли қўшма гапни аниқланг.**

А. Биласанми, ерларимиз Қизилқумга чегарадош, Қизилқум эса Қорақумга тарқалади.

Б. Одам қариса ҳам, юз бўлса ҳам ёш, осмонга етади сен силаган бош.

В. Қизимнинг яна бир яхши томони шундаки, кўли очик, дили покдир.

Г. Тонг ёришгач, барча уйқудан уйғонганда, маҳалла оксоқоли катталарни тўплагач, воқеа барчага аён бўлди.

Д. Жавоблар нотўғри.

**6. Аралаш турдаги қўшма гапни аниқланг.**

А. Дарахтлар кўқарса, майсалар яшнаса, бу ерлар ҳам чиройли бўлади.

Б. Шундай одамлар борки, уларнинг номи ҳамма вақт инсоният хотирасида сақланиб қолади.

В. Ойкиз узоқ уйга ботди, кўзларини узоқларга тикди, нимадир эсига тушгандай бўлди.

Г. Шуни айтмоқчи бўламанки, у вақтда камбағал нон деб бош кўтарса, бой муштумзўр қон деб кўтарар эди.

Д. Машина катта йўлга чиқиб, бекат кўздан ғойиб бўлганда, шамол яна кучайди.

**7. Кеч қирғач, улар уйга келишганда, ҳали қуёш ботмаган, ҳаво ниҳоятда дим эди. Гапнинг турини аниқланг.**

А. Натижа эргаш гапли қўшма гап.

Б. Сабаб эргаш гапли қўшма гап.

В. Бир неча эргаш гапли қўшма гап.

- Г. Пайт эргаш гапли кўшма гап.
- Д. Аралаш турдаги кўшма гап.

**8. Шеър кўшма гапнинг қайси турига мансуб ?**

*Хур ўзбек халқининг олган толеин  
Ҳинд, Афғон, Эронда қилсак ҳикоя;  
Шўрлик мазлумларга далда бўлади,  
Дилида дармону қувонч ҳимоя.*

- А. Бир неча эргаш гапли кўшма гап.
- Б. Аралаш турдаги кўшма гап.
- В. Тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гап.
- Г. Натижа эргаш гапли кўшма гап.
- Д. Мақсад эргаш гапли кўшма гап.

**9. Таркибида ҳам эргашган кўшма гап, ҳам боғланган кўшма гап иштирок этган гаплар ... кўшма гаплар дейилади. Қонда кўшма гапнинг қайси турига тегишли ?**

- А. Бир неча эргаш гапли кўшма гап.
- Б. Боғланган кўшма гап.
- В. Эргашган кўшма гап.
- Г. Аралаш турдаги кўшма гап.
- Д. Боғловчисиз боғланган кўшма гап.

**10. Кўкда парвоз этса лочин, ерга киргай зоглар; кишнаган от ўтса чўлдан, кўзгалур тупроқлар; қонга тўлгай жангга ботир кирса сўлу соғлар. Жумла кўшма гапнинг қайси турига киради ?**

- А. Тўсиқсиз эргаш гап.
- Б. Тўлдирувчи эргаш гап.
- В. Аралаш турдаги кўшма гап.
- Г. Бир неча эргаш гапли кўшма гап.
- Д. Боғланган кўшма гап.

**Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Қандай гаплар бир неча эргаш гапли кўшма гаплар дейилади ?
2. Бир неча эргаш гапли кўшма гапларнинг қисмлари бир-бирлари билан қандай муносабатда бўлади ?
3. Ҳар хил эргаш гаплардан тузилган бир неча эргаш гапли кўшма гаплар тузинг.

4. Эга эргаш гаплар уюшган, кесим эргаш гаплар уюшган, пайт эргаш гаплар уюшган бир неча эргаш гапли кўшма гаплар хосил килинг ва дафтарингизга ёзинг.

5. Таркибида 4-5-6-содда гаплар мавжуд бўлган бир неча эргаш гапли кўшма гаплар тузинг.

6. Аралаш турдаги кўшма гапларга мисоллар келтиринг. Таркибидаги гапларнинг турини аниқланг.

7. *От шундай учқурки, бошимни кўтариб қараганимда, қаёққадир гойиб бўлди.* Кўшма гапнинг турини аниқланг.

8. *Бу гап кутилмаган бўлса ҳам, Мирҳомидхўжаининг ёшига муносиб равишда таранг ва тиниқ қизил юзи оқаришиди, оқ оралаган чўққи соқоли хиёл титради.* Ушбу гапнинг боғланиш схемасини чизинг.

9. Аралаш турдаги кўшма гапларда тиниш белгиларининг ўрни хақида гапиринг.

10. Бир неча эргаш гапли кўшма гап билан аралаш турдаги кўшма гапнинг бир-биридан фарқини ва умумий томонларини кўрсатинг.

## 41-ДАРС

### ТИЛ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ.

### ТИЛНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Тил инсонга хос бўлган ҳодисадир. У кишилар ўртасидаги муҳим алоқа воситаси саналади. Демак, тил жамият билан боғлиқ ҳодисадир. У жамиятнинг алоқа қилиш эҳтиёжи билан пайдо бўлади. Жамият билан биргаликда ривожланади. Жамият сўнса, тил ҳам ўлади. Масалан, санскрит, лотин, қадимги турк каби тиллар. Бу тилнинг жамият билан боғлиқ ижтимоий ҳодиса эканлигини кўрсатади. Тил фикр ифодалаш воситаси бўлиб, тафаккур билан ўзаро ажралмасдир.

Тилсиз тафаккур, тафаккурсиз тил бўлмайди. Тил тафаккурни моддийлаштирувчи, юзага чиқарувчи восита саналади.

Тафаккур ривожланиши билан тил ҳам ривожланади, ҳар бир янги тушунчани ифодалаш учун айрим сўз, ибора ва гаплар қўлланилади.

Тилнинг ички тузилиши поғонавий табиатга эга бўлиб, ҳар бир поғонага хос бирлик ўзидан бир даража қуйи поғона бирликларидан ташкил топади. Масалан, сўз товушлардан, гап сўзлардан ташкил топади.

Дунёда 1300га яқин халқ ва элатлар бўлиб (тахминий ҳисобга кўра), 3000га яқин тил мавжуд. Баъзи тиллар кенг камровли бўлса, баъзиларида ниҳоятда кам киши сўзлашади (масалан, камасинлар – 200, қарагаслар – 600). Англия, Америка, Канада халқлари, асосан, инглиз тилида сўзлашадилар. Мексика, Куба, Чили каби 20дан ортиқ мамлакатда испан тилида сўзлашадилар. Хитойда инглиз, хинд, испан, рус, француз тилларида ҳам жуда кўп кишилар сўзлашадилар. Буьдан хулоса шуки, бир тил икки ёки ундан ортиқ миллатга хизмат қилиши мумкин. Тилларнинг яна бир жиҳатларидан бири улар бир-бирларига таъсир этади, бир тилдан иккинчи тилга сўз ва иборалар ўтади, бир миллат ёзуви асосида бошқа миллат ёзуви келиб чиқади.

Тил жамият билан боғлиқ экан, демак, жамият ривожланган сари жамият онги ва тили ҳам ривожланиб боради. Жамият таракқиётидаги ўзгариш тилда ҳам маълум даражада ўз таъсирини кўрсатади. Бу, айниқса, тилнинг лексикасида ўз ифодасини топади. Маълум эски тушунчаларнинг ҳаётдан чиқиб кетиши ва янги тушунчаларнинг кириб келиши лексикада намоён бўлади. Масалан: *фонус, безгак, қўқон арава, олачук, ўғир* сингари сўзлар XIX асрларда кенг ишлатилган бўлса, ҳозирги ўзбек тилида бундай сўзлар истеъмолдан чиқиб кетди. Шу билан бирга, янги тушунча ва предметларни ифодаловчи бир қатор янги сўзлар пайдо бўлди. Масалан: *қанотли ракета, кичик корхона, тижорат*.

Тилда яна шундай сўзлар ҳам бўладикки, улар умумхалқ сўзлари бўлиб, барқарор хусусиятга эга. Масалан: *сув, ер, қўл*.

куз ва бошқалар. Бундай сўзлар тилнинг барқарорлигини таъминлайди.

Қисман бўлса-да, ўзгариш тилнинг грамматик қурилишида, фонетик таркибида ҳам кузатилиши мумкин. Лекин грамматик қурилишда, айниқса, фонетикада ўзгариш жуда секин бўлади.

**147-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб бериш.

- Тил қандай ходиса?
- Дунёда тахминан қанча тил мавжуд?
- Хитойда кишилар қайси тилларда сўзлашадилар?
- Америкаликлар қайси тилда сўзлашадилар?
- Қандай сўзлар эскирган сўзлар ҳисобланади, нима учун?
- Қандай сўзлар янги сўзлар ҳисобланади?

**148-машқ.** Янги сўزلарни аниқлаш ва кўчириб ёзинг. Маълосини тушунтириш.

1. Пуркагич ва чанглагичлар ёрдамида узум тоқларига минерал дори сепилди. 2. Опам чанг тозаловчи машинадан фойдаланиб гилам тозалади. 3. Тижорат учун янги ерлар танланди. 4. Каримнинг амакиси шаҳардаги савдо биржасининг бошлиғи. 5. 31 март куни вилоят марказида «Ишбилармон тadbиркорлар ассоциацияси»нинг навбатдаги мажлиси ўтказилди. 6. Республика тест марказининг очилиши муносабати билан коррупцияга қарши кураш гуруҳи ҳам иш бошлади. 7. ҚР Давлат мутахассис хизматининг жанубий худудий ваколатхонасининг етакчиси илғор мутахассислар тайёрлаш бўйича янги дастур ишлаб чиқди.

**149-машқ.** Берилган матидан эскирган сўزلарни тошинг ва кўчириб ёзинг. Маълосини тушунтириш.

1. Қўшинда Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдулатиф бош саркарда эди. 2. Баковул нонуштани тоғиб кўриб, подшоҳ олдиға олиб кирди. (П.Қ.) 3. Мешқобчи секин тўхтади ва

мешкобдан сув олиб узатди. (О.) 4. Китобдор ҳар куни китобларни саралар, чангини артиб яна ўз жойларига қўяр эди. (Мирм.) 5. Кабутарбон шоҳ Умар Шайх Мирзо учун энг чиройли кабутарларни танлаб, учиршига тайёрлади. (П.Қ.)

150-машқ. Икки устунда берилган сўзларни кузатинг. Қайси устундаги сўзлардан кўпроқ қўлланамиз?

қози	суд
шоҳ	президент
чопар	элчи
рухоний	диндор
ҳаттот	чиройли ёзувчи
табиб	шифокор
оға	ака
ёв	душман
тарихнавис	тарихчи

151-машқ. «Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши» мавзусида режа тузиб, конспект ёзинг.

## 42-ДАРС

### ДУНЁДАГИ ТИЛЛАР

Дунёда катта-кичиклиги турли даражада бўлган уч мингга яқин тил мавжудлиги маълум. Шулардан 13 таси энг йирик тил ҳисобланиб, уларнинг ҳар бирида эллик миллион ва ундан ортиқ аҳоли гаплашади. Улардан рус, инглиз, хитой, француз, испан, араб тиллари расмий халқаро тил ҳисобланади.

Тахминий маълумотга кўра, 25 миллионга яқин киши учун ўзбек тили она тили ҳисобланади.

Даврлар ўтиши билан тиллар ҳам жамият билан биргаликда ривожланиши ёки маълум жамиятнинг бошқа жамиятга қўшилиб, унга сингиб кетиши натижасида истеъмолдан чиқиши мумкин. Ҳозирги кунда қўлланилиш

ёки қўлланмаслигига кўра тиллар тирик ва ўлик тилларга бўлинади.

Ҳозирги кунда маълум бир жамиятнинг алоқа воситаси бўлиб хизмат қилаётган тил тирик тил саналади. Масалан: ўзбек, козоқ, қирғиз тиллари ва бошқалар.

Маълум бир жамиятнинг алоқа воситаси бўлиб хизмат қилмайдиган, фақатгина ёзма ёдгорликлар орқалигина маълум бўлган тил ўлик тил саналади. Масалан: лотин тили, қадимги туркий тил, сўғд тили, қадимги ҳинд (санскрит) тили, қадимги славян тили ва бошқалар.

Дунёдаги тиллар луғат таркиби, грамматик қурилиши бир-бирига яқин бўлган бир қанча гуруҳларга бўлинади. Бундай гуруҳлар тил оилалари дейилади. Масалан: Туркий тиллар оиласи, славян тиллари оиласи ва бошқалар.

Ўзбек тили уйғур, козоқ, туркман, татар, бошқирд, ёкут, хакас, озарбайжон тиллари қабилар туркий тиллар оиласига киради.

Ҳар қайси оиллага мансуб бўлган тиллар қачонлардир бир умумий тилдан тарқалган тиллар саналади. Бу тилларнинг келиб чиқишига асос бўлган ва ҳозирги кунда ишлатилмайдиган тил бобо тил ҳисобланади. Бизнинг бобо тилимиз туркий тилдир.

Тил оилалари ва гуруҳлари қандай келиб чиққан?

Тил тарихи шу тил эгаси бўлган жамият тарихи билан узвий боғлиқ. Шундай экан, бу саволга ҳам жамият тарихи асосида жавоб бериш мумкин бўлади.

Маълумки, тил ибтидоси ибтидоий жамият – уруғчилик билан боғлиқ. Уруғчилик – бу кишилиқнинг ибтидоий синфсиз жамияти. Бу жамиятнинг тили эса уруғ тилидир. Бир неча уруғ бирлашиб, қабила иттифоқини, бир неча қабила иттифоқлари эса элатни, элатлар эса халқни вужудга келтирди.

Тарихдан қабилаларнинг бирлашганигина эмас, балки бўлигани ҳам маълум. Қабилаларнинг турли ҳудудларга бўлиниши маълум давргача тил бирлигини сақлайди. Лекин

даврлар ўтиши билан улар ўртасида фарқ ҳосил бўлади ва борган сари бу фарқ кучая боради. Асрлар оша бу фарқ кучая бориб, мустақил тил даражасига етади. Шу билан бирга, умумий хусусиятларини ҳам саклайди. Бундай умумийлик асоси бобо тилга бориб тақалади.

**152-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Тил оиласи деганда нимани тушунасиз?
2. Қандай тил оилаларини биласиз?
3. Ўзбек тили қайси тил оиласига киради?
4. Бобо тил деб қайси тилга айтилади?
5. Ўлик тил деганда нимани тушунасиз?

**153-машқ.** Тирик ва ўлик тилларни ўқитувчингиз ёрдамида аниқлаб, икки устунга ёзинг.

Қорачой, тува, қадимги славян тили, лотин тили, серб, татар, голланд, араб, португал, қадимги форс тили, курд тили, албан, молдован, қадимги хоразмий, гагауз, фин, уйғур, испан, инглиз, ўзбек, нўғай, исланд, хакас, швед, чех, балқар.

**154-машқ.** Халқаро тилларни аниқлаб ёзинг.

Инглиз, португал, немис, рус, француз, араб, венгер, ингуш, румин, турк, испан, карталий, хитой, авар, эстон, шотланд.

**155-машқ.** Қуйида берилган тиллардан туркий тилларни аниқлаб.

Чуваш, олтой турклари, молдован, уйғур, италян, озарбайжон, татар, гагауз, нўғай, хакас, португал, швед, ёкут, мўғул, кумик, бошқирд, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, ўзбек, қарағас.

## ҚИРҒИЗ ТИЛИ – РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ТИЛИ

СССР парчаланиши натижасида истиклолни қўлга киритган республикамиз ўз давлат тилига эга бўлди.

Ҳар бир мустақил республика ўзининг давлат тилига эга бўлиши натижасида ўқиш давлат тилидан бошқа тилларда юритиладиган мактабларда давлат тилининг ўқитилиши энг муҳим масалалардан бирига айланиб қолди. Шунинг учун ҳам Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон республикаларининг ўзбек мактабларида шу республикалар давлат тилларини ўрганишга амалий эҳтиёж пайдо бўлди. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, давлат тилини ўрганиш катта сиёсий аҳамият касб этади.

Энг қадимий туркий тиллардан бири қирғиз тилидир. Бу тилда машҳур маданий бойликлар яратилган.

1989 йилнинг 23 сентябрида Қирғизистонда «Давлат тили тўғрисида» Қонун қабул қилиниб, унга қирғиз тилининг давлат тили деб эълон қилинишини республикадаги барча миллат вакиллари қувонч билан қарши олдилар; қирғиз тили республикада яшовчи халқларнинг ўзаро алоқа тилига айланди.

«Давлат тили тўғрисида»ги Қонунда айтилганидек, Қирғизистон республикасида жойлашган барча корхона, ташкилот ва муассасаларда ички иш қоғозлари давлат тили – қирғиз тилида юритилади. Бунинг учун эса ўз-ўзидан халқ таълими соҳасида ҳам бу тилни ўрганиш, ўргатиш бўйича кенг кўламда иш олиб борилиши даркор бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, қирғиз тилининг ўқитилиши бошқа тилларда дарс олиб бориладиган мактабларда уни ўрганиш муаммоси долзарб масалалардан бирига айланди.

Қирғизистон Республикаси фан, таълим ва маданият вазирлиги барча талабларни ҳисобга олган ҳолда қирғиз тилини ўқитиш концепциясини ишлаб чиқди. Қирғиз тилини ўргатиш бўйича ўзбек мактабларининг ўқув режасида алоҳида соатлар ажратилди.

Қирғиз тилига давлат тили мақомининг берилиши қирғиз тилининг ҳар томонлама ривожланиши борасида, уни ўрганиш ва ўргатиш соҳасида кенг истиқбол йўллари очиқ берди.

**156-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.**

– Ўқиш ўзбек тилида юритиладиган мактабларда давлат тили нечанчи синфдан бошлаб киритилган?

– Ўзбек алифбоси билан қирғиз алифбосини қиёсланг. Қайси ҳарф ва товушларида фарқ бор?

– Қирғиз тилидаги унли товушларни тўғри талаффуз қилинг. Ўзбек тилидаги унли товушлардан фарқини айтинг.

– Қирғиз тилига қачон «Давлат тили» мақоми берилган?

– Қирғиз тилини ўқитиш концепцияси билан танишиб чиқинг.

**157-машқ. “Қирғиз тили – Давлат тили” мавзусида кичик мақола ёзинг.**

**158-машқ. Ўзбек ва қирғиз тилларидаги сўз туркумларини таққосланг. Мисоллар келтиринг.**

#### **44-ДАРС**

### **ЎЗБЕК ТИЛИ – ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ ТИЛИ**

Ўзбек тили туркий тиллар оиласига киради. Туркий тиллар оиласи куйидаги тирик тилларни ўз ичига олади: ўзбек, қирғиз, қозоқ, туркман, уйғур, қорақалпоқ, турк (Усмонли турк), озарбайжон, қорачой, балқар, кумиқ, нўғой, бошқирд, татар, чуваш, ғарбий сибир-татар лаҳжалари, олтой, шор, хакас, тува, харагас, ёкут, гагауз, қараным, қрим-татар тиллари.

Туркий халқлар ичида ўзбеклар энг кўп сонни ташкил этади. Ўзбеклар Ўзбекистон республикасида

ташқари, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон республикаларида, шунингдек, Хитой Халқ Республикасининг Синцзянь вилоятида, Афғонистон Республикасида, АҚШ, Эрон ва Туркияда ҳам яшайдилар. Улар турли даврларда бориб қолганлар.

Ўзбек тили XI асрдан бошлаб мустақил тил сифатида шакллана бошлади. XIII - XIV асрларга келиб, умумхалқ ўзбек адабий тили даражасига кўтарилди. Хоразмий, Сайфи Саройи, Амирий, Саккокий, Атоий, Лутфий асарлари форс, тожик тилларида ва шу давр ўзбек адабий тилида ёзилгандир.

Ўзбек адабий тилининг ривожланиши ва вазифа доирасининг кенгайишида Алишер Навоийнинг хизмати каттадир.

Маълумки, Навоийгача бадий, илмий асарлар, асосан, форс-тожик, араб тилида яратилар эди. Ўзбек тилига (у даврда турк тили дейиларди) паст назар билан қаралиб, унда йирик ва яхши асарлар яратиб бўлмади, деган фикр ҳукмрон эди. Ҳатто, кўпгина ўзбек шоирлари ҳам ўз асарларини форс - тожик тилида ёзар эдилар. Алишер Навоий ўзининг жаҳонда шуҳрат қозонган бадий асарлари ва ўзбек (турк) тилининг жуда бой имкониятлари мавжудлигини исботлаб берган «Муҳокаматул луғатайн» илмий асари билан ўзбек адабий тилининг довруғини кўтарди.

XI асргача ўзбеклар аجدоди ҳозирги барча туркий халқлар аجدодлари каби қадимги туркий тилида гаплашганлар. Қадимги туркий тил ҳозирги кунда ўлик тил ҳисобланиб, унда фақат айрим ёзма ёдгорликлар сақланиб қолган: Ўрхун-Енисей ёзув ёдгорликлари, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-хақойиқ» («Ҳақиқатлар совғаси»), Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга элтувчи билим») асарлари ва бошқалар.

Демак, қадимги туркий тил ҳозирги барча туркий тиллар учун бобо тил саналади.

Ўзбек тили асрлар давомида ўзбек халқининг алоқа воситаси сифатида ривожланиб, такомиллашиб борди ва бормокда.

**159-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Туркий тилларга қайси тиллар киради?
2. Туркий тиллар учун қайси тил бобо тил ҳисобланади?
3. Ўзбек тили қайси даврдан бошлаб мустақил тил бўлиб шакллана бошлади?
4. XIII-XIV асрда кимлар ўзбек тилининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшдилар?
5. Ўзбек тилининг ривожланишида бобомиз Алишер Навоийнинг хизматлари ҳақида гапириб беринг.

**160-машқ.** Ўқинг. Эски ўзбек адабий тилида ёзилган сўзларнинг ўқилишига аҳамият беринг. Мазмунини тушувинг.

## I

Алишербек назари йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас...

Аҳли фазл ва аҳли хунарга Алишербекча мураббий маълум эмаским, ҳарғиз пайдо бўлмиш бўлғай...

*(З. М. Бобур)*

## II

... Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндур. Маъмуранинг канорасида воқе бўлубтур. Шарқи Кошғар, ғарби Самарқандда, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар, шимолида агарчи бурун шаҳрлар бор экандур, мисли Олмолиқ ва Олмоту ва янги ким, кутубларда Тарозкент битирлар, мўғул ва ўзбек жиҳатдин бу тарихда бузулубтур, асло маъмура колмабдур. Мухтасар вилояттур, ошлиқ ва меваси фаровон...

Яна бири Ўш қасабасидур. Андижоннинг шарқи жанубий тарафидур, шарққа мойил, Андижондин тўрт йиғоч йўлдин. Ҳавоси хўб ва оқар суйи фаровондур. Бахори бисёр яхши бўлур. Ўшнинг фазилатида хейли аҳодис ворид бўлубтур.

Қўрғоннинг шарки жанубий бир мавзун тоғ тушубтур, Барокўхға мавсум. Бу тоғнинг кулласида Султон Махмудхон бир хужра солибтур, ул хужрадан қуйроқ ушбу тоғнинг тумшуғида тарих тўққиз юз иккида мен бир айвонлик хужра солдим. Агарчи ул хужра мундин муртафеъдур, вале бу хужра бисёр яхшироқ воқе бўлубтур: тамомшаҳр ва маҳаллот оёғ остидадур. Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтуб, Андижонға борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур... (*"Бобурнома"*дан)

161-машқ. Эски ўзбек адабий тилида ёзилган қуйидаги мақолларни ҳозирги ўзбек адабий тил меъёрлари асосида ўқинг. Мазмунини тушутиринг.

1. Сўзни кўнглунгда пишқормагунча тилга келтирма, ҳарнаким кўнглунгда бўлса тилга сурма. 2. Тилинг била кўнглунгни бир тут, кўнгли ва тили бир киши айтғон сўзға бут. 3. Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар. 4. Сувнинг мазаси муз била; ошнинг мазаси туз била; одам яхшилиғи сўз била. 5. Кўп ўқиғон, кўп билур. 6. Сизотга қурилан том тубанлик бўлмас. 7. Икки яхши эрикмас, икки ёмон бирикмас.

162-машқ. Матнни ўқинг. Адабий тил меъёрларига жавоб берган жумлаларни қайта ўқинг.

## ОТАМ ЙИҒЛАДИЛАР

Бобом вафотидан сўнг эди. Шаҳар ховлида яшар эдик. Бир кун уйимизда шундай воқеа рўй берди: ойим одатимизча, эрталабки чойни бибимнинг уйига ҳозирладилар-да, эрта туриб ёзаётган дадамни чойга чакиргани кириб кетдилар. Биз дастурхон теварағида дадамнинг чиқишини кутардик. Бир вақт ойим негадир индамай чиқдилар-да, ўтириб бизга чой қуйиб бера бошладилар.

– Абдуллани чакирдингми, Раҳбар? – Дадам чиқавермагач, ойимдан сўрадилар бувим.

– Йўқ.

– Нега?

– Ўғлингиз йиғлаб ўтирибдилар, – дедилар ойим. Бувим бечора сакраб ўринларидан туриб дадамнинг уйига йўл олдилар. Кап-катта кишининг йиғлашидан хайратга келиб, мен ҳам бувим ортидан эргашдим. Кирсак, дархақиқат, у киши юм-юм йиғлар, курсига тирсакланиб олиб тўхтовсиз ёзар эдилар. Бувим дадамнинг бу холига бир оз қараб турдилар-да, бир нарсани тушундилар шекилли, индамай мени бошлаб орқага қайтдилар ва ўтириб чой ича бошладилар.

Мен бувимдан сўрадим:

– Опа, дадам йиғлаяптилар?

– Даданг жинни бўлиб қолибди, – жавоб қилдилар бувим ва бошқа сўз айтмадилар.

Кейинчалик англасам, ўшанда дадам ўз севикли қахрамони Кумушнинг ўлими пайтини тасвирлаб изтироб чекаётган эканлар. (*Ҳабибулла Қодирий*)

## 45-ДАРС

### РУС ТИЛИ – ХАЛҚАРО ТИЛЛАРДАН БИРИ

Рус тили – рус халқининг миллий тилидир.

Рус тили славян тиллари гуруҳига киради. Славян тиллари ўз навбатида уч гуруҳга бўлинади:

1. Шаркий гуруҳ – рус, украин, белорус тиллари;

2. Жанубий гуруҳ – болгар, серб, хорват, македон ва б. тиллар;

3. Ғарбий гуруҳ – поляк, чех, словак, славян тиллари.

Рус тилида жуда кўп элатлар гаплашадилар.

1945 йилдан бошлаб БМТ нинг низомига кўра рус тили дунёдаги расмий тиллар қаторидан ўрин олди.

Қирғизистонда ҳам рус тили расмий тил қатори қабул қилинган.

163- машқ. Керакли тиниш белгиларини кўйиб, кўчиринг.

1. Пушкиннинг оиласи олти кишидан иборат эди *рус*таси Сергей Львович онаси Надежда Осиповна онаси Оленька

укалари Левушка ва Николай... 2. Пушкин кузи билан Болдино қишлоғида қолиб кетди, Бу шоир ўз ҳаётида кўрган энг ажойиб бир куз эди Шоир ўзининг ҳамкасаба ўртоқларидан бири бўлган Плетневга шундай деб ёзган эди: Эй азизим бу қишлоқ нақадар гўзал Теварак атрофида жон асари йўқ Уйда ўтириб ҳар қанча ёзсанг-ёзасан, ҳеч ким ҳалал бермайди... 3. Пушкин Болдинода турган вақтида 1830 йилнинг 6 сентябридан ноябрь охиригача Поп ва унинг хизматкори Балда тўғрисида эртаски Евгений Онегиннинг VIII ва IX бобларини Белкин қиссалари Коломнадаги уй деган асарларини ҳамда Моцарт ва Сальери Хасис рицарь Вабо вақтида зиёфат деган майда драмаларини ва ўттиздан ортиқ лирик шеърларини ёзди

*(А. С. Пушкиннинг таржимани холидан.)*

164- машқ. А. С. Пушкиннинг шеърини асарларидан ўқинг. Ўқиган асарларингизни ўзбек тилида сўзлаб беринг.

165- машқ. Ўзбек ва рус тилларидаги сўз туркумларини таққосланг. Мисоллар келтиринг.

166-машқ. Ўқинг. Матвнинг мазмунини шарҳлаб беринг.

Қирғизистон Республикасининг давлат тили қирғиз тилидир. Қирғизистон Республикаси ўз худудида истикомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

*(“Қирғизистон Республикасининг Конституцияси”дан.)*

## 46-47-ДАРС

### ЧОРАК ОХИРИДА ТАКРОРЛАШ

*Саволларга жавоб беринг.*

1. Шарт эргаш гапли қўшма гаплар қандай воситалар ёрдамида ҳосил бўлади?

2. Сабаб ва мақсад эргаш гапли қўшма гаплар қандай ҳосил бўлади?

3. Натижа ва тўсиксиз эргаш гапли қўшма гапларга мисоллар келтиринг ва ҳосил бўлиш йўллари тушунтиринг.

4. Бир неча эргаш гапли қўшма гапларга мисоллар келтиринг.

5. Бир неча эргаш гапли қўшма гапларда қандай тиниш белгилар қўлланилади?

6. Аралаш турдаги қўшма гаплар таркибида қандай эргаш гаплар бўлиши мумкин?

7. Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақида гапиринг.

8. Дунёда тахминан қанча тил бор?

9. Халқаро тиллардан қайсиларни биласиз?

10. Қирғиз тилига қачон «Давлат тили» мақоми берилган?

11. Қирғиз тили қайси тиллар гуруҳига мансуб? Ўзбек тиличи?

**167-машқ. Қуйидаги тест саволларнинг тўғри жавобини топинг.**

**1. Қўшма гап таркибида содда гаплар ўзаро қандай боғланади?**

А. Боғловчилар орқали.

Б. Юкламалар орқали.

В. Айрим феъл шакллари орқали

Г. Оҳанг орқали.

Д. а, в, г, д жавобларида кўрсатилган воситалар орқали.

**2. Боғланган қўшма гаплар таркибида содда гаплар бир-бири билан қандай бирикади ?**

А. Эргаштирувчи боғловчилар ёрдамида.

Б. Оҳанг ёрдамида.

В. Тенг боғловчилар ёрдамида.

Г. Қўшимчалар ёрдамида.

Д. Тиниш белгилари ёрдамида.

**3. Қўшма гап тузиш мумкин бўлган гапни белгиланг.**

А. Дарё суви оқмоқда. Йўловчилар келдилар.

Б. Қор ёғди. Қуилар совиб кетди.

В. Қиш келди. Терим бошланди.

Г. Биз бордик. Китоб ўқишди.

Д. Қуш кўкда учмоқда. Болалар ашула айтмоқда.

**4. Боғловчисиз қўшма гапларда содда гаплар ўзаро қандай боғланади?**

- А. Боғловчи воситалар ёрдамида.
- Б. Феъл шакллари ёрдамида.
- В. Юкламалар ёрдамида.
- Г. Оҳанг ва интонация ёрдамида.
- Д. Қўшимчалар ёрдамида.

**5. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг мазмуни бир-бирига зид келса, қандай тиниш белгиси қўйилади?**

- А. Вергул.
- Б. Нуқтали вергул.
- В. Чизиқча.
- Г. Тире.
- Д. Икки нуқта.

**6. Қуйидаги боғловчисиз қўшма гапта қўйиладиган тиниш белгини аниқланг.**

*Кечаси ёмғир тинди йўл азобидан ҳориган кишилар қаттиқ уйқуга кетдилар.*

- А. Тире.
- Б. Вергул.
- В. Икки нуқта.
- Г. Нуқтали вергул.
- Д. Кўп нуқта.

**7. Қуйидаги боғловчисиз қўшма гапта қўйиладиган тиниш белгини аниқланг.**

*Пага-пага майин қор осмондан қуйилиб туради шамолнинг секин бўғиқ, суввилаши эшитиларди.*

- А. Тире.
- Б. Нуқта.
- В. Вергул.
- Г. Нуқтали вергул.
- Д. Икки нуқта.

**8. Қуйидаги боғловчисиз қўшма гапта қўйиладиган тиниш белгини аниқланг.**

*Хушхабар олиб келдим ёв янчилди.*

- А. Вергул.

- Б. Икки нукта.
- В. Нукта.
- Г. Нуктали вергул .
- Д. Тире.

**9. Қуйидаги боғловчисиз қўшма гапга қўйиладиган тиниш белгини аниқланг.**

- Юрт тинч сен тинч.
- А. Вергул.
- Б. Нукта.
- В. Тире.
- Г. Нуктали вергул.
- Д. Икки нукта.

**10. Бир неча эргаш гапли қўшма гаплар бош гапга неча йўл билан боғланади?**

- А. 5 хил.
- Б. 3 хил.
- В. Кетма-кет.
- Г. 4 хил.
- Д. 2 хил.

**11. Қуйидаги гап қандай эргаш гап эканини аниқланг.**

*Баҳорда ҳаво ноқулай келиб, гўзанинг парвариши кечиккан бўлса ҳам, ҳосил мўл бўлди.*

- А. Сабаб эргаш гапли қўшма гап.
- Б. Равиш эргаш гапли қўшма гап.
- В. Тўсиксиз эргаш гапли қўшма гап.
- Г. Бир неча эргаш гапли қўшма гап.
- Д. Аралаш турдаги қўшма гап.

**12. Қуйидаги гап қандай қўшма гап эканини аниқланг.**

*Қор аста ёғар-у, тоғ ҳосил бўлур;  
Дарахтлар кўнайиб боғ ҳосил бўлур.*

- А. Боғланган қўшма гап.
- Б. Аралаш турдаги қўшма гап.
- В. Эргашган қўшма гап.
- Г. Бир неча эргаш гапли қўшма гап
- Д. Боғловчисиз қўшма гап.

### 13. Қўшма гап турини аниқланг.

*Яна момақалди роқ гумбуради, яна чақмоқ чақиб ёмғир чиндан ҳам челақлаб қуя бошлади.*

- А. Боғланган қўшма гап.
- Б. Боғловчисиз қўшма гап.
- В. Бир неча эргаш гапли қўшма гап.
- Г. Аралаш турдаги қўшма гап.
- Д. Эргашган қўшма гап.

### 14. Қўшма гап турини аниқланг.

*Авжи қиш вақти бўлса ҳам, ерда қор йўқ, ҳаво худди баҳор ҳавосидай юмшоқ эди.*

- А. Боғланган қўшма гап.
- Б. Эргаш қўшма гап.
- В. Боғловчисиз қўшма гап.
- Г. Ҳар хил боғланган қўшма гап.
- Д. Бир неча эргаш гапли қўшма гап.

## 48-ДАРС

### АДАБИЙ ТИЛ УСЛУБЛАРИ

Адабий тил услублари услубшунослик бўлимида ўрганилади. Услубшунослик тилшуносликнинг нутқ услублари ва тилнинг услубий воситаларини ўрганувчи бўлиmidир.

### НУТҚ УСЛУБЛАРИ

Адабий тилнинг икки шакли – ёзма ва оғзаки шакли бўлиб, ҳар икки шакл турли хил нутқ услубларига эга. Масалан, оддий сўзлашув нутқи билан маълум мажлисда минбардан айтилган нутқ бир-биридан фарқ қилади. Ёки илмий асар услуби билан бадий асар услуби бир-бирига ўхшамайди. Илмий услубда илмий атамалар, бадий асарда эса тасвирий воситалар кўпроқ ишлатилади. Демак, адабий тил бир қанча нутқ услубларига эга.

Адабий тилнинг ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳаси доирасида қўлланадиган кўриниши нутқ услублари дейлади.

Ўзбек адабий тилнинг куйидаги нутқ услублари бор:

- 1) сўзлашув услуби;
- 2) расмий услуб;
- 3) илмий услуб;
- 4) публицистик услуб;
- 5) бадий услуб.

Шундай сўзлар борки, улар ҳамма нутк услубларида тенг инлатилади. Бундай сўзларга услубий бетараф сўзлар дейилади. Масалан: *кўз, қиш, кўл, ер, сув, янги, эски, бугун, тез, ўн, йигирма* ва бошқалар.

Айрим сўзлар эса фақат баъзи услубга хос бўлиб, фақат шу услубдагина қўлланади. Масалан, *эга, кесим, айирув* каби атамалар – илмий услуб учун; *жаноб, ҳазрати олийлари* каби сўзлар расмий услубга хосдир. Бундай сўзлар услубий чегараланган сўзлар дейилади.

168-машқ. Матнини ўқинг. Нутк услубларига хос сўзларга аҳамият беринг.

...Мен кўп умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қила олмадим. Иттифокни не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати йўлида бир-бирини еб, ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадиган, бир-биримизнинг тегимизга сув куядиган бўлсак яқиндирки, ўрис истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйинтиригини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқун қилиб топширғувчи – биз кўр ва ақлсиз оталарга Худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим! Боболарнинг мукаддас гавдаси мадфун Туркистонимизни тўнғузхона қилишга ҳозирланган биз итлар Яратғувчининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби дохийларнинг, Мирзо Бобур каби фотихларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилгонлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрағувчи

албатта Тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим! Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларни етим, хонадонларни вайрон қилгувчи золимлар-қуртлар ва хушлар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарғишига нишонадир ўғлим!... (А. Қ.)

169-машқ. Матнини ўқинг. Услубий бетараф сўзларни топиб, кўчириг.

Навой бобомиз ватанпарвар киши эди. Янги ерни ўзлаштиришни кеч куздан бошлаймиз. (О.) Бутун йиртиқ-ямоқ, эски-тускиларни олиб чиқибёқа бошлади. (О.) Бугунги кун унутилмаса керак, буни ҳамма билади. (М.И.) Чорбоғ томондан томоқ кириб, қисқа йўталган товуш эшитилди. (F.F.) Бирники мингта, мингники – туманга. (М.) Ўн- ўн беш минутлар чамаси кутди, келмади. Орадан яна чорак соат вақт ўтди. Соат тўққизлар бўлиб қолди. (М.И.) Шошилиб тўнани кийди-да, ортига қарамай чопиб кетди. (О.)

170-машқ. Услубий чегараланган ва услубий бетараф сўзларга мисол келтириб ёзинг.

171-машқ. Берилган матидан услубий чегараланган ва услубий бетараф сўзларни топинг.

Ер киш уйкусидан уйғонди. Баҳор саболари эса бошлади. Арикларнинг бўйлари ям-яшил майсалар билан қопланди, дарахтлар куртак чиқариб, ифор ҳидли напармон гуллар билан безанди.

Лойшувоқ томларда лолақизғалдоқ ял-ял-ёнди...

Далалардан енгил ҳовур кўтарилиб, кирларда анвойи чечаклар очилди. Қишлоқларнинг баланд-паст кўчаларида бола-бақра кўпайди.

Аҳён-аҳёнда турналар арғумчоқ солиб учиб ўтишади. Уларнинг дилни энгиктирувчи “куррей-куррей”лари осмонни тутади... («Наврўзи олам» китобидан)

## СЎЗЛАШУВ УСЛУБИ

Сўзлашув услубининг икки асосий тури мавжуд:

- 1) адабий сўзлашув услуби;
- 2) оддий сўзлашув услуби .

Адабий сўзлашув услуби маълум меъёрга бўйсунганлиги, тартибга солинганлиги билан характерланади. Бу услуб шева хусусиятларидан ҳолидир. Адабий тилнинг оғзаки шаклини адабий сўзлашув услуби гавдалантиради. Радио эшиттиришлари, ойнаи жаҳон кўрсатувлари, мактабларда ўқитиш ишлари шу услуб орқали амалга оширилади.

Оддий сўзлашув услуби учун бетакаллуфлик, эркин муомала ҳосилдир. Оддий сўзлашув услубида сўзлар кўпинча ўзининг тўлиқ талаффузига эга бўлмайди. Масалан: *бериб юборди эмас, берворди; босиб олди эмас, босиволди* ва бошқалар. Шунингдек, гапда сўзлар тартиби анча эркин бўлади. Оддий сўзлашув услубида шевага ҳос сўзлар, кўпол, дағал сўзлар ҳам учрайди. Лекин сиз нутқингизда бундай шевага ҳос сўзлардан, кўпол, дағал сўзлардан холи бўлишга ҳаракат қилинг.

Икки шахснинг ўзаро сўзлашуви диалогик нутқ ҳисобланади. Диалогик нутқда мимика, имо-ишоралар фаол иштирок этади. Кўпроқ содда гаплар, тўлиқсиз гаплар, ундалмалли гаплардан фойдаланилади.

Сўзлашув услубида сўзлар кўпинча киноя, пичинг, қочиримларга бой бўлади.

172-машқ. Берилган диалогни ўқинг. Киноя, пичинг, қочиримларни таниб, тушунтиринг.

– Баракалла, ўғлим, баракалла, – деди Қурбон ота кулиб.  
– Хўп ўйнаб-кулиб юрибсизми?

– Шукур, отахон, шукур...

– Айтмадимми, – деди Қурбон ота кулиб, – оппоқ соқолим билан ёлғон гапираманми! ... Бу замонда меҳнат қиладиган киши хор бўлмайди, албатта. Лекин ҳар гиёҳнинг ўзи севган тупроғи бор.

– Буниси тўғри, отахон... Ростдан ҳам иш кўп экан.

– Дамлаб қўйилган ош ҳеч қаерда ҳам йўқ. Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар...

– Қаттиқчиликнинг қирқи кетиб бири қолгандир энди?  
 – Ҳа отахон, қирқи кетиб бири қолган, лекин бирагайи қолган. Йиғим-теримни олганимиздан кейин баҳоргача икки юз йиғирма гектар янги ер очишимиз керак.

– Қанча? – деди Қурбон ота хайрон бўлиб.

– Икки юз йиғирма гектар.

– Икки юз йиғирма танобдир?

– Йўқ, отахон, гектар. Бу ерларнинг кўпи тўқай. Қиши билан аррақашлик килиб, тўнка қавлайдиган бўлиб турибмиз... (А. Қ.)

173-машқ. Ўқинг. А. Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан келтирилган куйидаги парчадан сўзлашув услубига хос белгиларни топиб кўчиринг.

– Сиз мирзабошилиқни яхши кўрасизми?..

– Яқинда мирзоликни ташламоқчиман, Раъно. Қўқондан кетаман, саёҳат қиламан.

– Мени... мени ҳам ўзингиз билан олиб кетмайсизми? Шунда Анвар тушунмай, хайратга тушади ва дейди:

– Сен... сенга мумкинми, Раъно?

– Мумкин, – деб қайтаради Раъно.

– Мирзабошилиқни ҳозирдан эътиборан ташласангиз мумкин...

Бу сўз Анварни ҳам қалтиратиб юборади.

– Нима деясан, Раъно?...

– Ҳалиги... халиги сўзингиз чин бўлса, мен ҳам сиз билан кетишни хоҳлайман... Башарти сизга оғир ошмасам...

– Жасур қиз, – деб ўйлади Анвар.

174-машқ. Қуйида берилган сўзлардан адабий сўзлашув услубига хос сўзларни 1-каторга, оддий сўзлашув услубига хос сўзларни 2-каторга намунадагидек жойлаштиринг.

*Намуна:*

адабий сўзлашув услуби	оддий сўзлашув услуби
<i>сўзал, кўркам</i>	<i>чиройли</i>
<i>новий</i>	<i>қўқ</i>
<i>мактуб</i>	<i>хат</i>
<i>ижозат</i>	<i>рухсат</i>

Ашула, юрак, ўйин, ўйинчи, раққоса, куй, ашулачи, хонанда, қалб, рақс.

175-машқ. "Муस्ताқиллик байрами", "Юртимизда тинчлик бўлсин", "Охириги кўнгирик" мавзуларида ишро ёзинг. Бунда сўзлашув услубига ҳос воситалардан фойдаланинг.

## 50-ДАРС

### РАСМИЙ - ИДОРАВИЙ УСЛУБ

Расмий- идоравий услуб адабий тилининг ёзма шаклига ҳос бўлиб, иқтисодий, ҳуқуқий ва дипломатик муносабатларда, давлат идоралари, судларда намоён бўлади.

Халқаро ҳужжатлар, қарорлар, қонулар, низомлар, расмий услубда ёзилади. Ариза, тилхат, чақирув қоғози, ишонч қоғози, таклифнома, шартнома, таржимаи ҳол, эълон, тавсифнома, ҳисобот, тавсиянома, хат каби ҳужжатлар ҳам расмий услубда ёзилади. Расмий услуб учун муайян нутқий қолип, қатъий одат тусига кириб қолган шакллар ҳосдир. Расмий услубда ёзилувчи ҳужжатлар ранг-баранг бўлганлигидан, уларнинг ҳар қайсиси бир-биридан маълум жиҳатлари билан фарқ қиладиган муайян штампларга эга. Масалан: қарор, ариза, тушунтириш хати, ишонч қоғози ва бошқалар. Бундай услубдаги ҳужжатлар қисқа, аниқ ва барча учун тушунарли қилиб тузилади. Расмий услубга ҳос ҳар қайси турнинг ўзига ҳос лексик ва грамматик хусусиятлари бор. Масалан, қарор, фармонларда гапнинг кесими кўпроқ буйруқ майли шаклларида ифодаланади. Маълумотномада биринчи гапнинг кесими гап бошида келади ва бошқалар. Суд, бухгалтерия иш қоғозларида шу соҳага доир терминлардан фойдаланилади.

176-машқ. Намунадан фойдаланиб синфда ўтказилган бирорта мажлис баёнини ёзинг.

*Намуна:* Жалолобод шаҳар Олим Усмонов номи

7-мактабнинг 11-“А” синф ўқувчилари йнғилишининг  
5-мажлис баёни

2011 йил 20.05.

Жалолобод шаҳри

Раис -М. Якубова

Котиба – М. Абдукаримова

Қатнашчилар: 25 ўқувчи,

Синф раҳбари – М. Каримжонова

Мақтаб ўқувчилар уюшмасининг раиси – С. Абдуллаев

Мақтаб тарбиявий ишлар ташкилотчиси – М. Алибаева

Кун тартиби:

1. Республика тест марказига хужжат тайёрлаш ва тестга тайёргарлик кўриш.

2. Давлат аттестациясига тайёргарлик.

Эшитилди:

М. Якубова – Сизларга маълумки, ҳар йили республика тест маркази томонидан ўқувчилар билимини текшириш, ҳамда олий ўқув юргларининг бюджет ўринларига ўқувчиларни қабул қилиш бўйича тестлар олинади. Бу йил 28-29 май кунлари 13-мақтабда тест олинади. Барча ўқувчилар бу тестда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Синфимизда 60-70 фоиз ўқувчилар яхши ва аъло баҳоларга ўқийдилар, булар учун тест топшириш қулай фурсатдир.

Педагогик йўналишдаги факультетларга ўзбек тили, математика ҳамда тарихдан тест топширилади.

Сўзга чиқди:

Д. Абдукаримова (ўқувчи) – Мен Махфират Якубованинг ахборотини диққат билан тингладим. Агар медицина факультетига топширсам, қайси фанлардан тест топшираман?

Р. Абдулпаттаева (ўқувчи) – топширган тестларимиз қанча баллни ташкил қилиши керак?

М. Каримжанова (синф раҳбари) – медицина факультетига 110 балл ва қўшимча химия, биология фанларидан 65 баллдан юқори бўлиши керак.

Ўзбек, рус, қирғиз филологияси учун умумий 105 балл ҳамда тарихдан 65 баллдан юқори бўлиши керак.

Иккинчи масала бўйича синф раҳбари сўзга чикди: –2 июндан Давлат аттестацияси бошланади, сиз оғзаки ҳамда ёзма имтиҳон топишасиз. 11 йиллик олган билимларингизни амалда синаб кўрасиз.

Сўзга чикди:

М. Хайбатуллаев (ўқувчи) – Давлат имтиҳонларидан сўнг, қанча вақт оралиғида аттестат оламиниз?

– Давлат имтиҳонларидан сўнг 3 кун оралиғида аттестат олиш мумкин.

Қарор қабул қилинди:

1. Давлат тест марказига ҳужжатлар ўз вақтида топширилсин. Ҳужжатларни шаҳар маориф бўлимига топшириш синф раҳбари ҳамда мактаб илмий мудури зиммасига юклатилсин.

2. Давлат аттестациясига пухта тайёргарлик кўрилсин, ҳар бир фан ўқитувчиси консултацияларини ўз вақтида ўтсин. Консултация вақтини илмий мудир аниқ жадвал асосида белгилаб берсин.

Раис: (имзо) М. Яқубова

Котиба: (имзо) М. Абдукаримова

177-машқ. 5-синфда ўрганган эълон, маълумотнома ва бошқа ҳужжатларни солиштириб, муҳим лексик, грамматик хусусиятларини айтинг.

178-машқ. 6-синфда ўрганган ариза, таклифнома ва бошқа ҳужжатларни солиштириб, муҳим лексик, грамматик хусусиятларини айтинг.

179-машқ. Ўзингизнинг таржимаи ҳолингизни мустақил ёзинг.

180-машқ. Адиб Ойбекнинг турмуш ўртоғи – Зарифахонимга ёзган хатини ўқинг. Адабий тилнинг қайси услубига хос эканлигини аниқланг.

### ЗАРИФА!

Мен кетяпман. Ҳар кун станцияда истаган нарсангни олиш мумкин: сут, қаймоқ, товук, нон, сметана ва бошқалар.

Оренбургдан бошлаб ҳаво салкин. Билмасам, Маскавда қандай экан? Тошкентдан чиққан кундан бошлаб Омонни соғинаман. Ҳар вақт у кўзимнинг олдида. Докторга албатта, кўрсат!

Шарифа йўлга чиқдимми? Москвада кутиб оламан. Мен учун Омоннинг кўзларидан ўпиб қўй.

Қолганларга салом.

30. VIII. 1932. Ойбек.

## 51-ДАРС ИЛМИЙ УСЛУБ

Илмий услуб фан ва техниканинг турли соҳаларига оид бўлиб, унда ҳар бир соҳаларнинг ўзига хос атамалари, формула, теорема, қонун-қоидалари аниқ жумлаларда аке этади.

Илмий услуб далилий маълумотлар асосида чиқарилган илмий хулосаларга эга бўлиши, илмий атамаларнинг кенг истеъмол қилиниши билан бошқа услублардан фарқ қилади.

Илмий услубда рисоалар, илмий мақолалар ёзилади, илмий маърузалар ўқилади.

Илмий услуб ҳам фanning тармоғи нуқтан назаридан бириридан фарқ қилади. Масалан, тарих фanning баён қилиш услуби билан математика фanning баён қилиш услуби бир хил эмас. Кейингиси мавҳумлаштиришнинг қучлилиги билан характерланади.

181-машқ. Ўқинг. Мати қайси услубда ёзилганлигини аниқланг. Кўчиринг.

Энциклопедия илм-фanning ҳамма соҳаларини ўз ичига олган ёки бирор соҳа бўйича кенг, тўлиқ маълумот берадиган луғат тарзидаги илмий тўплам ёки комусдир. Китобхон бу комусдан барча жумбоқларга жавоб топади, истаган бир тушунча ҳақида кенг ва атрофлича маълумот олади.

182-машқ. Ўзингиз ўқиб ўрганаётган дарсликлардан илмий услубдаги жумлаларни топинг ва бу жумлалардаги сўзлар қайси фанга оид эканлигини айтинг.

183-машк. Берилган илмий атамалардан фойдаланиб, қондалар ва теоремаларни элалашга ҳаракат қилинг.

Энергия, конус, тенглама, морфология, синтаксис, масштаб, кучланиш, хужайра, гап, сифим.

184-машк. Илмий услубда ёзилган ушбу матида қайси соҳаларга оид атамалар борлигини аниқланг.

Олтин Ўрда тарихи билан шуғулланувчи чет эллик олимлардан Хаммер-Пургштал, М. Дегин, Г. Ховорс ва Б.Шпулерларни кўрсатиш мумкин. Хаммер Дашти кипчоқда ҳокимиятни Абулхайрхон қўлга олганлиги ва теурийларнинг Самарқанддаги тахтини эгаллашда Султон Абусаидга ёрдам берганлиги ҳақида ниҳоятда қиска тўхталиб ўтади. У Абулхайрхонни Ўзбек сулоласига мансуб деган фикрни билдиради, бу мунозаралидир.

(“Ўзбек улуси” дан)

## 52-ДАРС

### ПУБЛИЦИСТИК УСЛУБ

Публицистик услуб ижтимоий муносабатларнинг кенг доирасида қўлланади. Публицистик услубнинг ўзига хос хусусияти ахборот бериш ва таъсир қилишдир. Бу услуб газета ва ижтимоий-сиёсий журналларда кенг намоён бўлади.

Публицистик услуб, асосан, ёзма ва оғзаки шаклда рўёбга чиқади.

Ҳаётнинг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларига бағишланган публицистик бош мақолалар, фельетон ва памфлетлар, мурожаатномалар, чақириқлар, публицистик услубнинг шаклига оид бўлса, қундалик воқеаларга доир халқаро шарҳлар билан радио ва телекўрсатувларда чиқаётган сиёсий шарҳловчиларнинг нутқи бу услубнинг оғзаки шаклига оидир.

Публицистик услуб учун фаоллик, ҳозиржавоблик, ўткир ва таъсирчан потиқлик, ташвиқот ва тарғибот каби хусусиятлар ҳосилдир. Публицистик услубда ижтимоий-сиёсий лексика (*жамият, давлат, ирқ, исён, зиддият, иқтисодий танглик, сиёсий танглик, мустамлакачи, оилавий пудрат* ва бошқа сўзлар)дан

кенг фойдаланилади. Публицистик нутқда образлилик кучли бўлади. Истиора, эпитет, ўхшатиш, муболаға, кесатик каби хис-туйғуга таъсир этувчи воситалар кўп қўлланилади.

**185-машқ.** Ифодали ўқинг. Публицистик услубга хос хусусиятларини айтинг.

Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида 360 мингдан зиёд қирғизистонликлар жанг қилдилар. Уларнинг ҳар тўрттасидан бири жангларда ҳалок бўлди. Душманга қарши курашдаги мардлиги ва жасорати учун 74 қирғизистонлик Совет Иттифоқи қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлди. 21 нафар юртдошимиз “Шуҳрат” орденининг учала даражаси билан, 150 минг жангчимиз эса СССР ордени ва медаллари билан тақдирландилар.

**186-машқ.** Вилоят газеталарининг бирор сондаги публицистик услубда ёзилган мақолани таниб, шу услубга хос белгиларини аниқлаб.

**187-машқ.** Ойбекнинг “Навоний” романидан парча кўчиринг ва публицистик услубга хос хусусиятларини аниқлаб.

**188-машқ.** Берилган матни ўқинг. Қайси услубга хослигини топинг.

Дунёдаги олти мамлакат – Бразилия, Хитой, Хиндистон, Индонезия, Россия ва Жанубий Кореянинг жаҳон майдонида иқтисодиётининг ўсиши туфайли тез орада доллар ўз ҳукмронлигини йўқотади, – дейилади Жаҳон банкининг маърузасида.

«Financial Times»нинг яқинда Жаҳон банки томонидан тарқатилган кенгайтирилган маърузасига таяниб ёзишча, 2025 йилга бориб АҚШ валютаси жаҳон валютаси бўлмай қолади. Орадан 15 йил ўтиб, доллар глобал иқтисодиётга бугунгидек ўз таъсирини ўткази олмайди. Банк таҳлилчиларининг ҳисобига кўра, юань ва евро янги мультивалюта глобал пул тизимида тенг мавқеларни эгаллайди.

**189-машқ.** Вилоят газеталаридан публицистик услубга хос матн топиб, дафтарингизга ёзинг.

## БАДИЙ УСЛУБ

Бадий асар (назм, насер ва драматургия) нинг баён қилиш услуби бадий услубдир.

Бадий асар кишига маълумот бериш билан бирга, образлар воситасида эстетик таъсир қилади.

Демак, эстетик таъсир этиш бадий услубнинг характерли хусусиятидир.

Нутқнинг бадий услубдан бошқа барча услублари ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳаси доирасида чегараланган. Бадий услуб эса, аксинча, инсон амалий фаолияти ва ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олади. Унда сўзлашув, расмий, публицистик услубнинг белгилари учрайди. Бадий услубда тил образ, характер ва манзаралар яратиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бадий нутқ образлиги билан нутқнинг бошқа услубларидан ажралиб туради.

190-машқ. Ифодали ўқинг. Бадий услубга хос хусусиятлар – ўхшатиш, жоилантиришларни белгиланг.

Қош қорая бошлади. Қанчалаб ўтган ва ўтиши лозим бўлган сон-саноксиз тунлар сингари ложувард қизғиш шуълага чулғанган тағин бир тун сойлиқлару водийлар узра буюк Сариўзак саҳросини босиб кела бошлади. Окмоя катта уюр томон бекасини елдириб борарди. Ботаётган куёш шуълалари қўш ўрқач ўртасида ўтириб олган она киёфасини баралла кўрсатарди. У жиддий тусда ўтирарди. Сочлари оқариб кетган, манглайини ажин босган, ғам-ғуссали кўзларига эса Сариўзак хуфтони сингари ғам-ташвиш чўккан эди... (Ч.А.)

191- машқ. Ҳ. Олимжоннинг “Ўрик гуллаганда” шеърдан олинган парчаини ўқинг. Қаҳрамон нутқига эътибор бериш. Парчаини ёд олишга ҳаракат қилинг.

Деразамнинг олдида бир туп  
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.

Новдаларни безаб ғунчалар  
Тонгда айтди ҳаёт отини,  
Ва шаббода қурғур илк саҳар  
Олиб кетди гулнинг тотини.  
Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,  
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.

192-машқ. Ўқинг. Матнинг қайси услубга оидлигини айтинг. Шевага ҳос грамматик шакл ва сўзларнинг ишлатилиши сабабини тушунтиринг.

Холбой сурнайчи иккита доирачи билан мумтоз мусиқалар тарона этди.

Тўйхонада олти дошқозон қатор осилди,  
Хизматкорлар қур бўлиб ўтириб сабзи тўғради.  
Дошўчоклардан самога қоп-қора тутун ўрлади.  
Дошўчоклардан зиғир мойга қовурилаётган гўшт хиди келди.

Бир отлик тақимиға бошсиз улоқ босиб тўйхонадан чиқди.

– Одамлар, Оқжарда кўпқари бўлади! – деди Наби оқсоқол. – Ана, улоқни олиб кетди! Хоҳлаганлар борсин! Эсларингда бўлсин, кечаси олиш бўлади, эртага яна кўпқари! Пиёда кўпқариси-да бор! Эртага пиёда пойғаям бўлади, ха!

Эркақлар кўпқаридан кунботарда келди. Қур бўлиб – қур бўлиб ўтирди.

Тобоқ – тобоқ палов сузилди.

Учовора бир тобоқ бўлди. (*Тоғай Мурод*)

193-машқ. “Мақтабимиз боғида” мавзусида бадний тасвир воситаларидан фойдаланиб, ҳикоя ёзинг. Ҳикоянгизда ўхшатиш, жонлантириш, такрор, шевага ҳос грамматик шакл ва сўзлар иштирок этсин.

## УСЛУБИЙ ТАҲЛИЛ ТАРТИБИ

1. Матни диккат билан ўқиб чиқинг.
2. Қайси услубда эканлигини аниқланг.
3. Услубга ҳос хусусиятларни белгиланг.

## Услубий таҳлил учун матн

### БАҲОР

Мамлакатимизда март, апрель, май ойларини шартли равишда баҳор фасли деб аташ қабул қилинган. Бироқ табиат қонунига кўра, бу фасл Ернинг Шимолий ярим шарида баҳорги кеча билан кундуз тенг келган кундан ёзги қуёш турғунлигигача, яъни кундузи энг узок, кечаси энг қисқа бўлган кунгача давом этади. Бу 20-21 мартдан 21-22 июнгача бўлган фурсатдир. Айтишларича, баҳорнинг ўша биринчи кунда ер остида ётган илонлар ҳам бир ағдарилиб олар эмиш. Бу чиндан, табиатнинг, она ер бағридаги жами маҳлуқотнинг, курт-қумурскалар ва ўт-ўланларнинг уйғониш, жонланиш давридир.

#### Таҳлил намунаси:

«Баҳор» матни – монологик матн.

Услубий бетараф сўзлар, табиатшунослик фанига оид жумлалар географик атамалар мавжуд: *Ернинг Шимолий ярим шари, кеча, кундузнинг тенг келиши, қуёш турғунлиги, маҳлуқот*; матнда икки бош бўлакли гаплар, кириш сўзлар бор: *айтишларича, бу чиндан*.

Матн илмий услубда ёзилган.

194-машқ. Матни услубий таҳлил қилинг.

### ҲУМО

Осиёнинг тоғлар билан ўралган саҳроларида ажойиб бир қуш яшайди. Унинг товуши нафис, қанот кокишлари гўзал бўлиб, улуғворлик тимсолидир. Қушнинг патлари қуёш нурларига ўхшаб порлаганидан ундан ерга соя тушмайди. У ўлганидан кейин ҳам унинг танаси йўқ бўлмайди, патлари аввалгидек ярқираб, нур сочишда давом этаверади. Лекин кимдир бу фаройиб шуълаларни эгалламоқчи бўлиб, унинг лоақал битта патини юлиб олса, ўша заҳоти қора ҳасаддан кўр бўлади.

Бу ноёб қушнинг номи Хумо ёки Ёркиндир, У асрлар бўйи сўнмайдиган ҳақиқий шон-шухратга ўхшайди. Уни бирор зот йўқ қилолмайди. (Диктантлар тўплами)



## 54-ДАРС

### СИНОНИМИЯ — УСЛУБШУНОСЛИК АСОСИ

Ўзбек тили, узоқ маданий анъанасига эга бўлган ҳар қандай ривожланган тил каби, жуда бой услубий ифода имкониятларига эга. Ана шундай имкониятлардан мохирона фойдаланиш сўзловчидан катта билим, кўникма ва маҳорат талаб қилади. Нутқнинг услубий ифода имкониятлари:

- 1) синонимия;
- 2) образлилик.

Услубий воситаларнинг муҳим маъбаи синонимиядир. Бу бежиз эмас. Чунки ранг-баранг тил имкониятларидан шу нутқ учун мувофиқ келадиган биттасини танлаш имконияти синонимия билан боғлиқдир. Синонимия лексик, фразеологик, морфологик ва синтактик синонимларни ўз ичига олади.

#### 54.1 ЛЕКСИК ВА ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМИЯ

**Лексик синонимия.** Синонимик муносабатда бўлган лексик бирликлар синонимик қаторни ташкил этади. Сўзловчи ўз нутқида ҳар бир синонимик қатордан максатда мувофиғини танлаб қўллайди. Масалан: *юз, чехра, рухсор, афт, башира, турк*.

Синонимик қатордаги айрим сўзлар маълум услубга ҳосланиши билан бошқаларидан ажралиб туради. Масалан:

келди, таширф буюрди. Иккинчиси расмий, публицистик ва бадний услуб учун хосдир: *кўклам, баҳор; офтоб, қуёш* синонимларидан *кўклам, офтоб* сўзлари илмий услубда қўлланмайди. Демак, лексик синонимлар икки хил: мазмуний-синонимлар, услубий синонимлар.

Маънодаги кучли-кучсизлик даражаси (*йиғламоқ-сихтамоқ, ўқирмоқ*) ва ижобий-салбий бўёғи (*кулмоқ-тиржаймоқ*) жиҳатдан фаркланадиган синонимлар мазмуний синонимлар дейлади.

Услубий фаркланадиган синонимлар услубий синонимлар дейлади.

Фразеологик синонимия. Маънодошлик фразеологик бирликларга ҳам хосдир. Масалан: *қўлни ювиб қўлтиққа урди – ҳафсаласи пир бўлди* (совиди) – *қўлтигидан тарвузи тушиб кетди; Кайфи учиб кетди – эси чиқиб кетди – юраги ёрилаёзди* каби.

Фразеологик бирликлар билан лексик бирликлар ҳам бир синонимик қаторни ташкил қилади.

Масалан: *Кайфи учиб кетди – эси чиқиб кетди – юраги ёрилаёзди – кўрқди; лом-мум демади – мум тишлади – гапирмади.*

195- машқ. Берилган сўзларга 4 тадан синоним топиб ёзинг.

Жилмаймоқ. Тўсатдан. Аввалги. Сахий. Аввал. Уят.

196-машқ. *Тарвузи қўлтигидан тушмоқ, тепа сочи тикка бўлмоқ, хамирдан қил сугургандай* фразеологик бирликларининг лексик синонимларини топинг ва уларни гап ичида келтиринг.

## 54.2. СИНТАКТИК СИНОНИМИЯ

Маънони бўрттириб ифодалашда синтактик синонимиянинг аҳамияти катта. Синтактик синонимия қуйидагича намоён бўлади:

- 1) гап бўлаклари тартибининг ўзгариши;
- 2) лексик урғунинг ўзгариши;
- 3) гапнинг бир ифода орқали бошқа маънони ифодалаш: сўроқ шакли орқали хабар ифодалаш, сўроқ шакли орқали буйруқ ифодалаш ва бошқалар. Булардан гап бўлаклари

ва мантикий урғунинг ўзгариши маълум гап бўлагининг аҳамиятлилик даражасини кўрсатса, бир ифода шакли орқали бошқа маъно ифодаланиши билан маъно одатдагидан кучайтирилади. Масалан:

*тартиб ўзгариши* *мантикий урғу ўзгариши*

*Мен бугун соат саккизда мактабга келдим. Мен бугун соат саккизда мактабга келдим.*

*Мен бугун мактабга соат саккизда келдим. Мен бугун соат саккизда мактабга келдим.*

*Мен мактабга соат саккизда бугун келдим. Мен бугун соат саккизда мактабга келдим.*

*Бугун мактабга соат саккизда мен келдим. Мен бугун соат саккизда мактабга келдим.*

*Бу китобни ким ўқимабди? (Бу китобни ҳамма ўқиган) Бормайсизми? (Боринг)*

197-машқ. Синтактик услубият имкониятларидан фойдаланиб, “Биз тинчлик тарафдоримиз” мавзусида хикоя ёзинг.

## 55-ДАРС

### НУТҚ МАДАНИЯТИ

Нутқ тўғри, аниқ, ифодали, ўринли ва таъсирчан бўлмоғи лозим. Нутқ қанчалик тўғри ва аниқ бўлса, шунчалик тушунарли, қанчалик ифодали бўлса, шунчалик таъсирчан бўлади.

Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантикий изчиллиги, ифодалилиги, бойлиги ва ўринлилиги унинг алоқа сифатини ташкил этади.

Тилшуносликда нутқнинг алоқа сифати ҳамда уни ўрганадиган бўлим нутқ маданияти саналади.

Демак, «Нутқ маданияти» атамаси икки маънони ифодалайди:

1. Нутқнинг алоқа сифати.

2. Тилшуносликнинг нутқнинг алоқа сифатини ўрганувчи соҳаси.

Нутқ маданияти деганда, аввало, адабий тил меъёрларига, нутқнинг аниқлигига, мантиқчилигига, ифодалилигига, софлигига, бойлиги ва ўринлилигига амал қилиб сўзлаш тушунилади.

Демак, нутқ маданиятининг унсурлари: 1) адабий тил меъёрига амал қилиш; 2) аниқлик; 3) мантиқлилик; 4) ифодалилик; 5) софлик; 6) ранг-баранглик; 7) ўришлиликдир.

Адабий тил меъёрларидан лексик, грамматик ва услубий меъёрлар нутқнинг ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклига оид бўлса, орфографик меъёр фақат ёзма нутққа, талаффуз меъёр эса фақат оғзаки нутққа хосдир.

Аниқлик – бу сўзнинг ўзи ифодалаган нарса (ходиса) билан катъий мувофиқ бўлиши демакдир.

Мантиқлилик аниқлик билан чамбарчас боғлиқ. Мантиқлилик – фикр аниқлигидир.

Нутқнинг софлиги деганда адабий меъёрга бегона сўزلардан ҳамда ахлокий меъёрга мувофиқ келмайдиган сўزلардан, ҳар хил ортиқча сўزلардан холи бўлган нутқ тушунилади.

Нутқнинг ифодалилиги тингловчининг эътибори ва қизиқишини торга олишдир.

Нутқнинг бойлиги унинг ранг-баранглиги билан белгиланади. Нутқда бир хил сўзлар қанчалик такрорланмаса, синонимларга қанчалик бой бўлса, у шунчалик ранг-баранг бўлади.

Ўришлилик – нутқ услубидан, адабий тил меъёрларидан, синонимлардан ўришли, мақсадга мувофиқ фойдалана олиш демакдир.

Ҳар бир киши етук маданиятли бўлмоғи учун, аввало, нутқ маданиятини эгалламоғи лозим.

198-машқ. Магнитофон орқали машҳур нутқ маданияти намояндаларининг маърузаларини тингланг.

199-машқ. Адабиёт дарсида ўтган бирон асарни нутқ маданиятига амал қилган ҳолда ҳикоя қилиб бериш. Ўртоғингиз ҳикоясида йўл қўйган хатоларни тузатиш.

200-машқ. Қуйидаги фикрларни ўқиб ўзингиз унга амал қилиш.

1. Кимки жўн нарсалар ҳақида оддийгина, кундалик воқеалар ҳақида ўртамиёна, улуғ ҳодисалар ҳақида – завқ-шавқ билан гапирса, шу одам сўз санъатининг чинакам устасидир. Одамларнинг дилига қўрқув, ғазаб ва қайғу сола билиш ва, аксинча, бу хилда ҳаяжонли ҳолатлардан халос қилиб, уларнинг руҳида хотиржамлик, меҳр-шафқат

хисларини уйғота олиш нотикнинг асосий хислатидир.  
(*Цицерон*)

2. Яхши фикрлар тиниқ услубни талаб қилади. Услуб — бу либос; фикр либос тагидаги баданга ўхшайди.  
(*Ф.М.Достоевский*)

3. Нотиклик – жавохирнинг ўзгинаси, салмоғига қараб нур таратади. Асл донолик қисқа ифодаланади. (*Л.Т.*)

**201-машк. Услубиятга оид бўлган тестларни муस्ताқил бажаринг.**

**1. Қуйидаги гапларнинг қайси бири услуб жиҳатдан нотўғри шакллаган?**

А. Кўзинг оғриси кўлингни тий, тишинг оғриси тилингни.

Б. Сотиболдининг хотини оғриб колди.

В. СПИД касали билан касалланганлар сони ортиб бормоқда.

Г. Жароҳати оғирлигидан касал тинмай инграр эди.

Д. Дард чекмаган дори кадрини билмас.

**2. Қуйидаги гапта йўл қўйилган услубий хатошнинг қайси нисбатга алоқадорлигини белгиланг.**

*Бу мақолада Туркистон бирлиги аниқ мисоллар билан асосланиб берилган.*

А. Аниқлик нисбат билан ўзлик нисбатига.

Б. Ўзлик нисбати билан биргалик нисбатига.

В. Аниқлик нисбат билан мажхул нисбатга.

Г. Мажхул нисбат билан ўзлик нисбатга

Д. Биргалик нисбат билан аниқлик нисбатига.

**3. Нутқ маданиятига тўлиқ таъриф берилган каторни аниқланг.**

А. Луғавий меъёрларга риоя қилиш.

Б. Тўғри ёзиш қондаларига риоя қилиш.

В. Тўғри талаффуз меъёрига риоя қилиш.

Г. Манتيкий изчилликка ва адабий тил меъёрларига риоя қилган ҳолда тўғри, аниқ ва ёқимли сўзлаш.

Д. Ёқимли сўзлаш.

**4. Қуйидаги сўзларнинг қайси бири фақат бадний услубга хос?**

А. Каби Б. Янглиғ В. Мисоли Г. Сингари Д. Ўхшаш.

**5. Товуш такроран услубий вазифа бажарётган сўз катнашган гапни белгилаң.**

А. У Назиранинг гапидан каттиқ ранжиди.

Б. Салимов нима дейишини билмай гўдайиб тураверди.

В. Ўқитувчи битирувчиларга катта муваффақиятлар тилади.

Г. Ўрозмат саёхатдан олдин олган таассуротларини сўзлаб берди.

Д. Ватанимиз мудофаа қудратини оширингиз.

**6. Қуйидаги гаплардан илмий услубга тегишлисини белгилаң.**

А. Қани энди, барчаси ҳам сенга ўхшаса.

Б. Майин шамол дарахт япроқларини аста тортқилайди.

В. Мушфик онанинг ҳасратлари бир дунё эди.

Г. Ёнишнинг ташки белгиси иссиқлик ва ёруғлик чиқишидир.

Д. Ҳосилдан бўшаган ерлар хайдалиб, шўр ювишга тайёрлаб қўйилди.

**7. Қуйидаги синоним сўзлардан кўпроқ сўзлашув услубига тегишлисини белгилаң.**

А. Роҳат. Б. Маза. В. Ҳузур. Г. Лаззат. Д. Фароғат.

**8. Қайси катордаги гап услубий жиҳатдан хато қўлланган?**

А. Дўстликни ардоқлаш керак.

Б. Болалик уй – бозор, боласиз уй – мозор.

В. Эшик очик бўлса ҳам, сўраб кир.

Г. Ёқимли шамол эса бошлади.

Д. Барча гаплар услубий жиҳатдан тўғри қўлланган.

**9. Расмий услубда кўпинча қандай гаплардан фойдаланилади?**

А. Фақат дарак.

Б. Асосан буйруқ гаплардан.

В. Асосан буйруқ ва ҳис -ҳаяжон гаплардан.

Г. Асосан буйруқ ва дарак гаплардан.

Д. Дарак, буйруқ ва ҳис- ҳаяжон гаплардан.

**10. Қандай сўзлар услубий бетараф сўзлар ҳисобланади?**

А. Шевага ҳос сўзлар.

Б. Маълум услубларгагина ҳос сўзлар .

- В. Фақат сўзлашув услубига хос сўзлар.
- Г. Атама ва касб хунарга оид сўзлар.
- Д. Барча услубларда ишлатиладиган сўзлар.

**11. Қайси гапда *қуйилмоқ* феъли услубий жихатдан нотўғри қўлланган?**

- А. Бир кунда икки минг дона гишт қуйилди.
- Б. Булутлар тобора қуйилиб, қорайиб борарди.
- В. Симёғочлардаги чироклардан нур ерга сутдай қуйилиб турарди.
- Г. Сирдарё Орол денгизига қуйилади.
- Д. Кўзларимни зўрға очдим – ковокларим кўрғошиндан қуйилган сингари оғир эди.

**12. Қуйидаги матн қайси услубга хос?**

*Бўйганингдан онанг ўргилсин! Бахтинга тасаддуқ бўлай ўзганим! Аспирантуранг битдимми?*

- А. Оммабоп (публицистик) услубга.
- Б. Сўзлашув услубига.
- Г. Илмий услубга.
- В. Расмий услубга.
- Д. Бадний услубга.

**13. Расмий услуб учун хос хусусиятни белгиланг.**

- А. Кўп маъноли сўзлар ишлатилади.
- Б. Атамалар қўлланади.
- В. Ибора ва жумталар маълум қолипда бўлади.
- Г. Шевага хос сўзлар фаол қўлланилади.
- Д. Ўхшатиш, сифатлаш ишлатилади.

**14. Келтирилган гапнинг услубини топинг.**

*Ойижон, ойижон, бошганим оғрийди -ё. (Кўшиқдан)*

- А. Сўзлашув
- Б. Расмий- идоравий
- В. Илмий
- Г. Публицистик
- Д. Бадний

**15. Бадний услубга хос бўлган гапни аниқланг.**

- А. Сен менга: “Овқатнинг ундоғ, овқатинг бундоғ” деган гапни килаверма.
- Б. Стоканларнинг иккаласида ҳам рангли эритма бор.
- В. Маълумотнома туман ҳокимиятига кўрсатилсин.
- Г. Бутун осмошни булутларнинг оғир, қалин, қорамтир намати қоплаган.

Д. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мустақиллик шарофатидир.

**16. Қайси қатордаги гап услубий жиҳатдан хато қўйилган?**

А. Ҳазм бўлмаган таом уни еган одамнинг ўзини ейди.

Б. Э, Рузвон буви, буям сизга ўхшаш ётиғи билан гапирса экан.

В. Ҳар нарсанинг ози ширин бўлганидек, гурунчли овқатларни истеъмол қилишни ҳам меъёридан оширманг.

Г. Наврўз байрами тантаналари телевидение орқали намойиш қилинди.

Д. Берилган гаплар услубий жиҳатдан адабий тил меъёрлари асосида тўғри тузилган.

**17. Ушбу матн қайси услубга тегишли?**

Бодом февраль ойида гуллайди. Қайрағоч – қурилиш материали, шунингдек, мебель корхоналари учун қимматли хом ашё.

А. Илмий.

Б. Бадиий.

В. Сўзлашув.

Г. Публицистик.

Д. Расмий.

**18. Қуйидаги матн қайси услубга тегишли? Жўякларда сув бир ҳовуч кўз ёшидай милтираб оқиб турибди. Қуёш қаймоқ суртилган ширмон нондек уфққа қизариб бота бошлади.**

А. Расмий.

Б. Публицистик.

В. Бадиий.

Г. Сўзлашув.

Д. Илмий.

**Такрорлаш учун саволлар**

1. Услубшунослик нимани ўрганади?

2. Нутқнинг қандай услублари бор? Улар қандай муҳим белгиларга эга?

3. Қандай услубий воситаларни биласиз?

4. Синонимия нима учун услубшунослик асоси саналади? Лексик ва синтактик синонимларга мисол келтиринг.

5. Нутқ маданияти нима ва у қандай унсурларни ўз ичига олади? Ҳар қайси унсурни тушунтиринг.

**202-машқ. Ўқинг. Матнни қайси услубда ёзилганини айтинг. Услубни нима асосда белгилаганингизни тушунтиринг.**

## ЎҒРИ

Расулulloҳ айтибдилар: «Менинг умматимга ҳам илгари ўтганларнинг касали етиб келади». «Илгари ўтганларнинг касали не эди?» – деб сўрадилар. Расулulloҳ жавоб килдилар: «Кибр-хаво, манманлик, мол-дунё орттиришдаги ракобат, бир-биридан четланиш ва зулмга, сўнгра эса бош-бошдоқликка олиб борадиган ҳасадгўйлик». Пайғамбар алайҳиссалом яна шундай деганлар: «Умматим ичида энг кўп кўрқадиган нарсам, уларнинг мол-дунёлари кўпайиши натижасида бир-бирларига ҳасад қилиб, ўзаро низолар чиқишидир... Олов ўтинни егани каби ҳасад яхши амалларни ейди». Қилинган биринчи гуноҳ – ҳасад бўлган эди. Иблис Одам алайҳиссаломнинг мартабаларига ҳасад қилиб, у зотга сажда қилишдан бош тортди – ҳасад уни гуноҳга етаклади. Тангри берган неъматлар орасида нафс деган бир лафз борки, бунда инсондаги барча ёмон сифатларни ўзида жамлаган зўравон кучни назарда тутадилар ва шу боис дейдилар: «Доимо нафсга қарши курашиш ва мудом уни синдириш лозим, зеро пайғамбар алайҳиссалом: «Энг каттол душманинг – ўз ичингдаги нафсингдир», – деганлар.

Мударрис Низом қоровул «Жавобим шу», – дегандай, Жаҳонгирга қаради. Жаҳонгир Абу Ҳамид Ғаззолийнинг асарини эслади.

Шу зайдда бошланган суҳбатнинг чек-чегараси йўқдек эди. Токчадаги китоблар қўлга олинди, варақланди, ўзига ҳикматларни яширган сатрлар тилга кирди...

Олма қоқидан дамланган чойдан ичиб, тунни тонгга уладилар... (Т. М.)

## ЎҚУВ ЙИЛИ ОХИРИДА ТАКРОРЛАШ

### *Такрорлаш учун савол ва топшириқлар*

1. Қўшма гапларнинг қандай турларини билиб олдингиз?
2. Боғланган қўшма гапга таъриф беринг ва мисоллар келтиринг.

3. Боғланган қўшма гаплар қандай ҳосил бўлади?

4. Боғланган қўшма гап турларини айтинг. Мисоллар асосида бир-биридан фарқини тушунтиринг.

5. Боғловчисиз қўшма гапларда қандай тиниш белгилари қўлланилади? Фикрингизни мисоллар асосида исботланг. Икки нуқта (:) ва тире (-) нинг қўлланишига оид мисоллар келтиринг.

6. Эргаш гапли қўшма гап билан боғланган қўшма гап ўртасидаги фарқни айтинг. Боғланган қўшма гапга бир мисол келтириб, уни эргаш гапли қўшма гапга айлантiring.

7. Эргашган қўшма гаплар қандай ҳосил бўлади?

8. Эргаш гаплар қандай воситалар ёрдамида бош гапга боғланади?

9. Эргаш ва бош гаплар ҳақида маълумот беринг. Фикрингизни мисоллар асосида изоҳланг.

10. Эргаш гапнинг турларини сананг.

11. Қайси эргаш гаплар бош гапга *-ки* ёрдамида боғланади? Уларни санаб беринг.

12. Қайси эргаш гапларнинг кесими феълнинг шарт майли шаклидан ифодаланади ва улар нима асосида бир-биридан фарқланади?

13. Эга ва кесим эргаш гапли қўшма гапларга мисоллар келтиринг.

14. Тўлдирувчи ва аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларга мисоллар келтириб, эргаш гаплар бош гапга қандай восита билан боғланганини изоҳланг.

15. Равиш эргаш гапли қўшма гапга бадий асарлардан мисоллар топиб ёзинг.

16. Пайт ва ўрин эргаш гапли қўшма гапларга мисоллар ёзиб, боғловчи воситаларининг тагига чизинг.

17. Ўхшатиш-чоғиштириш эргаш гапли қўшма гапга 2 та мисол келтиринг, бош ва эргаш гапларни аниқланг.

18. Микдор-даража эргаш гаплар қандай воситалар ёрдамида бош гапга боғланади? Фикрингизни мисоллар асосида тушунтиринг.

19. Шарт ва сабаб эргаш гапли қўшма гапларга мисоллар келтиринг, боғловчи воситаларини изоҳланг.

20. Мақсад эргаш гапли қўшма гапга 2 та мисол ёзинг, бош ва эргаш гапларни аниқланг.

21. Натижа эргаш гаплар бош гапга қандай бирикади?

Фикрингизни исботлаш учун натижа эргаш гапли қўшма гапга 4 та мисол келтиринг.

22. Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапга 2 та мисол ёзиб, бош ва эргаш гапларни аниқланг ва боғловчи воситаларининг тагига чизинг.

23. Бир неча эргаш гапли қўшма гапга мисоллар келтиринг. Бош гап билан эргаш гапларни аниқланг.

24. Бир неча эргаш гапли қўшма гапларни оғзаки нутқингизда қўллаб кўринг ва буларни катнаштириб ўзингиз хоҳлаган мавзуда эссе ёзишга тайёрланинг.

25. Аралаш турдаги мураккаб қўшма гапларга мисоллар келтириб, тиниш белгиларининг қўлланилишига диққат қилинг.

**203-машқ. Ўқинг.** Берилган қўшма гапларни содда гапларга ажратиб кўчиринг, бош бўлақлар тагига чизинг. 1- ва 2-гапларининг мазмунини изоҳланг.

1. Яхши йигит юрт тузар, ёмон йигит юрт бузар. (*М.*)  
2. Айтган баъзи сўзларимдан каттиқ надомат тортдим, аммо айтмаган сўзларимдан ҳеч пушаймон бўлмадим. (*Х.*)  
3. Ўқтамнинг нияти холис, фикрлари ёркин. 4. Бир отанинг болаларидек еримиз бир, тарихимиз бир. 5. Султонмурод у қизни қўлдан кетганлигига ишонади, лекин унинг кўнгли ақл ва мантиқ сўзига қулоқ солмайди. (*О.*) 6. Февралнинг охирлари қорлар эриб, киш чекина бошлаган, аммо ҳали қўклам келмаган. (*Ў.Х.*)

**204-машқ. Ўқинг.** Аввал содда гапларни, сўнг қўшма гапларни кўчиринг. Бош бўлақлар тагига чизинг.

1. Абдулла Қаҳҳор ҳаётда ҳам, бадийий ижодда ҳам ўз ҳақиқатларини топган, шу ҳақиқатлар учун сабот билан курашган санъаткордир. (*И.Ҳаққул*) 2. Асаблар қакшаган: на газета ўқиб бўлади ва на телевизор кўриб... 3. Одам инсонлар ва халқлар тақдирига ўзини дахлдор деб билсагина шахс сифатида кўринади. (*Ас.М.*) 4. Султонмурод хаддан ташқари қувониб, олимнинг кетидан уйга кирди. (*О.*) 5. Ҳар бир гулнинг ўзига хос бўйи бўлганидек, ота-она учун ҳам ҳар бир фарзанднинг ўз ўрни бор. (*М.Ис.*) 6. Бодринг – қовоқгулдилар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик бўлиб,

ер бағирлаб ўсади. (*Жури.*) 7. Энди унинг сочлари тўзғиб кетган, кўзларида ўт чакнарни. (*С.А.*)

8. Шеър, Фарзанд, Яхшилик – мисли полапон,  
Таркалиб кетдилар ҳаммаси ҳар ён.  
Оламда қанчаки ёмонлик бўлса,  
Ёспирилиб келдилар бари мен томон. (*А.О.*)

205-машқ. Ўқинг. Аввал боғланган кўшма гапларни, сўнг эргашган кўшма гапларни кўчиринг. Боғловчи воситаларнинг тағига чизинг.

1. Ёмғир шивалаб турибди-ю, қор совуғи келарди.  
2. Истар эдикки, ҳар бир бола яшаб турган ёруғ кунлари сингари чехраси чароғон, дили пок – оккўнгил бўлиб етилсин! (*М.Ис.*) 3. Юрак ақлга ақл кўшиши мумкин, лекин ақл юракка юрак кўша олмайди. (*А.Франс*) 4. Бўралаб ёғаётган қор кўз очиргани кўймас, лекин йиғилган одамлар совуқдан оёқ типирлатиш эмас, балки киприк ҳам қокмас эдилар. (*С.З.*) 5. Унинг томоғини йиғи бўғиб келди-ю, йиғлашга кучи етмади. (*А.Қод.*) 6. Кимки оғир дамларда дўстини ташлаб кетса, ўзи ҳам кулфатга йўликади. (*Ҳ.*)

206-машқ. Ўқинг. Боғловчисиз кўшма гапларни боғловчилик боғланган ёки эргашган кўшма гапга айлантириб кўчиринг. Тиниш белгиларининг ишлатилишига диққат қилинг.

1. Ҳар ким билганича мулоҳаза юритади, бу мулоҳазалар баъзан тўғри, баъзан нотўғри бўлади. (*Жури.*) 2. Йигитнинг кўкрагини қайғу тўлкини қоплади, у чуқур хўрсинди! (*О.*) 3. У бундай оғрикка парво қилмади, курғур дард унга елимдай ёпишиб олди. (*Жури.*) 4. У фақат бир нарсани идрок этди – отасининг ҳукми мутлақ тўғри! (*Т.М.*) 5. Дастлабки пайтларда Нодир бу гаплардан жуда ийманар, уста эса кулиб кўя қоларди. (*О.Ё.*) 6. Унинг киприкларида севинч ёшлари милтирар, юзида бахт нури порлар эди. (*Ч.А.*) 7. Қаердадир бақа қуриллайди, чигирткаларнинг сайраши ҳам авжида.

207-машқ. Турли манбалардан тилшунос олимларнинг тил ва сўзининг қудрати ҳақидаги фикрларини, ҳикматли сўз ва мақолларни излаб топиб, энг сара жумлаларни ажратинг. Гаплардаги бош бўлақларни аниқлаб, аввал содда гапларни, кейин кўшма гапларни дафтарингизга кўчиринг.

208-машк. Ўқинг. Эргаш гапли кўшма гапларни ажратинг ва турини аниқланг. Ўзингиз мустақил равишда иккита эргаш гапли синтактик таҳлил қилинг.

Хужралар бўм-бўшдек кўринса ҳам, хонақоҳнинг пинжига тикилган, қуёшга терс бир хужрада тўрт киши гуж бўлиб, одатдагича гурунглашиб ўтиришар эди. Хужра тор, заҳқаш. Эшикчанинг ланг очиқ бўлишига, баҳор қуёшида кўз камаштириб порлаган кундузга қарамай, бу ерда ним коронғилик ҳукм сурарди. Бу нарса ёлғиз бу хужрага хос сифат эмас, албатта. Мадраса хужралари – толиби илмлар масканларининг кенг, баҳаво бўлиши гўё одатга, анъанага, бутун зеҳниятга зид бўлганидек, Шарқда мадраса хужралари бир-биридан ҳеч фарқ қилмайди, дейиш мумкин...

“Илм – игна билан кудук қазиш” деган қадимги фикрга хужраларнинг андозаси ёрқин бир мисол бўлсин, деб бир замонлар меъморий санъатда толиби илмлар учун шу андозани қабул қилган бўлсалар, эҳтимол. (О.)

209-машк. Берилган содда гапларни эргаш гаплар билан тўдиқлаб, эргаш гапли кўшма гаплар ҳосил қилинг. Зарур ўринларга тиниш белгиларини қўйиб, ҳосил бўлган гапларни кўчиринг.

1. Таваккалчи ишени битирар. 2. Бизга берилган топшириқ шундан иборат. 3. Билим шундай хазина. 4. Ақл ҳам, фикр ҳам саломат бўлади. 5. Булутлар шу қадар ҳаракатсиз, тиник эди. 6. Райхоннинг кўзига ёш тўларди.

210-машк. Ўқинг. Берилган гапларни таҳлил қилинг: нечта содда гапдан ташкил топганини, содда гаплар ўзаро қандай боғланганини, кўшма гапнинг қайси турига киришини айтинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтиринг.

1. Бу кун онанг сенинг олдингда тиз чўкиб ва онанг кўнгли учун мен ҳам орага тушиб сендан сўраймиз: сен ўз хоҳишинг йўлида уйланган экансан, рафиқанг сенга муборак бўлсин. (А.Қод.) 2. Ҳоким тўрани йўлга солиш қийин бўлади, унга бир нарса дегани кўрқаман, чунки иш жуда хунук. (Чўлпон) 3. Зайнаб бир оз уялиб, юзи қизара бошлади, лекин ўзини тезда қўлга олди: йиғлаши мумкин бўлмаган Асадбекнинг кизи уялмаслиги ҳам шарт! (Т.М.) 4. Чин инсон ҳаққоният учун

мустаҳкам туриб курашар экан, у ҳеч қачон ёлғиз қолмайди, чунки унинг энг қудратли кўмакчиси пок виждонидир. (P.Y.) 5. Боғни зулмат қоплаган, дарахтларнинг турларини пайқаш қийин, лекин деярли ҳаммаси қатор-қатор сада қайрағочларни эслатарди. (X.F.)

211-машқ. Ўқинг. Зарур ўринларга тиниш белгиларидан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг ва қўшма гапнинг қайси турига киришини кавс ичига ёзиб қўйинг. 1- ва 6-гапларни синтактик таҳлил қилинг.

1. Буларнинг барисига жавоб ахтарсам оқибат не бўлиши аён қисса четда қолиб нукул дийдиё бошланиб кетади. (Ў.Х.) 2. Агар хат тўғрисида бир оғиз гапирилганида Саидий ўша куни журнал идорасида бўлган гапларни бошдан-оёқ айтиб берар эди. (А.Қ.) 3. Кимки бу ҳақиқатга тушунмай адолатсизлик йўлини тутар экан охири вой бўлиши муқаррар. (Журн.) 4. Истайманки шоирнинг орзулари умидлари туш эмас ҳақиқатга айлансин. (О.) 5. Эрталабки шамол дарё бўйлаб шундай эдики худди тинч оқаятган сувнинг юзи буришиб кетгандай бўлди. 6. Қайси жамиятда ёлғон кўп бўлса у лоқайдлашади тараққиёт сусаяди адоват кучаяди. (Газ.) 7. Лекин шунисидан хотиржаммизки йўқни йўндирмадик Махдумнинг шаънида бор гапларнигина ёздик. (А.Қод.)

212-машқ. Матнини диққат билан ўқинг ва мазмуини сўзланг. Қўшма гапларни аниқлаб, дафтарингизга кўчиринг ва синтактик таҳлил қилинг.

Ҳар бир дарахтнинг меваси бор, кўнгилнинг меваси эса фарзанддир. Шунини чуқур англамоқ керакки, ота-она учун фарзанддан кўра яқинроқ кимса йўқ, ота-онанинг фарзандга бўлган меҳр-муҳаббати қанчалик юксаклигини баён қилиш қийин. Шунинг учун фарзанд ота-онага итоат этиш билан бирга, уларга чин дилдан ишониши ва барча соҳада уларни сирдош деб билиши зарур. Ота-онанинг сўзларига ишонмаган, улардан ўзини ақлли ва ишбилармон деб ҳисоблаган болалар турли қийинчиликлар ва ҳар хил

офатларга дучор бўладилар. Чунки ишончсизлик одамда алдов ва ёлгончиликни туғдиради, ёлгончилик эса барча қабихликларни юзага чиқаради. Бировга ёлгон гапириш энг ярамас одат, ота-онани алдаш, ғафлатда колдириш эса энг катта гуноҳ, ота-она учун жуда ёмон укубат ва ҳақоратдир. Фарзанд кийин аҳвол ёки бирор кулфатга дучор бўлганда ота-онасини бундан огоҳ қилса, ота-она ўзининг ақли, тажрибаси билан бу кийин ҳолатдан чиқиш йўлини кўрсатиб беради.

Фарзанд ота-онанинг бахти ва қувончи бўлишига қарамай, агар у ота-она ризолигидан ташқари иш тутса, ундай бераҳм, ноқобил фарзанддан ақлли, фаросатли бегона яхшидир. Гапнинг қисқаси шуки, ҳар бир фарзанд ота-онасини ўз аҳволдан, қилаётган ишидан воқиф қилиши, уларнинг панд-насиҳатларига қулоқ солиши ва амал қилиши, яхши ишларидан ибрат олиши, маслаҳат ва тажрибаларидан ҳаётда фойдаланишлари шарт ва зарур.

*(“Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони” дан)*

**213-машқ.** Ўқинг. Тўртликларнинг мазмунини тушутиринг. Тиниш белгилари нима учун қўйилганини изоҳланг.

1. Биласанми, тилинг недур оғизда,  
Ақл хонасига калит доимо!  
Эшик ёпик бўлса, билиб бўлмайди  
Хона ичра девми, фариштами ё! *(Ибн Камолтошишо)*
2. Уйқуга бош қўйдим, ёнимда китоб,  
Китобдан ногаҳон келди бир хитоб:  
– Эй, инсон, ғафлатнинг бандаси бўлма,  
Умр оз, ўтади сув каби шитоб. *(М. Ҳасаний)*
3. Бўлса агар суву парча қотган нон,  
Ўзга қосасига кўз тикма инсон.  
Бўлсанг агар тожу тахт учун мухтож,  
Заминни тахт деб бил ва қуёшни тож!  
*(Ибн Маҳмуд)*

4. Сирлар ичкаридан чиқиб ташқари,  
Неча ботирларни қилар сарсари!  
Шундай яхши гапни айтмиш бир хушёр:  
“Бошинг керак бўлса, сир сақлаш даркор!”

(С.Термизий)

Узоқ яшамокқа бор битга ёрлик.  
Мингга бормасак ҳам кирардик юзга  
Дунёда бўлмаса гар дилозорлик. (А.О.)

214-машқ. Матни диққат билан ўқинг. Унда илгари сурилган фикр  
нимода эканини аниқланг. Қўшма гапларни ажратиб, дафтарингизга  
ёзинг ва синтактик таҳлил қилинг.

## ЕТТИ ОҒАЙНИ ЮЛДУЗИ

(Инглиз асотири)

Узоқ қадим замонда ер юзида каттик курғокчилик бўлган экан: бутун дарёлар, жилғалар, кудуклар курғаб қолибди. Дарахтлар ва ўт-ўланлар қовжирабди, ташналикдан одамлару жониворлар ҳам нобуд бўлибди.

Бир кечаси кизалоқ бетоб онаси учун сув топиб келмоқ мақсадида чўмич кўтариб уйдан чиқибди. Ҳеч ердан сув топа олмабди ва хориб-чарчаганидан далада ўт-ўлан устида ухлаб қолибди. Уйғониб чўмични олмоқчи бўлган экан ундаги сувни тўкиб юборибди. Чўмич янги тиник сув билан тўла эди. Қизалоқ қувониб кетиб сувни ичмоқчи бўлибди, лекин онамга етмай қолмасин деб ўйланибди-да, чўмични кўтарганича уйга чолибди. У шошилганидан оёқлари остидаги кучукни пайқамабди, унга қоқилиб кетибди ва чўмични қўлдан тушириб юборибди. Кучук аянчли ангилабди, кизалоқ чўмичга ёпишибди.

У сувни тўкиб юбордим, деб ўйлаган эди, аммо чўмич боягидай ичи тўла сув эди. кизалоқ ҳовучига сувдан андак қуйибди, кучук уни ялаб-юлқабди, яйраб эркаланибди. Бу хил саховатдан сўнг ёғоч чўмич кумушдан бўлиб қолибди.

Қизалоқ чўмични уйга олиб келибди-да, онасига узатибди. Она: “Мен барибир ўламан, яхшиси, ўзинг ич”.

– дебди ва чўмични қайтариб қизига берибди. Кумуш чўмич эса ўша заҳоти олтидан бўлиб қолибди. қизалоқ ортиқ токат кила олмабди-да, энди чўмичга оғиз қўймоқчи бўлганда, эшикдан мусофир кириб келибди ва ичгани сув сўрабди. қизалоқ оғзидаги сўлагини ютибди-да, чўмични мусофирга келтириб берибди. Шу чоғ чўмичдан еттита йирик-йирик биллур доналар отилиб чикибди ва билакдан ҳам йўғон тоза зиллол сув тори шалоладек оқа бошлабди.

Етти биллур донаси бўлса тобора юксала-юксала ниҳоят осмонга кўтарилибди ва Етти Оғайни (Чўмич) юлдузларига айланибди.

**215-машк.** Ўқинг. Аввал бир неча эргаш гапли қўшма гапларни, кейин аралаш турдаги мураккаб қўшма гапларни ёзинг. Мустақил равишда 2 та гапни синтактик таҳлил қилинг.

1. Биз худои таолога минглаб шукр айтамизки, сен эслихушли бўлдинг; кишилардек сен билан ифтихор қилмасак-да, сен орқали хижолат чекмасимизга ишондик. (*А.Қод.*)  
2. Топмайман, лекин барибир ишончим комил: бир кун хузуримга келасан, бу оламда танҳо иккимиз қолиб дилдан суҳбат қурамиз. 3. Айбдорнинг қимлиги суриштирилгач, суд дарҳол ўрнидан туриб, айбномани ўқиди, кейин қалта савод-жавоблар кетди. 4. Агар виждони пок инсон бирор ярамас муҳитга кириб қолса-ю, бора-бора у муҳитга поклик кирита олса, у чиндан ҳам иродали инсондир, аксинча, ўзи ҳам ўша муҳитга мослашиб кетса, бу унинг иродасизлигидир. (*Р.У.*) 5. Тупроқни чақалоқдай тарбияласанг, дур беради: ўз ҳолига ташлаб қўйсанг, ботқоққа айланиб сени ютади. (*Х.Е.*) 6. Бирдан қассобнинг хўрлиги келди: бояги истақ янги пайдо бўлган меҳр кучи билан йўғрилиб, юзага қалкиб чиқди, бироқ у гапиролмас, тили айланмас эди. (*Журн.*) 7. Уйдан чиққандан бери юраги ғаш: эри касал, қизининг юзларидан қон қочган, кўзларига хасталик булути кўланка солган. (*Т.М.*) 8. Ўша хушнуд кунларини эсласа, умр йўлдошидан гап очилса, Райҳоннинг кўзига ёш тўларди.

216-машк. Ўқинг. Эргаш гапли қўшма гапларнинг турини аниқлаб, тивиш белгиларининг қўйилиш сабабини изоҳланг.

1. Қоракумда ҳаво шундай исиб кетар эдики, ҳатто нафас олиш ҳам қийинлашарди. (*Мирм.*) 2. Оксой тоғ оралиғидаги кишлок бўлгани учунми, бу ерга баҳор кечроқ келади. 3. Булутлар шу қадар ҳаракатсиз, тиниқ эдики, юлдузларнинг кўкка ёйган олтин нақшини ҳам беркита олмаган. 4. “Болам, ўтган ишга саловат, уялма”, деб айтса ҳам, Мирвоҳиднинг томоғида овқат тиқилармиш. 5. қоронғи чўкиб, юлдузлар уйғонди. 6. Кимда-ким ростгўй бўлдими, ҳақгўйликни ўзига шиор қилиб олдимми, демак, ундай киши субутлидир. (*Х.*) 7. Ҳовли шундай жимжит, кимсасиз эдики, эгаси кўчиб кетгандай ҳувиллаб ётарди. (*Ч.А.*) 8. Фан, худди ёруғлик зулмат билан олишгандек, хурофотларга қарши курашади. (*Д.Менделеев*) 9. Бола ўзи бунга ишонар, чунки у шундай бўлишини жуда-жуда хоҳларди. 10. Сени бу ерга чақиришдан мақсад шуки, аввало, бу гаплардан хабардор бўлгин. (*О.Ё.*)

217-машк. Ўқинг. Зарур ўринларга тивиш белгиларидан мосини кўйиб, гапларни кўчиринг. Ҳар бир содда гапнинг грамматик асосини аниқлаб, тағига чизинг.

1. Сухбат фақат иш хусусида бориб йиғилиш ўз мақсадига етганлиги учун анжуман иштирокчиларининг кўнгли тўлди. 2. Катта ёшдаги кишилар бачканалашиб ёшларнинг қилиғини қилсалар ёшлар ўйламай катта одамнинг қилиғини қилсалар ҳар икковлари ҳам эл-юрт олдида бекадр бўладилар. 3. Ўз манфаатини кўзлаб юқорига чиқиб олгач кишиларни қўлтиқтаёқ қилиб фойдаланиб иши битгач уларни тепкилаб ўтиш номардлик белгисидир. 4. Қизнинг нимагадир юраги сиқилиб рўпарасида суратдай жонсиз кўринган хаёлчан йиғитга раҳми келиб ўзини аллақандай ўнғайсиз ахволда сезиб нари юриб кетди. 5. Ҳозир йиғирма беш ёшга кирган пайтида ҳам ажойиб хинд қизларини учратса уларнинг нозу карашма билан рақс қилишларини кўрса нафосатга тўла қўшиқларини эшитса

ёшликдаги ўша орзулари қалбига туртиб-туртиб қўйгандек бўлади. (П.Қ.) 5. Ёз қиёмига келиб имтиҳонлар тугагач олийгоҳни битирганларни ишга тақсимлашди. (Ҳ.Ғ.)

218-машқ. Матини ўқинг, унинг мазмунига мос сарлавҳа танланг ва сўзлаб беринг. Таниш белгилари нима учун қўлланганини тушутиринг.

Кунлардан бирида одам олис манзилга кетаётган Карвондан адашиб қолибди. (Ғафлат босиб, ухлаб қолганми, Карвон атайлаб ташлаб кетганми, ёлғиз Худо билади).

Ўша одам қум денгизида кетаверибди, кетаверибди... Охири чанқоқ азобидан ҳушини йўқотибди. Бир маҳал ўзига келиб, нола қилибди: “Агар бир култум сув бўлса, туккан онамдан тонардим!”

Яратган Эгамнинг марҳамати кенг: ўз бандаларини синаш учун ҳар нарсага тайёр. Ночор кимсанинг оёғи остидан шарақлаб булоқ отилиб чиқибди.

Ўша одам йўлида давом этибди. Йўл юрибди. Йўл юрса ҳам мўл юрибди. Энди очлик азобидан ҳушини йўқотибди. Тағин нола қилибди: “Бир бурда нон учун отамдан тонишга розиман!” қарангки, рўпарасида “очил дастурхон” пайдо бўпти. Ебди, ичибди... Йўлида давом этибди. Чанқоғи қонган, қорни тўк... Фақат қум кечавериб, кийимлари парча-парча бўлиб кетибди. Шу орада олисда гуллаган бир маскан кўринибди.

Ўша одам тағин нола қилибди: “Баданимни ёпишга бир газ латта бўлса, иймонимдан кечишга розиман!” Бу гал ҳам илтижоси инobatга ўтиб, шоҳона кийимлар муҳайё бўлибди.

Гуллаган манзил аҳли уни шоду хуррамлик билан кутиб олибди. Ўша одам муроди мақсудига етибди. Фақат... Энди у бир култум сув учун туккан онасидан, бир бурда нон учун отасидан, бир парча латта учун иймонидан бемалол воз кечадиган бўлиб қолибди.

Гоҳо йиғлагим келади... Маънавият Карвондан адашиб қолмаяптими?.. (‘‘Дурдоналар хазинаси’’дан)

219-машқ. Матиларни ўқинг. Ҳар бир матннинг қайси услубга хос эканини аниқлаш.

## I

Ҳаммага маълумки, ёмғир сувида совун яхши кўпиради (юмшоқ сув), кудук сувида эса совун яхши кўпирмайди (қаттиқ сув). Қаттиқ сувни анализ қилиш шуни кўрсатадики, унда кальций ва магнийнинг эрийдиган тузлари кўпроқ миқдорда бўлади. Бу тузлар совун билан сувда эримайдиган бирикмалар ҳосил қилади. Бундай сув ички ёниш двигателларини совитиш ва буғ қозонларини тўлдириш учун ярамайди, қаттиқ сув киздирилганда совутиш системаларининг деворларида қуйқа ҳосил қилади. Қуйқа иссиқни ёмон тказади, шунинг учун моторлар ва буғ қозонларининг қаттиқ қизиб кетиши, бунинг натижасида улар ишдан чиқиши мумкин. (*Энцикл.*)

## II

Теорема. Учта нукта ҳар қандай бўлганда ҳам бу нукталарнинг исталган иккитаси орасидаги масофа улардан учинчи нуктагача бўлган масофаларнинг йиғиндисидан катта эмас.

Исботи. А, В, С – берилган учта нукта бўлсин. Агар учта нуктадан иккитаси ёки учала нуктанинг ҳаммаси устма-уст тушса теореманинг тасдиғи равшан. Агар нукталарнинг ҳаммаси ҳар хил ва бир тўғри чизикда ётса, улардан биттаси, масалан, В нукта қолган иккитасининг орасида ётади. Бу ҳолда  $AB+BC=AC$ . Бундан, учта масофанинг ҳар бири қолган иккитасининг йиғиндисидан катта эмаслиги кўриниб турибди. (*“Геометрия” дарслигидан*)

## III

...Кейин бир ярим йил илм ва мутолаага берилдим. Мантик, фалсафанинг барча қисмларини қайтадан ўқиб чиқдим. Ўша кезларда мен кечалари кам ухлар, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмас эдим... Агар бир оз уйкуга кетсам, тушимда ҳам ўнгимдаги ўша

масалаларни кўрардим, кўп масалалар ечими тушимда аён бўларди. Ана шу зайдда ҳамма илмларни мустаҳкам эгаллаб олдим, улардан инсон имконияти даражада хабардор бўлдим.

Бир куни шоҳдан (Бухоро амири Нух ибн Мансурдан) кутубхонасига киришга ва у ердаги тибга оид китобларни мутолаа қилишга рухсат сўрадим. Шоҳ менга рухсат берди. Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари турар, китоблар эса устма-уст тахлаб кўйилган эди. Хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари, бошқасида фикхшуносликка доир асарлар турарди. Шу тартибда ҳар бир хонада бир фанга оид китоблар (тўпланган) эди... У ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик уларнинг, ҳатто номларини ҳам эшитмаган бўлса керак. Бу китобларни ўзим ҳам аввал кўрмаган эдим, бундан кейин ҳам учратмадим. Ўша китобларни ўқиб, улардан баҳраманд бўлдим. *(Ибн Сино)*

**220-машқ.** Кўчиринг ва ҳар бир парчанинг қайси услубда ёзилганини айтинг. Услубни нима асосда белгилаганингизни тушунтиринг.

## I

Бирлашган Араб Амирлигидан ҳар бир маҳаллий аҳоли тўрт нафар хорижий ишчини ўз хизматига олиш ҳуқуқига эга. Москва журналистларидан бири мамлакат пойтахти Абу-Дабини куйидагича тавсифлаган эди: “Омонликларнинг ранг-баранг ёпинчиғи, сикхларнинг тюрбанлари (ўзига хос либослари) товланади. Бу ерда покстонликларни ҳам, корейсларни ҳам, малайзияликларни ҳам, араб мамлакатларидан келган муҳожирларни ҳам учратамиз. Дам олиш кунлари денгиз соҳили бўйлаб тўё бутун Шарк халқлари саф-саф бўлиб сайр қилаётгандек бўлиб туюлади”.

Туб жой аҳоли мамлакат аҳолисининг олтидан бир қисмини ташкил этади.

## II

Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг ҳар бир аҳолиси йилига ўрта ҳисобда 100-300 килограмм гуруч истеъмол қилади. Уларнинг озиқ-овқат жамғармасида гуручга барча калориянинг тахминан тўртдан уч қисми тўғри келади. Бу демак, кунига эрталабки нонуштада ҳам, пешинда ҳам, кечкурун ҳам асосий таом гуруч таоми ёки гуруч қўшиб ишлатилган таом бўлиб, бошқа барча хил таомлар гўё унга қўшимча, холос.

Таққосланг: европаликлар йилига 1 килограммдан 10 килограммгача гуруч истеъмол қилади холос.

*(Қизиқарли маълумотлар)*



## ҚЎШМА ГАПНИНГ ТУРЛАРИ



## ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАРДА БОШ ВА ЭРГАШ ГАПНИНГ ЎРНИ

<input type="checkbox"/> - бош гап	<input checked="" type="checkbox"/> - эргаш гап
<b>1. Бош гап эргаш гапдан аввал келиши мумкин:</b> <i>Толеим шулки, Ватанда</i> <i>Бир гулистон танладим. (Х.О.)</i> <input type="checkbox"/> -ки, <input checked="" type="checkbox"/>	
<b>2. Эргаш гап бош гапдан олдин келиши мумкин:</b> <i>Ўзгалар гамини чекмаса одам,</i> <i>Унга нолойиқдир инсон деган ном. (Саъдий)</i> <div style="text-align: right; margin-top: 10px;"> <input checked="" type="checkbox"/> -са,    <input type="checkbox"/> </div>	
<b>3. Эргаш гап бош гапнинг ўртасида келиши мумкин:</b> <i>Баланд ҳимматли киши, гарчи умри дарахт баргидай қисқа бўлса ҳам, халқ олдида мўътабардир. (Х.)</i> <div style="text-align: center; margin-top: 10px;"> <input type="checkbox"/>,    <input type="checkbox"/>    са ҳам,    <input type="checkbox"/> </div>	

### ЭГА ЭРГАШ ГАП

Таърифи	Боғловчи воситалар	Эргаш гап ўрни	Мисоллар
Эга эргаш гап бош гапдаги эга вазифасида келган олмошнинг маъносини изохлайди.	-са	олдин	<i>Кимки ўнлаб мухтасар китобларни ўқиса, у ўн йиллаб буюклар умри билан яшайди. (Х.)</i>
	-ки	кейин	<i>Шуниси ачинарлики, Розиянинг орзу-умидлари пучга чиқди.</i>

## КЕСИМ ЭРГАШ ГАП

Таърифи	Боғловчи воситалар	Ўрни	Мисоллар
Бош гапда кесим вазифасида келган кўрсатиш, сўрок олмошлари кесим эргаш гап томонидан изоҳланиб келади.	<b>-ки</b>	кейин	<i>Умид шуки, бу асарга ўқувчилар диққат-эътибор кўзи билан назар солса.</i>
	<b>-ки</b>	кейин	<i>Қизиги шундаки, бу тоифа шоирларнинг кўпчилигининг шеърида маъно озроқ ва шоирлик даъволари кўпроқдир. (А.Н.)</i>

## ТЎЛДИРУВЧИ ЭРГАШ ГАП

Таърифи	Боғловчи воситалар	Ўрни	Мисоллар
Тўлдирувчи эргаш гап бош гапдаги кўрсатиш олмоши билан ифодаланган тўлдирувчининг мазмунини аниқлаб, изоҳлаб келади.	<b>-ки</b>	кейин	<i>Шуни унутмаслик керакки, вафо билан ҳаё пайваста.</i>
	<b>-ки</b>	кейин	<i>Ўша учрашувимизда шуни илғадимки, Абдулла Қаҳҳор тожик тилини ҳам яхши билар экан.</i>
	<b>-са</b>	олдин	<i>Ҳақназаров нимани гапирса, шуни шарҳлашга ҳаракат қилишарди.</i>

## АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАП

Таърифи	Боғловчи воситалар	Ўрни	Мисоллар
<p>Аниқловчи эргаш гап бош гаптаги аниқловчи вазифасида қўлланган айрим сўзларнинг маъносини изоҳлаб келади ёки бош гаптаги предметнинг аниқловчиси вазифасини бажаради.</p>	<b>-ки</b>	кейин	<p><u>Эгани аниқлайди:</u>  <i>Шундай вақт келадикки, сен ожиз, почор деб ҳисоблаган инсон сенга ёрдам беради. (X.)</i></p>
	<b>-ки</b>	кейин	<p><u>Кесимни аниқлайди:</u>  <i>Сўз шундай кучки, ўлган одамнинг танасига руҳ багишлайди. (И.Ҳаққул)</i></p>
	<b>-са</b>	олдин	<p><u>Аниқловчинини аниқлайди:</u>  <i>Кимнинг миясида иллат бўлса, унинг сўзида боғланиш йўқ.</i></p>
	<b>-ки</b>	кейин	<p><u>Тўлдирувчинини аниқлайди:</u>  <i>У шундай хулосага келдикки, душман енгиледи. (А.Н.)</i></p>

## РАВИШ ЭРГАШ ГАП

Таърифи	Боғловчи воситалар	Ўрни	Мисоллар
Равиш эргаш гап бажариладиган ҳаракатнинг қай вазиятда, қай ҳолда юзага келишини билдиради. Равиш эргаш гап ўз таркибида эга ва кесим мавжудлиги билан равишдош о б о р о т д а н фарк қилади.	- <i>(и) б</i>  - <i>май</i>  - <i>масдан</i>  <i>деб, дея</i>	олдин	<i>Сочларининг мушки бутун оламга тарқалиб, унинг хушбўй ҳиди осмонни эгаллади. (А.Н.)</i> <i>Мирзо Улугбекнинг пешонасидаги ажинлари тарқаб, чехраси ёришиб кетди. (О.Ё.)</i> <i>Ақлли одам бошқа одамнинг қилган хатосидан сабоқ олиб, ўзи шундай хатога йўл қўймаслик учун ҳаракат қилади. (Х.)</i>

## ПАЙТ ЭРГАШ ГАП

Таърифи	Боғловчи воситалар	Ўрни	Мисоллар
Пайт эргаш гап бош гапдаги ҳаракат, воқеанинг юзага келиш пайтини билдиради.	- <i>гандан кейин</i>	олдин	<i>Танасига иссиқ теккандан кейин, илон жонланди. (Журн)</i>
	- <i>ган ҳам эдики</i>	олдин	<i>Тун бутун жаҳонни ўзининг нозик пардаси билан ёпиб турган ҳам эдики, олам офтоби порлади. (А.Н.)</i>
	- <i>гунча</i>	олдин	<i>Субҳ заъфарон тусга кирмагунча, фалак унга юзини кўрсатмайди. (А.Н.)</i>
	- <i>гач</i>	олдин	<i>Ҳамма чиқиб кетгач, Султонов тергов бўлимининг бошлигини чақирди. (Т.М.)</i>

## ЎРИН ЭРГАШ ГАП

Таърифи	Боғловчи воситалар	Ўрни	Мисоллар
Ўрин эргаш гап бош гапдаги ҳаракат, воқеа юз берадиган, бошланадиган ёки йўналадиган ўринни билдиради.	<i>қаерда – ўша ерда -са</i>  <i>қаерда – шу ерда -са</i>  <i>қайда – ўша ердан -са</i>	олдин	<i>Қаерда ақл бўлса, қудрат ҳам ўша ердадир. (В.Гюго)</i>  <i>Қаердаки аниқ билим бўлмаса, шу ерда фаразлар ҳукм суради. (Горький)</i>  <i>Ўзаллик қайда макон топса, муҳаббат ҳам ўша ердан жой олади. (Ҳ.)</i>

## ЎХШАТИШ -ЧОҒИШТИРИШ ЭРГАШ ГАП

Таърифи	Боғловчи воситалар	Ўрни	Мисоллар
Ўхшатиш-чоғиштириш эргаш гапли кўшма гапларда бир воқеа-ҳодиса билан иккинчи воқеа-ҳодиса бир-бирига ўхшатиб чоғиштирилади.	<i>сўё</i>  <i>-гандай</i>	кейин	<i>Ситчков ўткир нигоҳлари тўқнашди, сўё иккала қалб бирига туташгандай бўларди.</i>

	-ки, гўё	кейин	<i>У соҳилда иш шундай қизиб кетдики, гўё Рим денгизи тўлқинга келгандек бўлди.</i>
	-дек	олдин	<i>Қуш ҳаво оқимига таяниб учганидек, истеъдодли шоир ҳам адабий анъанага таяниб маҳорат юксакликларига парвоз қилади. (Журн.)</i>

### МИҚДОР-ДАРАЖА ЭРГАШ ГАП

Таърифи	Боғловчи воситалар	Ўрни	Мисоллар
<p>Микдор-даража эргаш гаплар бош гаптаги воқеани унинг ҳажми ва даражасига кўра ўлчаб кўрсатади.</p>	<i>экан</i>	олдин	<i>Киши ўзидан қанчалик мамнун экан, унда мамнун бўладиган хислатлар шу қадар камдир. (X.)</i>
	<i>-са</i>	олдин	<i>Одам ўзи ҳақида қанчалик юқори фикрда бўлса, унинг аҳволи шу қадар мўртдир. (X.)</i>
	<i>эди (тўлиқсиз феъли)</i>	кейин	<i>Қиз шу қадар хурсанд эдики, ҳатто Жўрахоннинг назарида у ёшариб, чиройли бўлиб кетган эди.</i>
	<i>ган сайин</i>	олдин	<i>Биз қанчалик кўп ўқиган сайин, фикримиз шунчалик тиниқлашар экан.</i>

## ШАРТ ЭРГАШ ГАП

Таърифи	Боғловчи воситалар	Ўрни	Мисоллар
Ш а р т эргаш гап бош гапдаги воқеанинг қандай шарт билан юзага келганини билдиради.	<i>-санг</i>	олдин	<i>Агар тилингни тиймасанг, жиловингни душманга бериб қўясан.</i> (Замахшарий)
	<i>-санг</i>	олдин	<i>Истасанг дунёда бахту саодат, айлагил қардошлар дийдорин одат.</i> (Деҳлавий)
	<i>-санг</i>	олдин	<i>Агар танрига таянсанг, сени ўзгалар зараридан сақлагай.</i> (Арасту)

## САБАБ ЭРГАШ ГАП

Таърифи	Боғловчи воситалар	Ўрни	Мисоллар
Сабаб эргаш гап бош гапдаги ҳаракат, воқеанинг юзага келиш сабабини, асосини билдиради.	<i>шунинг учун,</i>	олдин	<i>Беморим шифо топди, шунинг учун кўнглим шод.</i> (И.Сино)
	<i>негаки</i>	кейин	<i>Салтанат ойисига ўзи ҳақида гапирмади, негаки ойисининг ҳам аҳволи оғир эди.</i> (С.З.)
	<i>чунки</i>	кейин	<i>Бир одамникига ҳадеб бориб узоқдан узоқ ўтираверма, чунки ҳамма нарса ҳам жонга тегади.</i> (Х.)

## МАҚСАД ЭРГАШ ГАП

Таърифи	Боғловчи воситалар	Ўрни	Мисоллар
Мақсад эргаш гап бош гапдаги ҳаракат ёки воқеанинг қандай мақсад билан юзага келишини кўрсатади.	<i>-деб</i>  <i>-учун</i>  <i>зора, деб</i>	олдин	<i>Фарзандларини яхши ўқисин деб, магазиндан китоблар харид қилди.</i> <i>(П.Қ.)</i> <i>Ҳовли саҳнида хушбўй ҳидлар анқиб турсин учун, турли хил гуллар эди.</i> <i>(О.Ё.)</i> <i>Зора қизнинг хафазарчилиги ёзилсин деб, йигит ширин гаплар билан қизни овутарди.</i> <i>(П.Қ.)</i>

## НАТИЖА ЭРГАШ ГАП

Таърифи	Боғловчи воситалар	Ўрни	Мисоллар
Натижа эргаш гап бош гапдаги ҳаракатнинг, белгининг натижасини ёки воқеанинг хулосасини кўрсатади.	<i>-ки</i>	кейин	<i>У даштда шундай тез, шошқин ва жадаллик билан от сураб эдики, унга ҳеч ким етолмас ва ҳамроҳлик қилолмас эди.</i> <i>(А.Н.)</i> <i>Асрорқул чилимни шундай қаттиқ тортдики, сархонадан аланга кўтарилди.</i> <i>(А.Қ.)</i> <i>Абдулла Қаҳҳор шу қадар илҳом билан берилиб ишладики, натижада орадан кўп ўтмасда-ноқ янги роман устидаги ишни ниҳоясига етказди.</i> <i>(Журн.)</i>

## ТЎСИҚСИЗ ЭРГАШ ГАП

Таърифи	Боғловчи воситалар	Ўрни	Мисоллар
<p>Тўсиқсиз эргаш гапларда бош гап ва эргаш гапдаги мазмун бир-бирига зид бўлса ҳам, шу зидлик, тўсиққа қарамай бош гапдаги воқеа-ҳодиса юзага келаверади.</p>	<p><i>-са ҳам</i></p> <p><i>қарамай</i></p> <p><i>-са-да</i></p>	<p>олдин</p>	<p><i>Қизил қалтоқли чироқ ўчиқ бўлса ҳам, деразалардан тушиб турган ой нуридан хона ёп-ёруғ эди. («Ҷ.»)</i></p> <p><i>Мактабимизда бегоналар киритилмайдиган кун бўлишига қарамай, акаларим мени кўргани келишиди. («Ҷ.»)</i></p> <p><i>Муҳсина хонимнинг қувончи кўксига сизмаса-да, у одоб юзасидан ўзини ҳомуш тутушига ҳаракат қиларди.</i></p> <p><i>(М.М.Дўст.)</i></p>

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

<i>А.О.</i> - Абдулла Орилов	<i>П.Қ.</i> - Пиримкул Қодиров
<i>А.Қ.</i> - Абдулла Қаххор	<i>Р.</i> - Рудакий
<i>А.Қод.</i> - Абдулла Қодирий	<i>Р.У.</i> - Рахим Усмонов
<i>А.Ж.</i> - Абдурахмон Жомий	<i>С.А.</i> - Саид Ахмал
<i>А.Э.</i> - Авлиёхон Эшон	<i>С.З.</i> - Саида Зуннунова
<i>А.Н.</i> - Алишер Навоий	<i>Т.М.</i> - Тохир Малик
<i>Ас.М.</i> - Асқал Мухтор	<i>Т.Қ.</i> - Тологон Касимбеков
<i>А.</i> - Афлотун	<i>У.</i> - Уйғун
<i>Газ.</i> - Газетадан	<i>Э.А.</i> - Эркин Аъзамов
<i>Г.</i> - Гёте	<i>Э.В.</i> - Эркин Воҳидов
<i>Журн.</i> - Журналдан	<i>Энцикл.</i> - Энциклопедия
<i>З.</i> - Зулфия	<i>Ч.А.</i> - Чингиз Айтматов
<i>И.Р.</i> - Иброҳим Раҳим	<i>«Ч.»</i> - «Чоликуши» асаридан
<i>И.М.</i> - Иқбол Мирзо	<i>Ш.Р.</i> - Шароф Рашидов
<i>Л.Т.</i> - Лев Толстой	<i>Ш.Раҳ.</i> - Шавкат Раҳмон
<i>«Манас»</i> - «Манас» эпоси	<i>Ш.Х.</i> - Шукур Холмирзаев
<i>М.</i> - Мақол	<i>Ш.</i> - Шухрат
<i>М.Ис.</i> - Мирзақалон Исмоилӣ	<i>Ў.Х.</i> - Ўткир Ҳошимов
<i>М.М.</i> - Мирзохид Мирзараҳимов	<i>«Қ.»</i> - «Қобуснома»
<i>М.О.</i> - Мирқарим Осим	<i>«Қ.Б.»</i> - «Қутадғу билиг»
<i>Мирм.</i> - Мирмуҳсин	<i>Қ.М.</i> - Қўлдош Мирзо
<i>Мирт.</i> - Миртемир	<i>Ғ.Ғ.</i> - Ғафур Ғулум
<i>М.Ю.</i> - Муҳаммад Юсуф	<i>Ҳ.Н.</i> - Ҳақим Назир
<i>Н.Ф.</i> - Носир Ғозилов	<i>Ҳ.</i> - Ҳикмат
<i>О.Ё.</i> - Одил Ёқубов	<i>Ҳ.О.</i> - Ҳамид Олимжон
<i>О.</i> - Ойбек	<i>Ҳ.Ғ.</i> - Ҳамид Ғулум
<i>П.Т.</i> - Парда Турсун	<i>Ҳ.Х.</i> - Ҳалима Худайбердиева

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
<b>1-дарс.</b>	
“Қирғизистоннинг давлат тили ҳақида”ги Қонуinning қабул қилиниши. Қирғизистондаги тиллар ўртасидаги муносабатлар.....	4
<b>2-дарс.</b> Ўқув йили бошида такрорлаш Синтаксис ва пунктуация	
2.1. Содда гап.....	6
2.2. Икки бош бўлакли гап.....	7
2.3. Бир бош бўлакли гап.....	8
<b>3-дарс.</b> Уюшиқ ва ажратилган бўлакли гап.....	9
<b>4-дарс.</b> Ундалмали, кириш ва киритмали гап.....	10
<b>5-дарс.</b> Қўшма гап	
5.1. Қўшма гап ҳақида маълумот.....	13
5.2. Содда ва қўшма гапларнинг ўзаро фарқи.....	15
<b>6-дарс.</b>	
6.1. Қўшма гап турлари.....	16
6.2. Қўшма гап қисмларини боғловчи воситалар.....	17
<b>7-дарс.</b> Боғланган қўшма гаплар Боғланган қўшма гапнинг тузилиши ва ундаги боғловчи воситалар.....	19
<b>8-дарс.</b>	
Бириктирув боғловчили боғланган қўшма гаплар.....	21
<b>9-дарс.</b> Зидлов боғловчили боғланган қўшма гаплар.....	23
<b>10-дарс.</b> Айирув боғловчили боғланган қўшма гаплар.....	25
<b>11-дарс.</b> Боғланган қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг боғловчиларсиз бирикиши.....	27
<b>12-дарс.</b> Боғланган қўшма гапни синтактик таҳлил қилиш тартиби.....	29
<b>13-дарс</b>	
13.1. Боғловчисиз қўшма гап.....	31
13.2. Боғловчисиз қўшма гапларда вергул ва нуктали вергулнинг ишлатилиши.....	32

<b>14-дарс</b>	
14.1. Боғловчисиз қўшма гапларда тиренинг ишлатилиши.....	34
14.2. Боғловчисиз қўшма гапларда икки нуқтанинг ишлатилиши.....	35
<b>15-16-дарслар.</b> Чорак охирида такрорлаш.....	37
<b>17-дарс.</b> Эргаш гапли қўшма гап.....	40
<b>18-дарс.</b>	
Эргаш гапларни бош гапга боғловчи воситалар.....	42
<b>19-дарс.</b> Эргаш гапнинг турлари.....	44
<b>20-дарс.</b> Эга эргаш гапли қўшма гап.....	47
<b>21-дарс.</b> Кесим эргаш гапли қўшма гап.....	50
<b>22-дарс.</b> Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап.....	52
<b>23-дарс.</b> Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап.....	54
<b>24-дарс.</b> Равиш эргаш гапли қўшма гап.....	57
<b>25-дарс.</b> Пайт эргаш гапли қўшма гап.....	58
<b>26-дарс.</b> Ўрин эргаш гапли қўшма гап.....	60
<b>27-дарс.</b>	
Ўхшатиш-чоғиштириш эргаш гапли қўшма гап.....	62
<b>28-дарс.</b> Миқдор-даража эргаш гапли қўшма гап.....	64
<b>29-30-дарс.</b> Чорак охирида такрорлаш.....	65
<b>31-дарс.</b> Шарт эргаш гапли қўшма гап.....	69
<b>32-дарс.</b> Сабаб эргаш гапли қўшма гап.....	71
<b>33-дарс.</b> Мақсад эргаш гапли қўшма гап.....	73
<b>34-дарс.</b> Натижа эргаш гапли қўшма гап.....	75
<b>35-дарс.</b> Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап.....	77
<b>36-дарс.</b>	
Эргаш гапли қўшма гапни таҳлил қилиш тартиби.....	79
<b>37-дарс.</b> Бир неча эргаш гапли қўшма гап ҳақида маълумот.....	80
<b>38-дарс.</b> Бир неча эргаш гапли қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	83
<b>39-дарс.</b> Боғловчисиз ва турли боғловчилар воситасида боғланган гаплардан тузилган аралаш турдаги қўшма гаплар.....	85

<b>40-дарс.</b> Аралаш турдаги қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	88
<b>41-дарс.</b> Тил ҳақида маълумот. Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.....	93
<b>42-дарс.</b> Дунёдаги тиллар.....	96
<b>43-дарс.</b> Қирғиз тили – республика давлат тили.....	99
<b>44-дарс.</b> Ўзбек тили – ўзбек халқининг миллий тили....	100
<b>45-дарс.</b> Рус тили – халқаро тиллардан бири.....	104
<b>46-47-дарс.</b> Чорак охирида такрорлаш.....	105
<b>48-дарс.</b> Адабий тил услублари.....	109
<b>49-дарс.</b> Сўзлашув услуби.....	112
<b>50-дарс.</b> Расмий-идоравий услуб.....	114
<b>51-дарс.</b> Илмий услуб.....	117
<b>52-дарс.</b> Публицистик услуб.....	118
<b>53-дарс.</b> Бадиий услуб.....	120
<b>54-дарс.</b> Синонимия–услубшунослик асоси.....	123
<b>54.1.</b> Лексик ва фразеологик синонимия.....	123
<b>54.2.</b> Синтактик синонимия.....	124
<b>55-дарс.</b> Нутқ маданияти.....	125
Ўқув йили охирида такрорлаш.....	131
Кўргазма сифатида фойдаланиш учун жадваллар.....	145
Шартли қисқартмалар.....	156

*Оқуу басылмасы*

**Абдулхамид Нурмонов, Муяссар Мирзахидова,  
Дилфуза Абдуллаева**

## **Ўзбек тили**

9-класс үчүн оқуу китеби

(өзбек тилинде)

*Ўқув нацири*

**Абдулхамид Нурмонов, Муяссар Мирзахидова,  
Дилфуза Абдуллаева**

## **Ўзбек тили**

9-синф учун дарслик

Бош муҳаррир:  
Техник муҳаррир:  
Саҳифаловчи:  
Корректор:

*А. Ғриббоев  
М. Аҳмедов  
М. Тишабаева  
Д. Аббасова*

Теришга берилди: 15.12.2011. Босишга рухсат берилди: 22.03.2012.  
Формат 60x90 1/16. Шартли босма табоғи 10 б.т. Адади 14000

«Қоғоз ресурстарии» босмаҳонасида чоп этилди  
Манзил: Ўш шаҳри, А.Мамиров кўчаси 86 г уй.



